

Шоислом Шомуҳамедов

ГУЛБОҒ НАСИМИ

Тошкент
«Езувчи» нашриёти

Шарқона ҳикоят услубида ёзилган кичик-кичик ҳаётий ҳикоялардан таркиб топган ушбу мажмуя муаллифнинг бундан илгари нашр этган «Гулбог» (1972) ва «Гулбог сайри» (1978) китоблари-нинг тадрижий давоми бўлиб, муаллиф унда турмушимиздаги салбий ва ижобий ҳодисаларни қаламга олади, одамлар табиятида учрайдиган яширин тубанликни фош этади, улар устидан кулади, ўзининг ахлоқий қарашларини ифода этиб, китобхон онгига сингдиради. Қатра ҳикоялар замирда муаллиф бошидан кечирган, ўзи мушоҳада этган воқеалар ётгани сабабли уларни бадиий ифода этилган ённомалар дейиш ҳам мумкин. Уларнинг ахлоқий-тарбиявий қадри айни шунда бўлиб, кўплаб китобхонлар қалбида аксадо беради.

Муҳаррир: РАҲИМА ШОМАНСУРОВА

4702620201
Ш — аълонсиз — 1992
М 362(04) — 92

ISBN 5—8255—0117—7

© Ш. Шомуҳамедов. 1992 й.

ҲАЁТ САБОФИ

(Дебоча ўрнида)

1969 йилнинг 15 июль куни Тошкент — Симферополь самолётида учиб борар эдик. Иўловчилардан бир аёл стюардес-садан икки култум чой сўради.

Кийимлари ўзига ярашган, киприкларинигина эмас, қовоқдарини ҳам бўяб, қўз чеккаларига сурма тортиб, виқор билан самолёт ичра юрган стюардесса аёл илтимосига жавобан:

— Чой йўқ! — деди-да қиё боқмай, бошқа хонага ўтиб кета бошлиди.

— Демак, самолётга термосда чой олиб чиқиш керак эканда,— дедим уни бир оз хушига келтириш умидида. Аммо у қайрилиб ҳам боқмади-да йўл-йўлакай:

— Ҳа, шундай қилиш керак,— деганича кўздан фойиб бўлди.

Бу қилмишининг нечоғлик ҳурматсизлик эканига эҳтимол унинг фаҳми етмагандир. Шунда менинг эсимга Абдураҳмон Жомийнинг бир қитъаси келди ва мен ҳазил билан уни сал ўзгартириб, ёнимда келаётган ва ғазабланганидан нима дейиши ни билмай ўтирган аёлга ўқиб бердим:

Ҳас ҳасликча қолур агар гирдибод
Уни кўтарса ҳам осмон қадар.
Паст пастликча қолур уни самолёт
Осмонга кўтариб чиқсада магар.

Шунда Саъдий «Гулистон»и ва Жомийнинг «Баҳористон»и ҳам ҳаётий воқеалардан олингандилиги сабабли башарият гулзорида абадий сўнмас чечаклар очганлиги ҳақида ўйлаб кетдим. Бундай воқеаларни синчковлик билан кузатиб борилса, улар орасида кишиларга ибратлилари жуда кўп учрайди-ку.

Жаҳон бошдин аёқ ҳикмат-ку, ҳикмат,
Нечун ғафлат бўлибдир бизга қисмат

демаганмиди улуғ Фирдавсий.

Ҳаёт мактабида кўрганларимни мен ҳам қўлимдан келганча қоғозга туширсам деган фикр ўтди хиёлимдан. Бу йўлда Саъдий, Жомий, Навоий каби пири забардаст устодлар мададкорлик қиласалар, зукколар кўнглига мақбул ва ҳимматли кишилар назарида манзур бўлса, каминанинг орзулари ушалган бўлур эди.

ДЕНГИЗ ВА ТОШЛАР

Тоғдан денгиз бўйига тушиб ўтирас эканман, беихтиёр тоғ ва дengiz тошлари орасидаги тафовутга разм солиб, ҳайрон қолдим ва фикрга толдим.

Ажаб, тоғ тошлари қингир-қийшиқ, қиррали, хира ва мағор босган. Денгиз тошлари эса силлиқ, ялтироқ, сайқал топган.

Меҳнатдан, заҳматдан нолиб урма дам,
Тогда ётган тошга ўхшама сен ҳам.
Денгиз тошларидек топади сайқал,
Доим ҳаракатдан тинмаган одам.

1969

БИГИЗ ВА СЎЗАН

Бир амалдор ўз ўринбосарларини тез-тез ўзгартириб турар ва:

— Мана яна бир кадр тарбиялаб чиқардик! — деб керилиб юрар эди.

Сабаби бошқа ёқда экан, хизматчиларидан бири:

— У киши ўзларидан ўтқирроқни чиқиштирмайдилар. Хушёрроқ ва билимдонроқ чиқиб қолган муовинларини дарҳол бошқа ёққа тавсия этиб юборадилар. Ундайлар бу кишининг раъига юрмайди-да,— деди.

Этиқдўз чок тикар хит сўзан билан,
Ўткир игна билан тика олмайди.
Игнани қанчалик йўналтирмасин,
У бигиз йўлидан юра қолмайди.

1969

ШОИР

Faafur aka билан Душанбега, тожик ёзувчилари қурилтойига бордик. Бу менинг тожик ёзувчилари орасига биринчи боришим эди.

Faafur Fулом барчага мени «шоир» деб таништиравердилар ва мен бундан ўзимни тобора хижолат сезардим. Faafur aka тортиниброқ турганимни кўриб, бирдан менга юзландиларда:

- Ҳа, нега жимиб қолдинг? — дедилар.
- Мен... мен бу номни кўтаролмасам керак...
- Нега бўлмаса шеър ёзиб юрибсан?

Ул киши биринчи бор мени шоир деганларидан бошлаб жимгина ўйлаб турган рубойиимни ўқидим:

Мени таништириб дедингиз «шоир»,
Менга тўғри келмас асло бу таъбир.
Мен фақат таржимон, баъзи-баъзида
Ўз қалбим таржима этаман... бу сир.

- Ҳа, ҳа, маъқул, шоирлик касб эмас, юрак амри,— дедилар устоз.

1969

ТИЛ ОБРУСИ – ЭЛ ОБРУСИ

Қадимгиларнинг нақл қилишича Исфахон ҳокимларидан бири аъёнлар орасидагина эмас, оддий деҳқонлар ичida ҳам жимжимадор араб классик тилида сўзлар экан. Халқ эса унинг нима деганини тушунмай, фақат чираниб қилган талаффузи устидан қулиб, тарқалиб кетар экан. Буни кўрган олим кишилардан бири ҳокимга дебди:

Элинг иззат қилсанг, хор этма тилин,
Тилинг хор этмаклик, элни хор этмак.
Фақат заршунослар аро сўзлагил,
Лозим бўлса тилни ифтихор этмак.

1969

АМАЛ ВА БИЛИМ

Чаламулло бир кишига амал текканидан бурни кўтарилиб, ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйди. Шунда мен амал ва билим муносабати ҳақида ўйладим:

Кимда амал илмдан ортиқроқ бўлса,
Ажабмас, гуурурдан инсонлик сўлса.
Фууруга жой қолмас, бутун вужуди,
Шуури илмга лиммо-лим тўлса.

1969

ЛОЛА САЙЛИДА

Лолага чиқдик. Лолаларни кесиб, юлиб олиб келдик. Сассиқ алафлар ва тиканак ўтлар яшнаб, яшаб жойида қолди.

Қайтишда хаёлга толдим ва аччиқ ҳақиқатдан лол қолдим:
Лолаларда гўзалиқдан ўзга айб йўқ әди-ку. Мевали дараҳтга тош
тегади деганлари шумикин? Шамнинг ҳам ўзи ёниб ўзгалар
уйини ёритиши ҳақиқат. Ажабо, булар билан олижаноб,
саховатли кишилар ўртасида ўхшашлик нақадар кўп!

Минг йил тикан бўлиб тургандан кўра,
Бир соат гул бўлиб, яшнаб қил ҳузур.
Шунда ҳам ҳушёр бўл, қалбинг қуёши —
Фақат инсонларга сочиб турсин нур.

БЕКОРЧИ ОЛИМ – БАРЧАГА ЗОЛИМ

Машойиҳларнинг таъкидлашича, бекорчи олимдан ва иш
бошига чиқиб олган нодондан хунуқроқ нарса бўлмас ва улардан
ҳеч кимга наф тегмас

Асалсиз аридир иш бермас олим,
Ундан минг баттарроқ ишбоши золим.
Халқнинг танасида зулукдир улар,
Улардан ор этар ким ақдли солим.

ОНА ДУОСИ – ЭЛ МУДДАОСИ

Оlamda лирик шоирлар султони бўлиб танилган Шамсиддин
Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг отаси жуда барвақт вафот этган.

Ривоятларга кўра, унинг икки акаси ўзларини ўйлаб, она ва
укаларини ташлаб кетганлар.

Шамсиддин эса ёш бўлишига қарамай, новвойга шогирд
тушиб, топган пулинни учга тақсим қилган. Бир қисмини онасига
элтиб берган, бир қисмини ўз тамаддуғига олиб қолган, бир
қисмини эса мактабларга тўлаб ўқиган.

Оналарини ташлаб кетган акаларининг номи тарихдан ўчиб
кетди, Шамсиддин эса Ҳофиз бўлиб, шуҳрати оламни забт этди.

Фарзандига фидо, мардона,
Жон беришга тайёрdir она.
Афсус ҳар бир фарзанд шам эмас,
Аммо ҳар бир она – парвона.

1969

ЧУЛОҚ ШЕЪРИЯТ

Ривоятларга қараганда шоҳ Шўжо Хўжа Ҳофиз Шерозий
шеърларини ерга урмоқчи бўлиб:

— Сизнинг ҳеч бир газалингиз матлаъдан мақтаъгача бир

тариқада айтилмаган, ҳар ғазалда бир, икки байт висолу фироқдан гапирса, бир қисми шароб таърифида, уч-тўрт байт тасаввуфдан баҳс этса, бир, икки байт маҳбубни сифатлайди ва бир неча байт зоҳидларга ҳамладан иборат. Ўлуғлар бундай ола-булаликни заршуносликка хилоф биладилар...,— деганида Ҳофиз унга жавобан:

Шоҳнинг муборак сўзлари албатта мақбул гап, аммо ҳузурингизда арз әтишни истар әдимки, Ҳофиз шеърлари шундай камчиликлари билан ҳам оламга машҳур:

Ҳофиз шеърин ёд ўқиб, рақсга тушар, шўҳ ўйнар,
Кашмирлик қаро кўзлар, самарқандлик жононлар.

Аммо баъзиларнинг шеъри ҳамма санъатларга әга бўла туриб, Шероз дарвозасидан ташқари қадам қўёлмайди! — деган экан.

Шеърнинг шаҳарма-шаҳар, иқлимма-иқлим одим отиб юриши ҳақидағи Ҳофиз сўзларини ўқир эканман, беихтиёр чўлоқ шеърлар ҳозир ҳам борлигини ўйлаб қолдим. Ажаб, муаллифлари уларни елкаларига ортмоқлаб, идорама-идора юриб чоп эттирадилар.

Шеърга керак жуфт енгил қанот,
Ҳеч бўлмаса бўлсин оёғи.
Шеъринг бўлса ўз елкангга юк,
Езмаёқ қўй бундан бу ёғи.

1969

КЎРНАМАК ШОГИРД

XIII аср тарихчиси Закариё Қазвиний «Осорул билод» («Мамлакатлар осори») номли китобида қизиқ бир воқеани ҳикоя қиласди:

... Замоннинг машҳур қонуншуносларидан бири Ҳайёмдан илм ўрганар экан-у бошқа жойларда, одамлар орасида олимни ёмонлаб юрар экан. Ҳайём риёкор фақиҳнинг адабини бериб қўйишга қарор қилибди. Кунлардан бирида унинг келар вақтини мўлжаллаб, ногорачи ва карнайчиларни йиғиб, томга чиқариб қўйибди. Фақиҳ кириб келиши билан ноғорачи, карнайчилар оламни бошга кўтариб ноғора қоқиб, карнай чала бошлабдилар. Буни эшишиб ҳалқ тўпланибди. Шунда Ҳайём тўпланганларга қараб: «Эй Нишопур ҳалқи! Мана бу киши сизнинг олимингиз! У ҳар ҳафта шу пайтда келиб мендан сабоқ олади. Аммо сизларнинг ораларингизда менинг тўғримда нималар деб юришини ўзингиз яхши биласиз. Агар мен, ҳақиқатан ҳам, бу айтгандек бўлсан, нечун мендан сабоқ олади, бўлмаса нега ўз устодини ҳақорат қиласди?!».

Шундай қилиб, фақих халқ олдида шарманда-ю шармисор бўлибди. Бундай кўрнамаклар ҳали ҳам учраб туради.

Кўрнамакнинг кўзи оч,
Аммо қалби кўр.
Маънан ғарип, бечора
Пешонаси шўр.

1969

УЗОҚ ҲАЁТ СИРИ

Шарқнинг улуғ инсоншунос шоири Шайх Саъдий юз йилдан ортиқ умр кўрган.

Шайхдан умр узоқлик сирини сўраганларида у:

— Мен кўлимдан келганича нодонлар суҳбатидан қочишга, жоҳиллардан узоқлашиш йўлини очишга интилдим,— деган экан.

Кексалар умридан ибрат ол, ибрат,
Кексаларнинг сўзи лиммо-лим ҳикмат.

1969

ШОИР ЎҒРИСИ

Бир куни ҳаким Анварий Балх бозоридан ўтиб борар экан, бир тўда одамлар маъракасини кўриб яқинроқ борибди. Ўртада бир киши Анварий қасидасини ўқир, одамлардан унга таҳсин ёғилар экан.

Анварий олдинроқ чиқиб дебди:

- Эй нотиқ, ўқиган шеъринг кимники?
- Анварий шеъри,— дебди у.
- Анварийни танийсанми?
- Нима деяпсан? Анварий — менинг ўзимман!

Шунда Анварий кулиб юборибди ва:

— Шеър ўғрисини эшитган эдим-ку, аммо шоир ўғрисини энди кўришим,— дебди.

Шоир, сўзинг ўғирлашса,
Кетавергил силтаб кўл.
Агар ўзинг ўғирлашса,
Не қилардинг, ҳушёр бўл.

1969

МУҚОВА ГЎЗАЛЛИГИ

Устоз Миртемир янги китоблари нашр қилинадиган бўлса, ҳар гал энг талабчан ва жиддий муҳаррир танлайдилар-да, «раҳмсиз равишда чизинг» деб туриб оладилар.

Китобларнинг мазмуни суст, аммо босилиши чуст бир адидни биламан. У безакчи рассомларнинг яхисини танлайди ва бутун кучини китобининг ташқи безагини ортиришга ташлайди.

Афсуски, китоб харидорлари орасидан ҳам чиройли муқовали китобларни қидириб юрувчилар кўп:

Бир дўстим бор, китоб олса ҳар маҳал,
Дейди: муқоваси бўлсин соз, зарҳал.
Сипчиклаб боққанда кўрдим ўзин ҳам,
Фақат муқоваси экан мукаммал.

1969

ШЕЪР ҲАРОРАТИ

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир домланинг олтмиш йиллари тўйлари кунларида Сирдарё педагогика институтида учрашувда катнашдик. Шу институт муаллимаси Миртемир шеърларининг ёшларга таъсири ҳақида сўзлай кетди:

...Олаговур, оловдек ёниб турган студент ёшлар даврасида бир йигит ўртага тушиб, ўтдек ёниб домла Миртемир шеърларини ўқий бошлаган эди, давра сув қуйгандек жимиб қолди...

— Ажаб, оловни олов билан ўчиришибди,— дедим мен ёнимда ўтирган Зулфия опага.

Киши юрагида аланга лов-лов,
Ажабмас авж олса сўздан зўр олов.
Сув, тупроқ бу ўтни ўчира олмас,
Унга сўздан ўзга топилмас жилов.

1969

БИР ШЕЪР ТАРИХИ

1962 йилнинг мусаффо ва серфайз куз фасли. Биз Миртемир ака билан Гаградаги Ёзувчилар уйида дам олардик. Баъзида жиндек-жиндек таржима билан ҳам шуғулланамиз. Бир куни гўзал Питсунда ярим оролига саёҳатга бордик. Унда XII — XIII асрлардан қолган бир ибодатхона бор. Бу черковнинг ўзига хос осори атиқа бўлиб сақланишининг сабаби ички безакларнинг бойлиги, нақшлардаги бўёқлар тароватининг ҳозирги кунгача сақланиб қолганлигида эди.

Унда кишини ҳайратга соладиган гўзал Биби Марям тасвири ҳам бор. Биби Марям жажжигина чақалоғи Исони бағрига босиб, ўта шаҳло кўзлари билан баланд гумбаз остидан боқар экан, ҳар қандай кишини ўзига ром этиб қўяди.

Менинг у ерга учинчи марта боришим әди. Аммо бу ажойиб санъат асарининг сеҳргар ва мафтункорлигини бунчалик сезмаган эканман. Миртемир aka унга боқдилар-у, лол қолдилар. Бир оздан кейин ташқарига чиқиб, боғ кезиб, ўрмонда сайр эта бошладик. Аммо энди менинг ёнимдаги дилкаш ва ҳушёр йўлдошим, ҳар луқма сўз, ҳар бир ҳаракатимни эътибордан қочирмайдиган меҳрибон устоздан асар ҳам қолмаган әди.

Энди Миртемир aka ҳеч нарсани эшиитмас ва туймас, унинг бутун борлигини Биби Марям чулғаб олган... Ёнимда пичирлаб шеър тўқиб борар, шеърий сатрларни кўрсатгич бармоқлари билан ҳавога ёзар, шу ондаёқ кераксиз топиб, кескин кўл ҳаракати билан гўё ўчириб ҳам ташлар әдилар. Теплоходда, Гаграга қайтишимиз ҳам шу тахлитда ўтди.

Эртасига пешингача устоз ўз хоналаридан чиқмадилар. Фақат тушга яқин долондан ўтиб борар эканман кутубхонанинг яrim очиқ эшигидан:

— Где мой сын? — деган овозлари қулоғимга чалинди.

Бизнинг доим биргалигимиз ва ўзаро муносабатимизни кўриб у ерадигилар бизни ота ва ўғил дейишар әди. Миртемир aka мени ўз хонамдан топмай, кутубхоначидан сўраб турган эканлар. Мен югириб кирдим.

— Юр,— дедилар устоз мени кўрибоқ ва хоналарига сургадилар,— мана бир шеър қоралаб қўйдим, эшит:

Чинакам сулувсиз, чинакам барно,
Тенги йўқ сиймо.
Кўзингизда асрий ва сирли маъно,
Мужассам зако...

Шеър шундай қўйилиб келар әдики, улуғ бир дарёning сербарака баҳор ёғини файзидан жўшиб-тошиб жумбушга келганлигини ҳис қиласдим. Қанча туйгу, қанча билим ва зако бор әди шеър давомида. Унда инсоният ҳақидаги теран мулоҳазалар нозик туйгу қанотида парвоз этар әди. Бир санъат асарига бунча ошуфталик, бунча мафтунлик қайдан келганига ҳайратда қолдим...

— Қалай? — дедилар. Мен эса лол әдим. Индамай ўз хонамга равона бўлдим. Бир оздан кейин қоғоз кўтариб чиқиб ўқидим:

— Шоир бўлмоқча, эй устоз, не керак?
— Фақат икки нарса,— бердингиз дарак:
Бир олам билимки, кексаларга хос,.
Ва гўдак дилидек покиза юрак.

Миртемир акада бу ҳар иккиси жамулжам әди.

1969

МЕҲМОН

Замира қизим икки-уч яшарлигида ишдан келишим билан
— Ассалом алайкум, адажон,— дер эди-да, қўлимдан ушлаб телефон томон тортар эди: «Ҳозир телефон қилинг меҳон кесин!».

Меҳмон келишини ҳаммамиз ҳам ёқтирас эдик.

Дил ҳам уй чароғон келса гар меҳмон,
Меҳмоннавоз дилдек яшнайди инсон.
Бўлмаса жаҳолат ҳокими мутлақ,
Меҳмондан тарбия топади мезбон.

Меҳмон дийдоридан ёргу хонамиз,
Меҳмон шам, уй фонус, биз парвонамиз.

1969

ТЎН

Бир тўйдан сўнг куда чақириги бўлди. Таомилга қўра кудаларга тўн кийгизилди. Иттифоқо қуданинг акасига кийгизилган тўн енглари тор, ўзи калта чиқиб қолди. Ул кишининг кўнгли эса, тўн енгидан ҳам тор экан.

— Мен кўёвнинг амакиси бўламан-а, менга ҳурмат шуми! —
дэя тўнни ечиб зарда билан ташлаб кетди.

Шунда кўпни кўрган кексалардан бири секингина жилмайиб:

— Қудаси билгандек тўнни ақлига ўлчаб кийгизган экан,—
деди.

Бидъатга берилиб дилинг тор қилма,
Кийилмас тўн учун ўзинг хор қилма.
Қанча эл бойлиги сандиқда ётар,
Сўзингдан уял-у «тўндан» ор қилма.

1970

УЗУМ ЙИФИНИДА

Узум узар эдик, баъзи бошлари бир челак келади. Фужумлари ҳам зич, банди бақувват. Баъзилари эса сийрак, банди қилтириқ, шираси паст. Айниқса бандлари эътиборимни жалб этди.

Юқ қанча оғир бўлса банд шунча бақувват бўлибди ва аксинча.

Болаларимизни қанчалик папалаб, ҳаёт қуёшидан беркитиб, юкини ўзимизга олсак, улар шунчалик қилтириқ бўлиб ўсишар экан.

Киши хуснин қачон зийнатда кўрдим,
Сояпарни охир кулфатда кўрдим.
Меҳнат ажратаркан касни нокасдан,
Инсон гўзаллигин меҳнатда кўрдим.

1970

РАССОМ БҮЁФИ БОШҚА

Бир ҳаваскор рассом кечалари ухламай, тунги кўринишларни чизар экан. У ўз расмларини Абдулҳақ Абдуллаевга кўрсатгани олиб келганида, иттифоқо мен ҳам бор эдим.

Расмга анча куч ва билим сарфлангани кўриниб турад, аммо ҳаммаси қора бўёқ билан ишланган эди.

Буни кўрган Абдулҳақ ака унга:

Иним, кечаси ҳамма нарса қора кўринса-да, аслида улар қора әмас. Оддий одамгагина шундай кўринади,— деди.— Мана бу оқ деворни кўринг.

Бўёқ ва оддий кишиларга у фақат оқ рангда кўринади, рассом эса, бунда юзлаб ранг кўради.

Оддий ранг әмасдир, дўстим, яхши боқ,
Санъаткор кўзига кўринган бўёқ.
Бўёқдан мусиқа әшитолмаса,
Санъаткор бўлолмас ундай кар қулоқ.

1970

МУЛЛА БИЛГАНИН ЎҚИР

Бир ҳамкасбим барча ишга таниш-билиш қидирар, шу йўл билан ғайри қонуний ишларни ҳам ундириар эди. Унинг шундай қилиб юриши ғашга тегарди. Узи ҳам шундай йўллар билан ўсиб унган шумғиялардан экан:

Мулла билганин ўқир.
Бўзчи билганин тўқир.
Мокидек бир чизиқдан,
Қатнайди дили сўқир.

ХАРТУМ ВА ФИЛ

Нега менинг хартумим кичкина-ю сеники катта деб пашша филдан араз қилиб юрибди.

Бечора ўзини филга тенг кўрар эканда...

Баъзиларда филдек азим ҳиммат бор,
Баъзи кишиларгапашша таъби ёр,

На қилсин бечора хартумга қараб,
Ўзин фил билса-ю топмаса қарор.

1970

ҚИЗҒАНИШ СИРИ

Бир бообрў ва бамани киши беш олтита ақлли гапни тұтысисимон ёдлаб олган, ташқи зийннати қуюқ, ички тийннати қуруқ киши билан дўстлашиб қолганига ҳамма ҳайратланар әди.

Ҳатто бу «дўст» уни ҳаммадан қизғанар, шунинг учун ул обрўли кишини бориб кўрмоқчи, ёки байрамларда табрикламоқчи бўлганларни турли сўзлар билан чалғитар әди.

Кейинчалик билсак, бошқалар олдида ўзининг нурсизланиб қолишидан қўрқиб шундай қилар экан.

Ой нурсизланади чиққанда офтоб
Бундайлар денгизнинг устида хубоб.
Хуснин кўз-кўз қилар қуёшга кўпик
Куйида бўлади доим дурри ноб.
Кўк, қизил товланиб кўринсалар ҳам
Бундай кўпикларнинг ҳусни бир сароб.

1970

ГАП ҲАЖМИ

Бир киши әзмалик билан ҳамсуҳбатларини оғзига қаратиб ўлтирас әди.

Улардан бири:

— Буни қара, ичидан чиқариб гапиряпти,— деди.
— Ҳа қорнидан,— деди иккинчиси,— қорнининг ҳажмига қараганда гапи ҳали-бери адо бўлмайди.

Ҳа, гап ҳам ҳажмга қарар экан-да, юракдан чиққанда әди, ҳисқа лўнда ва пурмаъно бўлар әди.

Сўз юрак қонидан бўлади ҳосил,
Уни ерга уриб хор айламагил.
Ҳар сўзни ўлчагил, ақл мезонида,
Маънисиз валақлаш, хорликка восил.

1970

ЖОЙИНГНИ БИЛИБ ЎЛТИР

Хоразм шоҳи Отсиз даврида яшаган зукко ва доно шоир Рашидиддин Ватвот ҳар доим йигин, базмларда шоҳ ёнида

ўлтирар эди. Бир куни у кечроқ қелиб қолибди. Ҳеч ким юқоридан ўз жойини бермабди. У қуйирокда ўлтириб қолибди. Бу ҳол унга қаттиқ таъсир этиб бадиҳа шеър айтибди. Шеърининг мазмуни шундай экан: «Эй подишо, мен сенинг базм-мажлисининг нималигини энди тушундим, у бир денгиз. Денгизда эса дурру жавоҳир қуида, хас-хашак юқорида бўлади».

Мажлиси денгизга ташбиҳ этилганидан аввалига қувонган шоҳ сўз оқибатини ўйлаб қараса ўзи ҳам юқорида қалқиб юрган хас-хашакка қўшилиб қолибди.

Жаҳл билан шоир Ватвотни саройдан қувиб юборибди. Қувғинда юрган Ватвотга заршунос дўстларидан бири:

— Юқорини талашмоққа ҳожат йўқ эди-ку,— дебди.

— Мен ўзим эмас, истеъодоми хўрлангани учун чидай олмадим.— деб жавоб берибди Ватвот.

— Сенинг истеъодинг шуъласи пастдан янада ёрқинроқ барқ уриб турган эди. Шам ҳам қоронғи тунда равшанроқ кўринади-ку.

— Мен шам бўлишни эмас, кеча-кундуз дарахшон қуёш бўлишни истайман,— дебди Ватвот унга.

Қуёшлиқ даъвоси осон әмасдир.

Бунинг учун сендан нур эмсин элинг.

Боғми, чўлми бирдек нур сочар қуёш,

Ҳеч бўлмаса равшан бўлсин ўз дилинг.

1970

ҲАР ҲУНАРНИНГ ЎЗ СИРИ БОР

Ўзбекистон ҳалқ рассоми Абдулхақ ака портрет ишлар эдилар. Аввал оддий кўмир билан чизиб сўнг бўёқ берар эканлар. У киши дам ўтмай полотнога яқинлашиб «пуф-пуф» деб дам согландек бўлдилар.

— Расмларингиз нега жонли чиқади десам, Сиз уларга «дам солиб», жон киритар экансиз-да,— дедим.

— Ҳа, «дам солмаса» бўладими, деб яна пуфлай бошладилар.

Бундай қарасам, у киши полотнодан кўмир кукунларини тозалаш учун пуфлар эканлар.

Ҳар ҳунарнинг сир-асори бор,
Уни билар устод санъаткор,
Дам сололса дилдан чиқариб,
Шу асарга умрзоқлик ёр.

1970

КАЛТАБИНЛИК

Бир аёлнинг уч келини ва бир қизи бор эди. У келинларининг иззат нафсига тегиб бўлса ҳам қизи ғамини еди. Бора-бора қайнона ҳам, қайнисингил ҳам келинларга шумшик бўлиб қолишиди.

Охири аёл вафот этиб кетди. Қизи эса, якка-ю ёлғиз, ана шу келинойиларига қараб қолди.

Албатта келинойилар ҳам, акалар ҳам ҳар хил, бири рўйхуш бермаса, бири берар-у, аммо маҳалла ҳалқи кампир вафот этиши билан унинг калтабинлиги ҳақида гапириб, қизнинг холига ачинишиди.

Калтабинлик доим бошга фалокат,
Ҳар иш оқибатин ўйламак керак.
Мева берган дараҳт эъзозланади,
Саржинга кесилар соясиз терак.

1970

АМАЛДОРНИНГ ЯККАЛАНИШИ

Бир киши амалдорлик пиллапоясидан юқори кўтарилиб бораверди, унинг атрофини ўраган лаганбардорлар кўпаяверди.

Уйда ҳам, ишда ҳам, тўйда ҳам, дам олишда ҳам ўша-ўша лаган бардорлар. Амалдорнинг ҳақиқий дўстлари эса аста-секин ёдга ҳам келмай қолишиди. Ўзларини четга олишиди.

Вақти келиб, амалдор ишдан тушди, қараса, атрофида ҳеч ким қолмабди.

Қариллик ҳам худди шундай. Қариганда ёлғизланиб қолганлар камми?!

Қариллик олтин куз, ҳаёт якуни,
Баҳоридан маълум кузнинг мазмуни.
Ешлиқда тамалин қўймаган одам,
Не ажаб, хор бўлса кексалик куни.

1970

ШАРЖБОП БАШАРА

Бир санъаткор совриндор бўлди. Рўзномада унга рассом ҳазили босилиб чиқди.

Хотини газетани олиб келиб, деди:

— Мана буни кўринг, менинг башарам шаржга тўғри келмайди деб юрар эдингиз, мана бошланибди, энди, чиқараверади, бинойидек...

— Ҳа, энди шаржбоп бўлиб қолибмиз.

Буни эшитиб кўнгилдан ўтказдим: Шарж ҳам икки хил бўлар эканда. Ҳамма шарж бўла-бўла сўнг совриндор бўлади. Баъзилар эса, совриндор бўлганидан сўнг шарж бўлар экан».

Байт:

Аввал ҳалқ ёқтирсин, сўнг гул чамбари,
Бўлма гул чамбарла ҳалқингдан нари.

1970

БОШ ВА ФИЛДИРАК

Бир идоранинг хўжалик бошлиғи идора хизматчилари учун нима келса янгисини ўзига олиб, ўз эскисини бошқаларга узатишни касб қилиб олибди.

Бир куни шу идора хизматчиларидан бирининг шофёри:

— Машина фидиракларининг янгисини ўзига қўйиб, кейин бизга беради,— деб фифони чиқиб гапириб қолди. Ёнида турган зукко, асқиячи шериги бунинг гапига:

— Ҳа, шунга ҳам хафа бўласанми, у бечора боши билан әмас оёғи билан ишлайди, демак фидиракларга муҳтожлик унда кучлироқ,— деди.

Барча сўзи бўлса тўгарак,
Бошида йўқ ақлдан дарак,
Хафа бўлма сенга тенмаса,
Унга кўпроқ керак фидирак.

1971

ОЛТИНГА ТЕНГ БАЙТ

Саъдий Шерозий Сурияда яшаган чогида мамлакат подшоҳи-нинг одил ва доно, иши сермаъно, ҳар бир сўзи бурро вазири бор экан. Вазир анча ёшга кириб кексайиб қолибди, давлат ишларидан ҳам жуда толибди ва ўзи тарбиялаб етиштирган шогирдларидан бирини ўз ўрнига қўйибди. Ўзи эса Умар Хайёмнинг

Тингла, қадим дўстим, борсан ҳамиша,
Бевафо фалакдан қилма андиша.
Қаноат қунжида ўлтириб танҳо,
Фалак ўйинларин қилғил томоша.

деган сўзларига берилиб кетибди ва гўшанишинликни ихтиёр этибди.

Аммо унинг ўрнига бўлган вазир, ақли сағир, фаросати яғир чиқибди. Ишларида хом-хаталалик содир бўла бошлабди, атрофидаги одил ва оқил кишилар кўзини ёшлибди. Ўзбилармон-

лик билан ҳеч кимга қулоқ солмас, ҳеч кимсани, ҳатто ўз устозини ҳам назарписанд қилмас, баъзан эса унга сўз наштарини санчишдан тоймас экан.

Собиқ вазир «Фалак ўйини»нинг биринчи зарбасигаёқ дош беролмай оҳ чекиб ўтирганида Саъдий унинг ҳузурига кириб қолибди, воқеадан хабар топиб қўлига қалам олибди:

Арzon тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.

деб ёзибди у бир лавҳага.

Собиқ вазир ўқиб, чуқур хўрсишиб гап тагига етибди, дили хотиржамлик касб әтибди.

Мен яқинда шундайлардан бирини учратдим. Эҳтимол у биргина нусҳадир. Аммо инсоният учун ўз қадру қимматини йўқотмаган бу ажойиб байтни олтинга тенг деб атадим.

Кўзингни босмасин амал шираси,
Бордир ҳар умрнинг гира-шираси.
Ҳаёсиз эзмагил инсон юрагин,
Анормас, чиқмайди шарбат-шираси.

1971

КИТОБ ФАЙЗИ

Менинг бир ёмон одатим бор, ким китоб сўраса йўқ демайман. Аммо у вақтида қайтариб бермаса-чи! Унда иккинчи маротаба ҳеч қандай илтимос билан ҳатто кўлдан ўтказилган газетани ҳам ололмайди.

Чунки ундай одамга китоб таъсири ўтмабди. Ундейлар китоб файзидан баҳрасиз, китоб кўтариб юришни ҳам бир мансаб билади.

Қайси бошда мансаб ҳавоси қизиқ,
Унда камолат кам, завқи эса зиқ.
Бундайлар файздану фазлдан ўроқ—
Китоб варагида мисли зар чизиқ!

ТҮНИНИ ЎНГ КИЙДИ

Бир дўстим бор эди. У билан ёшлиқдан дўст бўлмасак-да кейинчалик ҳамкаслар сифатида дўстлашган, унинг олимлигини ҳурмат қилас, ғайратини қадрлар эдим.

Фавқулодда у каттароқ бир амалга миниб қолди, гўё тўнини

тескари кийиб олди. Ким билади, эҳтимол энди ўнгини кийгандир. Унинг башараси бошқа экан.

Дўстимнинг калтафаҳм ва қалтабинлиги кундан-кунга очила борди, бир куни ўз отаси менга дардини ёрди:

— Ўғлим, илгари анча дўст эдинглар бизнинг ўғил билан, борди-кечиларинг бор эди, у амалдор бўлгандан бери сиз ҳам оёғингизни тортиб қолдингиз.

Мен нима деяримни билмай сукутда турар әдим, чол яна давом этди:

— Ўзиям анча дағаллашиб қолди, ё сизга ҳам бирор ноҳақ гап айтдими?

— Йўқ, ота, вактлари зик, ишлари кўп, безовта қилмай дейман. Уйга келиб ҳам бу суҳбат менга тинчлик бермади:

Дўст қидириб янгишган замон,
Азобланди, қийналди вождон.
Аммо шундан мамнундир дилим,
Виждон бўлди чин дўстим ҳар он.

1971

ПАЙВАНД

Машҳур селекциячи олим Акром Дадабоев бир тўйда қадаҳ кўтариб ажойиб тилаклар изҳор этдилар:

Ул кишининг сўзи табиий танлаш борасидан бошланиб навларнинг яхшиланиши, ҳозирги оиласидарда етишаётган ёшлар ҳам шунга ёрқин мисол эканлиги, куёв ва келиннинг қандай оиласида тарбия топғанлиги келгуси ёш оила ривожидаги аҳамияти ҳақида сўзлар эканлар, мен ҳам шу пайровни давом эттириб куёв киму келин ким деган ўйга толдим ва уйга келгач, кўлга қалам олдим.

Куёв ҳақидаги ўйларим бир рубоий билан яқунланди. Унга «Куёв ва ўғил» деб сарлавҳа қўйиш мумкин:

Ўғил кўнглин ололмасак на ўғил, на биз хафа,
Куёв кўнглин ололмасак ҳам куёв, ҳам қиз хафа.
«Куёв – ўғил» дер әдилар, нозик әкан ўғилдан,
Куёв кўнглин ололмасак, қудалар жиз-биз, хафа.

Аммо келин-чи? Келин масаласи бундан ҳам нозик ва мураккаброқса ўхшайди. «Келинлик – Бедилдан қийин» деб бежиз айтмаган халқимиз.

Мен келинни пайвандга ўхшатдим. Ниҳолликда эмас, ўз заминига илдиз отиб, қуёшли ва соя томонларига мос шоҳлаб, мева бериб турган катта дарахтга қилинганд пайванд. Ўз ҳулқи-

одати, ўз анъаналари, ўз фазилатлари ва ўз иллатларига эга тирик бир организмга бошқа шундай организмдан кесиб олиб келиб уланган аъзо. Бирорнинг юрагини бирорга қўйгандек гап.

Бунда қайнонани боғбонга ўхшатса бўлади. Янги пайванд ўзини тутиб, дараҳтга улашиб ўсиб кетгунича боғбон қанча жон куидириши, ҳушёрлик билан уни иссиқ-совуқдан сақлаши керак. Яхши боғбон уни чипта билан сиқиб боғлайди, орасидан совуқ шамол ўтишига йўл қўймайди. Лой билан ўраб шувайди, иссиқда сув қўйиб туради.

Ўйлаган сайин бу ташбиҳнинг янги томонлари очилаверади. Боғбондан фақат меҳрибонликкина эмас фидойилик ҳам талаб этилар экан.

Кўпни кўрган зийрак ва хушфаҳм қайноналар аввал келин кўнглини олади сўнг ўз фарзандларига боқадилар. Бу ҳам худди боғбоннинг пайванд ниҳолига бўлган муносабатини эслатар экан. Боғбон ҳам илдиздан келаётган озуқа дараҳтнинг ўз шоҳларига кўпроқ кетиб қолавермасин деб, уларни кесиб қискартади.

Бу — фидойилик эмасми, бу ўз фарзандлари нафини қирқиб ёш ниҳол, ёш оиласа қудрат баҳш этаётган оналар тимсоли эмасми?

Келин пайванд, келин ёш ниҳол,
Боғбон эрур оқил қайнона.
Оқ сут беролмаган бўлса-да
Меҳрин тўкиб бўлмиш чин она.

1972

ҚОВУН ШАРБАТИ – ЭЛИНГ ИЗЗАТИ

Элимизда қовун, тарвузга аталган анъанавий фотиҳа одати мавжуд эди.

Қовун еб бўлингач, оталаримиз:

— Омин, ширин-шарбат, манзил обод, эккан-тикканни бобо дехқон. қўлласин, дехқонига раҳмат,— деб фотиҳа тортар эдилар.

Сўнг пўчоқлар йифиштирилиб олинар эди.

Ҳа, дарҳақиқат у вақтларда қовун, тарвузлардан шарбат томиб турар эди-да.

Менинг икки тогам дехқон. Булардан бири Фофирижон Сулаймонов колхозда тракторчи эди. У Улуғ Ватан уруши қурбони. У айниқса қовун экишда миришкор эди. Унинг «Рустам полвон», «Барги нозик», «Ананас» («Уч уруғ» ҳам дер эди у), «Босвозди» ва бошқа қовунлари таъми ҳали ҳам оғзимда.

Мактабдан каникулга чиқишим билан у мени Тўйтепага олиб кетарди, биргалашиб тўқайдан қамиш ўриб чайла қилардик, холаларимни қовун бошига кўчириб чиқардик.

Айниқса, «Рустам полвон» қовунини кузда узишгани ёдимда. Ҳар бирини биттадан замбилга солиб, иккала тоғам кўтариб чиқишарди. Бошмалдокдек келадиган бандидан тўрт эллик қолдириб қирқма қилиб узишарди. Кўкимтири тўнли, чукур-чукур йўлли бу қовунларнинг биттаси тўқмада бир улфатга етаверар эди.

Қани ўша қовунлар?..

Мен Ҳиндистон, Эрон, Арабистонда бўлганимда бир нарсага ҳайрон қолдим. Мен санаган мамлакатларнинг обу ҳавоси бизниги яқин, қовун, тарвузлари ариқдан сув ичади, иссиқлик ҳам етарли.

Аммо бу мамлакатларда қовунлар жуда bemазa, уларни ё туз билан, ё шакар билан ёйишади.

Бунинг сабаби ер-сувда эмас, уруғликда экан. Бизнинг отабоболаримиз асрлар бўйи танлаб экканлар ва шундай навлар етиштирганлар. Ширин чиқсан қовун уруғини ўз пўстига олиб кўйишар эди. Халқимиз шуларни «бобо дехқон» деган.

• Бобур Қобулда туриб, Фарғонадан қовун ташитдириб еганлигининг сабаби ҳам мана шунда.

Энди-чи, энди баъзи қовунчилар (уларни дехқон дейишга тилим бормайди) ота-бобо ҳурматини ҳам оёқ ости қилиб, сув ва селитрага зўр бермоқдалар, селитрадан асрлар бўйи етиштирилган навлар бузилиб, сувдан эса дехқончилик шарафи ювилиб кетмоқда.

Энди қовун сўясиз-да бир карж олиш билан берган пулингизга ачининб, кўтариб келган меҳнатингизга гижиниб қўл тортасиз. Иш фотихага ҳам бормайди, емасданоқ пўчоқча ташлайсиз. «Манзил обод» деган хайрли сўз ўрнига дилингиздан «эҳ, касофат, яна заҳарланиб қолмайлик», деган гап ўтади ва хуснини кўриб талпиниб турган бола-чақани бу заҳардан эҳтиёт қилиш чорасини кўрасиз.

Дехқон қовунининг оқса шарбати,
Бу ота ҳурмати, халқин иззати,
Ота-бобосига бўлса ҳурмати
Номига ёғилур элнинг раҳмати.

1972

ИСКАНДАРГА НАСИҲАТ

Искандар эронни забт этганида фақат подшо авлодларинигина эмас, сарой хизматида бўлган барча амалдорлар ҳам қириб

ташлаб, улар ўрнига ўз хешларини кўймоқ фикрини кўнглига олибди ва Арастуга маслаҳат солибди. Олим хаёлга чўмиб чуқур ўйлаб кетибди ва шундай сўзни этибди:

— Бундай қилмоқ хатодир. Зеро, аввалам бор ўз хешу акроболаринг ҳамма амалларни әгаллашга етмайди, сониян, улар сенга орқа қилиб ўз вазифасин яхши адо этмайди. Ва яна ўз амалларини суйи-истеъмол этишлари туфайли бедодлик зоҳир бўлғуси, ҳақиқат ўлғусидир. Яна бири буким, сарой аёнлари орасида собиқ подшога ким сидқи дилдан хизмат қилган-у ким амал ва мол учун юрганини аниқламоқ даркор, булардан бири сенга хавфу хатардир, иккинчиси эса безарарадир.

Амалпараст — разилдир, буни унутма,
Ундайларга мурувват жомини тутма.
Амал учун розидир хизмат қилишга,
Шунисидан фойдалан, садоқат кутма.

1972

ТАХАСУБ

Трамвайдага бир ёш келин уч-тўрт дугоналари билан қаҳ-қаҳ уриб сўзлаб борар эрди:

— Қайнонам әлликдан ошган, қайнотам олтмишдан, катта ўғилларидан икки набиралари ҳам бор, аммо мен тушгандан бери ул киши ҳам келинликни тахассуб қилиб қолганлар, сартарошхонадан чиқмайдилар, бичиқчи-тикувчидан бери келмайдилар, овқатни ҳам уч кунлигини бир пишириб холодильникка тиқадилар, ҳеч ерда ишламасалар ҳам вақтлари етишмайди. Кийим-кечакларигина әмас, қош теришлари ва соч турмаклашлари ҳам ўзгариб кетган, ҳатто ўз қизлари келиб танимай қолди...

Ёш қилиги кексага баҳш әтмайди салобат,
Соч бўялгани билан тик бўлмас қадду қомат.
Ёшлик ўзга бир дунё, кексалик ўзга олам,
Ёшинингга қараб иш тут, эл әтмасин маломат.

1972

ЛАЪНАТИ НОМЛАР

Истироҳат жойларимизни кўркам ва шинам қилиб турган дарахтлар танасида жароҳат, ҳордиқ олмоқ учун қўйилган ўриндиқлар тахтасида, кувончбахш ҳайкалчалар, тоғлардаги табиат мўъжизаларида доғ бўлиб кўзга ташланадиган тоқ-тоқ ва жуфат-жуфт исмларни кўриб, бу одамларнинг нақадар шуҳрат-парастлигига ҳайрон қолдим.

Улар Герастратдек ободонликни вайрон этиб, гўзалликка доғ тушириб, шуҳрат қозонмоқ бўлибдилар...

Аммо одамлар лаънати ўз эгасини бехато топсин учун, доғ ўрнига номларини аниқ ёзиб қўйибдилар.

Билиб қўй, ҳар ном ҳам бўлолмас беҳак,
Балъзи ном инсонлар қонида беҳак.
Экинзорни бузган қобонлар улар,
Ундайларга қобон таъби әгизак.

1973

УСТОЗ ОТАДАН УЛУФ

Саъдий замонида бир бойвачча мантиқ илмидан сабоқ олмоқ учун бир олимга шогирд тушибди. Бир неча йил ўқишиш ўрганишдан сўнг мустақиллик фотиҳасини олмоқ ниятида дастурхон тузаб устози ила бир неча кишини чорлабди. Меҳмонлар орасида шайх Саъдий ҳам ҳозир эканлар. Бойвачча ҳеч кимга сўз бермай ўз отаси ва устозини бир мавқега қўйиб:

— Менинг икки отам бор, мана шу икки отам мени шу даражага етказишиди, бири туқсан отам, иккинчиси устозим фалончи,— деб маҳмадоналиқ қиласкерган экан Шайх Саъдий ўзларига хос ҳазилкашлик билан оғиз очиб:

— Устозни «отам, отам» деган билан иш битмайди, бўтам — дебдилар,— бу гап мантиқи устозни ҳам, отани ҳам ерга уради, гўё онангни устозга беникоҳ бергандек, аслида устоз отадан улуф. Зеро отанг сени осмондан ерга олиб тушган бўлса, устоз сени қаро тупрокдан осмон авжига кўтаради.

Устоз отадан улуф,
Деган халқнинг сўзи бор.
Унинг ҳар сўзи қутлуг,
Хушёр, ўтқир кўзи бор.

1973

ТУЛКИ ДУМИДАН МАЪЛУМ

Темир йўл саёҳатининг ҳам ажиб томонлари бор. Унда турли-туман одамлар билан учрашасан.

Бир сафар купеда каттагина хўжалик ташкилотининг бошлиғи билан ўтириб қолдик. У анча ёшга бориб қолганига қарамай яқингинада институтни сиртдан ўқиб битирган экан. Институтни янги битирган одам ҳадеб шуни гапираверади. Бу киши ҳам қандай қилиб имтиҳонларни қойил қилиб ташлагани ҳақида тинимсиз сўзлар эди.

Аммо у «имтиҳон билети» ўрнига нуқул «бюллетең» сўзини ишлатар әди. Олти йил ўқиб, ўн икки сессия топширган кишининг қай йўл билан институт битирганини шу биргина сўз фош этиб турарди.

Касални иситмаси этади ошкор,
Уни бекитмоқчи бўлсанг ҳам зинҳор.
Не-не қиёфага кириб кўрса ҳам
Тулки ўз думидан билинар, айёр.

1973

ГУЛЧАМБАР ВА ХОКИСТАР

Қадим замонда фарангистонлик икки олим Ҳиндистонга келишган экан. Уларни Бомбей рожаси қабул қиласидиган бўлибди. Олимлар сарой дарвозасидан киришлари билан икки томонда саф чеккан мулоzимлар улар бўйнига гулчамбар илаверибди.

Меҳмонлардан бири беибо, шуҳратпаст экан. У бир-икки қадам олдинда шошиб бориб, икки томонга ҳам бўйнини чўзиб гулчамбарларни илиб олаверибди. Иккинчиси эса хокистар ва тортичоқроқ бўлгани туфайли гарданида биргина гулчамбар билан унинг кетидан кетаверибди.

Улар шу зайдада рожага яқинлашибдилар. Рожа қараса ҳамма гулчамбар бир олимнинг бўйнига илинаётиди.

— Бу нимаси, анави меҳмонга қаранглар,— деб ўшқирибди у мулоzимларига.

Шунда барча мулоzим камтарин олим томон югурибди. Охириги икки гулчамбар шахсан рожанинг ўзидан бўлиб, уларга бир шодадан марварид ҳам кўшилган экан. Шошиб қолган мулоzимлар билимдонлиқда шеригидан ўтса-да, ўзи камтарин ва хокистар олим бўйнига уларни илишибди.

Бошингни қанчалик илгари чўзма,
Ҳаё доирасин тарқ әтмасин, боқ.
Пуч ёнгоқ сув узра қалқиб юради,
Пастдан униб, ўсар мағзи тўқ ёнгоқ.

1973

МУҲАББАТ ҚУДРАТИ

Ишқ муҳаббат қучи ҳақида, ёрга интилиш ҳақида озмунча нарса ёзилмади. Бу интилиш Фарҳод бўлиб тоғларни қўпорди, Мажнун бўлиб саҳройи жониворларни ром этди.

Аммо интилиш кучининг яққол ифодасини электрда кўрдим. Электр қуввати ўз акс жинсига етмоқ уч кўқдан чақмоқ бўлиб ер

қаърига киради... Икки симда келаётган қувват бирлашмоқ учун қанча-қанча ишларни бажаради, йўлида тўғри келган ҳамма нарсани куйдириб ўтади:

Муҳаббат кучидан бўлмагил гофила,
Филини пашша қилур, ё пашшани фил.
Қай дилга тушаркан муҳаббат чўги,
Шу дил эгасини чин инсон деб бил.

1973

ҚОН БИЛАН КИРГАН

Саксондан ошган тоғамиз бўрлар — Хорун Сулаймон ўғиллари. Ул кишини ёшликларидан эски мактабда ўқитишган. Ўн уч ёшларида қориликка ўтганлар-да сўнг уйдан қочиб кетиб интернатда ўқиганлар, футболчи, фаол комсомол бўлганлар, босмачилар билан курашларда жавлон урганлар, сўнг узоқ йиллар прокуратура соҳасида ишлаб, пенсияга чиққанлар.

Бутун умрларини ҳалқ ичидаги ҳалоллик ўрнатишга сарф қиласган бу отахон ҳаёт йўлларини қисқача санаб ўтишим сабаби шулки, ул киши аллақачон саксондан ошиб кетган бўлсалар ҳам ҳануз гражданлик бурчларини бир оз ҳам унут қилмай, бу соҳада фаолликларини тирноқча пасайтирганиклиари. Ул киши радио-телевизордан, газета-журналлардан ҳам бир дам узоқлашмайдилар, дунё сиёсати, давлат арбоблари, ёзувчи ва журналистларнинг ҳар бир қадамини чукур ва ҳалол таҳлил қилиб гоҳ севиниб, гоҳ фигонлари фалакка чиқиб ўтирадилар. Ул табаррук зот билан қачон учрашмайлик сафобашх ва сермаъно суҳбатимиз соатлаб давом этади. Бу аслида у кишининг зуволаси пишиқлигидан бўлса керак.

Бир куни Олий кенгаш мажлисларини муҳокама қилиб ўтирганимизда ён кўшнилари чиқиб қолди. Салом-алиқдан сўнг суҳбатимизни давом эттиридик. Дунё ташвишлари устидаги қизғин мусоҳабамизни бир оз эшитиб турган қўшни бирдан сўзларини бўлиб:

— Хорун ока,— деб қолди,— кўчада бир трамвай йиқилиб қолса, турғазиб кўёлмайсиз-ку, дунё ташвиши бошингизда-я!

— Ҳа шундай, дедилар кекса камтаринлик билан,— қон билан кирган жон билан чиқади шекилли.

Мен эсам, уйга келгач ул табаррук фуқаро номларидан қўйидаги сатрларни битиб кўйдим:

Юрак мунча золимсан,
Гоҳ жоҳил, гоҳ олимсан!
Муштумдек жисмингда жаҳон ташвиши,
Бир қулатим қонингда дунё гиш-гиши

Измингда төгларни қўпориш ўзи,
Измингда ой, юлдуз, қуёшнинг кўзи.
Сиқилиб, қон ютиб эзилиш нечун?
Ипсон деб ўзингни смириш нечун!?

1970

МАЪРУЗАЧИ

Муҳим бир ҳужжат муҳокама қилинар эди.

Қоғоздан мўзини узмай гапираётган маърузачининг, ўтирганлар билан иши йўқ, олдидаги ёзувларни ўқиш билан овора.

Бир оздан кейин кишилар аста ўзаро шивирлаша бошладилар. Бора-бора бу шивир шундай бир ғовурга айландик, маърузачи ўз овозини ўзи эшитмай қолди. Шунда у тақقا тўхтаб:

— Мени райком юборган, кимга гапим ёқмаса залдан чиқиб кетсин,— деб туриб олди.

Орадан бир-икки дақиқа ўтар-ўтмас зал тинчили.

Барча райком ҳурматини сақлаб жим ўлтиришга мажбур бўлди.

Сўз-кўнгил уммонин қаъридан гавҳар,
Ҳаяжонга солар бутун оламни.
Агар гавҳар эмас, пуч ёнғоқ бўлса,
Эътиборсиз қиласар ҳар бир одамни.

1974

ОДАМОВИ

Бир институт ректори янгигина ишга тайинланган муовинини чақириб деди:

— Илмий ходимлардан бирига мукофот ёзиб берсангиз.
— Нечун, ҳозир мукофотлаш пайти эмас-ку,— ҳайрон бўлди муовин.

— Олий таълим вазирлигида комиссия ишлаётган экан, ўшаларни эртага биз зиёфат қилишимиз лозим экан, навбат бизга етибди.

— Хўп мен ўзим тушлик қилиб бера қолай,— деди ўринбосар,— неча киши, қаерда овқатланишади?

— Улар беш киши, бошқалар билан ўнтача бўлишар. «Гулистон» ресторанига айтиб қўйишибди. Сизга оғир тушади, бир-икки кишига мукофот ёзинг, буйруқча ўзим қўл қўяман, бундай одамови бўлманг.

Ректор муовини индамай чиқиб кетди-да, эртаси ҳамма харажатларни ўз ёнидан тўлади.

Шу-шу бўлди-ю вазирлик ҳам, ректор ҳам унга меҳмон

кутишни топширмайдиган бўлишди. Бундан кейин бу иш билан касаба уюшмаси раиси шуғулланди.

Бу воқеани қачон эсласам, Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг шундай амалдорлар ҳақида айтган байтлари ёдимга тушади:

Мева тўлиқ дастурхонингда товуқ —
Бева уйи, етим боғидан солиқ,
Минган отинг арпасини отбоқар
Бошоқчидан тортиб олар ҳар сафар.
Овчи қушинг емиши эл жўжаси,
Бирор қашшоқ кампир унинг хўжаси.

1974

ОДАМ БОЛАСИ БЎЛ

Бир киши боласидан нолиб:

- Ўғлим жуда тўғри-да, унча-мунча лаганбардорликни ҳам билмайди, айёрликни ҳам,— деб қолди.
- Ҳа яхши бола әкан, ўғлингиз,— дейишди унга жавобан.
- Ундалар турмушда қийналади, тўкин ҳаёт кечира олмайди,— деб афсусланди:

Узинг ор-номусдан бўлибсан ҳалос,
Чанг солмагил ўғлинг виждонига ҳам.
Нокасдан туғилса унда не гуноҳ,
Камол топсин бўлиб фарзанди Одам.

1974

БЕЗАК

— Нечун баъзи санъаткорлар ва ёзувчилар орден-медалга ўч бўлдилар? — деб қолди бир санъатчи,— бирор маъракадан сўнг унга ҳеч нима тегмай қолса бошлиқлар ҳузурига кириб «нега мен қолдим?» дейишдан ҳам оп қилишмайди-я! Бундайларга нима этишмайди?

— Менимча мева, дедим. Баъзилар учун у безакдек гап. Баъзилар уни зебу-зийнат деб тушунадилар.

Арчани уйга олиб келиб ясатадилар. Аммо гилос, олча ё бирор мева дарахти бунга мухтоҷ эмас. Уларнинг ўз ҳосили ўзига безак.

Унвон, нишон истаб бўлма кўп ҳалак,
Безаксиз қолдим деб тутмасин беззак,
Яхши асар шуҳрат, шонга әгизак,
Ҳар кимнинг ҳосили ўзига безак.

1974

ЖОМИЙ ҲИКМАТИ

Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» китобларида шундай масал бор:

«Мусичадан сўрадилар:

— Нечун факт иккитагина бола очсан, товуқлар каби кўплаб жўжалашга қувватинг келмайдими?

— Мусича болалари ота-онасининг жигилдонидан овқатланади,— жавоб берибди у,— товуқ болалари бўлса, кўринган ахлатни титиб қорин тўйғазди, бир жигилдондан икки боладан ортиқни тўйғазиб бўлмайди, бир ахлатхонадан минг жўжа тамадди қила олади.

Истар эсанг агар ҳалол нон,
Йигаверма тор уйда кўп жон.»

Мен бу ҳикоятни ўқир эканман, ҳар гал болаларни ҳалоллик билан ўстириш, ҳалол едириб, ҳалол кийинтиришнинг нақадар аҳамияти катта эканлигини ҳис қиласман. Ва ҳар гал бир ўртоғим эсга тушади.

Ул киши ўзи профессор эди. Йигирма йилдан ортиқ катта бир шифохонага бошлиқ бўлди. Яхши топиб-тутишига қарамай доим болаларини беморхона овқатидан ташиб келиб едириди, ҳатто электр чироғини ҳам ўғирлаб ёқди.

Шул киши бирор фарзандидан ёруғлик қўрмай, афсус-надоматлар билан дунёдан ўтиб кетди, давлати ўзига буюрмай, бадномлиги одамлар қулоғига етди.

Иқбол изламагил ҳар нопокликдан,
Нопокликни асло қилмагил одат.
Нопоклик носиринг ерга букади,
Ташлаб кетар охир баҳт саодат.

1975

ШАККОКЛИК

Самарқанддан келатуриб Жиззахда тўхтадим ва қуролдош дўстим Эркавой Исломов уйларида тунаб қолдим. Эрта билан ҳовлилари одамга тўлиб кетди. «Нима гап?» деб чиқсан, совхоз директорлари, колхоз раислари тўпланишган экан. Райкомнинг биринчи котиби бўлмиш Эркавой Исломов сув тақсимлар эдилар. Одамлар кетгач мен уларга:

— Ахир бу иш район сув хўжалиги бошлиғи ёки ижроия комитетининг иши эмасми? — дедим.

— Йўқ, ўзим қилмасам бўлмайди.

— Ҳали ўғитниям Сиз улашарсиз? — дедим асқияга буриб.

— Ҳа, бўлмасачи,— дедилар жиддий.
Шунда ён дафтаримга бир тўртлик ёзиб қўйдим:

Тол соясини беролмас терак,
Ҳар ким ўз ишини қилмоги керак.
Райкомсиз район иши битмасмиш,
Мен бундай гапга шак келтирдим, шак.

1975

ЎҚИШ ВА УҚИШ

- Идорага энди кирган эдим.
- Мумкинми? — деб бир йигит кириб келди.
- Утиинг,— дедим саломига алик олиб.
- Мен фалон газетанинг адабиёт бўлимида ишлайман,—
деди йигит,— домла, бизнинг газетага қатнамай қўйдингиз,
классиклардан ҳам ҳес нарса бермайсиз?!
- Газетангизга бостирган билан классикларни ҳеч ким
ўқимайди,— дедим мен, унинг бирор иши тушиб келганини
сезиб,— кечалари уйқумни харом этиб таржима қиласман, бари
бехуда кетади.
- Йўқ, домла, сизникини ҳамма ўқииди, хатлар келади...
- Ўқиганлари билан амал қиймайдилар; — дедим унинг
гапини бўлиб,— Қани ўзингиз нима хизмат билан келдингиз,
шундан гапиринг.
- Ҳа... Мен бир маслаҳат учун келган эдим,— дея ўз дардини
бошлади...

Савод бошқа, билим бошқа, бил,
Олим бўлиш әмасдир осон,
Одам бўлиш ундан ҳам мушкул,
Энг аввало Инсон бўл, Инсон!

1975

ҲОФИЗ ЗИЁРАТГОҲИДА

1975 йил баҳори. Академик Б. Б. Пиатровский билан Эронга
Фирдавсий мукофотини олгали келганмиз. Мукофот шартига
биноан улар бизни ўн беш кун саёҳат қилдиришлари лозим.
Шундай қилдилар. Биз Эрон бўйлаб сафардамиз. Саёҳатимизда
академик Борис Борисовичнинг рафиқаси Репсиме Михайловна
ва менинг ўша вақтда Исфиҳон метал заводида хизмат қилиб
турган ўғлим Алишер ҳам бирга бўлдилар.

Шерозга келдик, унинг ажойиб тарихий Мусалло боғидамиз.
Фақат шу ерда ўсадиган, бир дунё гўзалликни ўзида мужассам
этган сарви нозлар, анвойи гуллар. Сўлим бағрида Эроннинг

икки булбули — Саъдий ва Ҳофиз ором топган бу боғнинг хусну таровати таъриф ва тавсифга сигмайди.

Биз албатта бу ерга жаҳон адабиёти даҳоларидан бўлмиш Саъдий ва Ҳофиз зиёратига келганмиз. Саъдий Шерозий қабрини зиёрат қилиб сўнг Ҳофиз Шерозий оромгоҳига ўтдик.

Ҳофиз қабр тоши устида шоир девонининг қўлдан-қўлга ўтавериб титилиб кетган қадимий қўлёзма нусхаси.

Сагана шайхларидан бири фол кўришни таклиф этди. Ҳофиз девонидан фол очиш, бу қадимий одат. Биз ҳам кўндинк. Менга чиққан газалда шунадй байтлар бор эди:

Тонг саҳар вақти менинг сабру саботим бердилар,
Қап-қаро тундан олиб, оби ҳаётим бердилар.
Нагоҳоно порлатиб жисмимни ээгу шуълалар,
Сарбаландлик жомида янги сифатим бердилар.
Не муборак тун эди ул ва не ҳуррам кеч эди,
Ул қадр кечда менинг қуттуғ баротим бердилар.
Мен агар шодмон етибман мақсадимга, не ажаб
Бу менинг ҳаққим эди, ҳаққу закотим бердилар.
Доимо Ҳофиз саҳарҳез, субҳидам олгай нафас,
Неча заҳматдан халос айлаб, нажотим бердилар.

Бу таржима кейинроқ, Тошкентга қайтгач бажарилган. У вақтда Мусаллода мен бу газални очган эканман, шайх уни баланд овоз билан ўқиб берганида эронли дўйстлар билан барчамиз ҳайратга тушган эдик.

Газалда менинг кўп йиллик меҳнатим эвазига мукофот берилганига ҳам, менинг саҳарҳезлигим — ҳар куни эрта-саҳар туриб иш бошлашим ва бунинг зое кетмаганлигига ҳам ишоралар шундоққина билиниб турар эди.

Энди Алишер фолини кўрайлил. Унга чиққан газал қўйидаги байт билан бошланар эди:

Булбул ўйларким, ҳамиша унга гул гўёки ёр,
Гул ҳаёли — нози булбулнинг дилига қиласа кор.

Эндинина йигирма икки баҳор кўрган бўйдоқ йигитга бу ишқий газал байтлари ҳам жуда мос тушар эди.

Шунда мен бундан қирқ йилча илгари газетада ўқиган бир хабарни эсладим. Унда айтилишига кўра, шоир Алексей Сурков бошчилигидаги биринчи совет тинчлик ҳайъати 1947 йилда Әронга келган. Улар ҳам буюк шоир оромгоҳини зиёрат қилганлар. Уларга ҳам фол очиш одати ҳақида гапиришган. Алексей Сурков девонни очганида унга:

Дилинг комин берар дўстлик дараҳтиң ўтказ, әй инсон,
Адоватнинг ниҳолин юлки, бергай ғам, алам, армон.

деган байт чиқсан

Эрондан қайтгач ҳофиз девонидан фол очиш бизнинг уйда
мароқли маросимга айланди.

Мен бу ҳикоямни буюк Ҳофизнинг қуийдаги байти билан
тутатгим келди:

Насиҳат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст —
Ақлли баҳтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.

КЕТМОН СИРИ

Дала ҳовлимизда бир қўшним бор. Улуг Ватан уруши
қатнашчиси. Мана етмишга кирмоқдалар, аммо ўзлари бақувват,
ҳамма ул кишини Туроп aka дейди.

Эртадан кечгача елкаларида кетмон, ер билан, дараҳт, токзор
билан пайкал орасида ишлаб юрадилар. У киши менга доим:

— Шоислом, кетмонга дуо теккан, елкасига кетмон қўйган
киши ҳар хил касалликлардан ҳоли бўлади, дейдилар.

Иттифоқо мен ҳам ўшал киши ёнларидан жой олганман,
эрталаб барвақт туриб бир оз ўёқ-буёқ юрган бўламан, керишиб-
келишиб оламанда елкамга кафтдаккина кетмончани олиб қуни
бўйи ўзимга иш топаман. Ҳар ой шамоллаш одатим, катар,
стенокардия, радикулит деган номлари чиройли, қилмишлари
ҳунук касалларим бор бўйича йўқолиб кетди. Юрак қисишлари,
санчиғини айтмайсизми, унинг ҳам ҳажмини анча кенгайтириб
олдим шекилли, анча тинчиб кетди. Аммо Туроп aka ҳар қуни
бир-икки бор хабар оладилар. Мени кетмон билан қўрсалар
суюниб:

— Қандайсиз, соғлиғингиз яхшими, кетмонни қўйманг, бунда
сир кўп,— деяверадилар. Кетмон менинг учун умуман меҳнат
рамзи бўлиб қолди:

Минг бир дардга даводир кетмон,
Кетмон — соглиқ, кетмон — танга жон.
Жамият ҳам кетмонга муҳтоҷ,
Жамиятнинг кетмони — деҳқон.

1976

КУЗАТИШ

Самолётда ўлтирибмиз. Июль ойининг жазирама кунлари,
соат кундуэзи иккidan ошган, кун найза бўйига келиб, аэропорт
ниҳоятда қизиб кетган. Ойнадан қарасам пастда икки киши
костюм ва галстукда бир қатор бўлиб офтобда қовжираб
туришибди.

Ҳайрон қараб ўтиридим, кимга бунчалик мулозамат?

Улар ўз раисларини қузатиб чиққан эканлар.

Раислари эса хонимлари билан курортга борар эканлар. Улар иттифоқан менинг олдимдаги креслода ўтиришарди. Ўзлари ҳам ҳижолат тортиб уларга кетаверинглар деб кўл силтар әдилар.

Аммо қузатиб чиққанларнинг кўпчилиги булар самолётга чиқишида ҳайралашиб кетган бўлсалар-да, бу иккиси қолишган әди.

Раиснинг хотини:

— Бечоралар кетишаверса ҳам бўларди,— деб кўйди.

Лаганбардорлардан доимо жирканар әдим. Биринчи бора уларга ачиндим, кўзимга бечора ва қашшоқ кўриниб кетдилар. Ҳа, соя жойда ҳарорат қирқдан ошиб турганда бу бечоралар маънавий қашшоқликка кўйилган ҳайкалдек қаққайиб туришар әди.

Ўзинг ерга уриб бечора қилма,
Маънан қашшоқлигинг ошкора қилма.
Одамгарчиликку аъло хулқ аммо,
Чегидан ошириб бет қора қилма.

1976

МАҚОЛ ТУҒИЛИШИ

Элда ардоқли олимимиз Азизхон Пўлатхон ўғиллари Қаюмов иморат куриш даврларида иккита мақол тўқибдилар:

Улардан бири: «Масаллиқ кам бўлса,
Маслаҳат кўп бўлади..

иккинчиси:

Уй ўй билан қурилади».

Менга бу ҳақда сўзлаб берганларида мен.

— Ҳа, қуйган қўшиқчи бўлар, деганлари шу-да,— дедим.

Бошидан ўтган одам,
Ҳар сўзи дилга малҳам,
Мақол бўлиб қолади,
Эл ичра йўл олади.

1976

ҚАРИ БИЛГАНИНИ ПАРИ БИЛМАС

Жуда қадим замонда, жуда узоқ томонда одамлар қартайган оталарини борса келмас чўлга олиб бориб ташлаб келар эканлар. Подшонинг фармони шундай экан.

Бир йигит таомилга кўра жуда қариб кетган отасини опичлаб чўл қаърига кириб бораверибди. Чўл юриб, чўл ичиди мўл юриб хўп чарчабди. Шунда кўзига катта бир тош кўринибди. Бир оз дам олай деб, тошга бориб ўлтирабди.

Шунда отаси мийигида кулиб қўйибди. Ҳайрон бўлган ўғил отасидан қуали сабабини сўрабди. Ота:

— Уелим, мен ҳам отамни чўлга олиб бориб ташлаганимда шу тошага ётириб дам олган эдим,— дебди.

Кайтар дунё эканини тушунган ўғилга бу жуда таъсир қилибди ва отасини қайтариб уйга олиб келиб, подшоҳ одамхаридан яширинча парвариш қилибди.

Шу орада ҳамма ёқни ёв босиб, қаттол жанглар бўлибди. Қишлоқдан кетган йигитларнинг биронтаси ҳам қайтмабди. Қизғин урушда ҳолдан тойган отлар ҳам, одамлар ҳам ҳалок бўлиб, ё ярадор бўлиб жанг майдонида қолиб кетишибди. Фақат отасини саҳрора әлтмаган йигитнигина оғир ярадор аҳволда оти ўз қишлоғига олиб келибди.

Ҳамма ҳайратда қолибди. Бу воқеа подшоҳ қулоғига ҳам етиди. Пигитни чақириб сўроқ этибди. Шунда йигит:

— Бир қошиқ қонимдан ўтсангиз айтаман,— дебди.

— Майли, айт! — дебди подшоҳ.

— Менинг бир қари отам борлар. Мен ул кишини одамлар қўзидан яшириб, ҳолларидан бабардор бўлиб турадим. Уруш бошлангинда фармонингиз билан барчамиз ёвга қарши отландик. Шунда отам мени чақириб: «Қулунаған бия топ-да, урушга ўзгани миниб кет, қулуни уйда қолсин»,— дедилар.

Мен шундай қилдим, ёвни узоқ қувиб кетдик. Барчанинг оти толиқиб, ҳолдан тойиб йиқилди. Менини эса ўз қулуни томон иштилиб мени уйга олиб келди. Бошқа тирик қолганлар ҳам етиб келишар,— дебди.

— Қари билганни пари билмас, деб шуни айтадилар-да,— дебди подшоҳ ва ўз фармонини бекор қилиб, энди қариларни тарбия қилиш, уларга меҳру муҳаббат кўрсатиш ҳақида фармони олий битдирибди.

Мен бу масални әшитиб Абулқосим Фирдавсийнинг бир байтини эсладим:

Бобо нарибага бўлса раҳнамо,
Ул ердан мўъжиза ундирап дунё.

1976

ГУЛ ТЎКИЛСА, БЎЙИ ҚОЛСА НЕ АЖАБ

Устоз Миртемир ҳаётдан кўз юмди...

Бу мудҳиш хабар юракларнигина ларзага солмади, суякларни ҳам зирқиратди, кўзлардан аччиқ ёш сирқиратди...

Шундай бир ҳолатда юрганимда газетадаги ўртоқлардан бири менга:

— Сиз ҳам домланинг шогирдлариданисиз, икки оғиз сўз ёзиб берсангиз,— деганида мен ҳомушлик билан:

— Қайдам... — дедим, бирор ваъда беришга ожиз әдим.
Бу оғир жудоликдан кўзда ёш билан, бу зилдек аламдан эгик
бош билан нима ҳам дея олардик, тил калимага келмай турардик.

Миртемир орамиздан кетса-да, унинг буюк заҳмат ила
яратган бизларни деб ясатган мактаби дарвозаси очиқ, унинг
халқимизга тортиқ этган жавоҳирлари сочиқ. Эндиликда уларни
теран идрок билан теришимиз, авлодларга, янги-янги шогирдлар-
га етказиб беришимиз лозим ҳамда вожиб. Бу бизнинг устоз
олидаги шогирдлик бурчимиз.

Ҳар бир шоир умр бўйи ўз асарларини қайта-қайта саралайди.
Улемидан сўнг эса, унинг асарларини тарих саралайди, йиллар
нуридан, авлодлар шууридан ўтказади.

Устоз Миртемир бирор нарса ёзсалар «ёздим» сўзини ҳеч
ишлатмас әдилар-да.

— Бир нарса қоралаб қўйдим, ўқиб берай, эшиш, ортиқча
жойлари йўқмикан? — деярдилар.

Ёки бўлажак китоб қўллэзмасини тутқазиб:

— Мана буларни синчиклаб кўриб чиқ, аямай таҳрир қил,
раҳмсиз равишда ўчир,— дер әдилар.

Бу талаб Миртемир домла мактабининг энг асосий талаблари-
дан бири бўлиб қолади. Мен аминманки, ўзига нисбатан, юрак
қони билан яратиладиган фарзанди — яъни ижодига нисбатан
ўта талабчанлик устоз Миртемир мактабининг асосий ҳикмати
бўл:иб қолади.

Саралаш, саралаш ва яна саралаш, саҳифаларни тинмай
қоралаш, шоир Миртемирнинг ижодий шиори, унинг номус ва
ори, шоир маҳоратининг жони, унинг ижод виждони әди.

Имонимиз комилки, шундай виждон билан ижод қилинган
асарлар тарих сараловидан ҳам шараф билан ўтажак.

Миртемир қолдирган мерос кўпмиллатли совет поэзиямиз
чаманининг бир чеккасини ҳамиша мунаввар ва муаттар қилиб
туражак.

Гул тўкилса, бўйи қолса, не ажаб,
Шоир кетса, куйи қолса, не ажаб!
Дилларда овозин жарангি не хуш,
Мисраларда ўйи қолса, не ажаб!

1977

ХОМИЙЛИК

Вазирлигимизда бир шахс пайдо бўлиб қолди. У ҳеч кимга
ишонмас барчага шубҳа билан қарап әди. Кириш имтиҳонларини
назорат қиласр экан мендан:

— Нима учун муаллимлар болалари чет тилини бошқалардан
яхшироқ топширадилар? — деб сўради.

— Чунки уларнинг оталари ё оналари муаллим, улар ўз болаларига тегишли билим ва тарбия беришга астойдил киришгандар, ўқишига тайёрлаганлар, бошқалар деганларингизнинг кўпичишлоқ болалри, мактабни ҳам пахта даларида ўтганлар...

Бахсимиз тугамасди. Шу тариқа сентябрь ҳам келди.

Шаҳар партия ташкилоти котибларидан бири: «Ота-бола бир жойда ишламасин, бу ҳомийлик бўлади», деб боланинг ота изидан боришига қарши туриб олди, барчанинг кўнглига ғашлик солди. Ажаб, унга ота ҳунарини бола әгаллаши каби қадими анъянамиз ёқмади, кўп уқдиришларга, халқ тарихига боқмади. Унинг ҳаётга назари оиласи бола-чақасига қарамайтирган тубан ичкилиқбозлар боқиши эди.

Вазирликдаги амалдор сентябрь аввалида яна келиб:

— Шарқ факультетида ишлайдиган фалон ўқитувчининг қизи шу факультетга крибди. Уни инглиз тилидан қайта текширишимиз керак. Онаси ҳомийлик қилиб аъло баҳо кўйтирган — деб қолди.

Мен:

— Бундай ғайри қонуний ишга руҳсат беролмайман, — дедим ва вазирга телефон қилдим. Ул киши ҳам менинг фикримни қувватлади. Аммо бу орада З. Хреновский (амалдор фамилияси шундай эди) аллақачон факультетга одам юборган экан. Айтилган қиз етиб келди. Мен унга қўққисдан қилинган ҳаракат салбий таъсир қиласи, билганини ҳам айтольмай қолармикан деб қўрқсан эдим. Бундай бўлмади. Талаба эшикдан кириб, салом берди-да гап нимада эканлигини билгач, Хреновский бирга олиб келган бошқа институт домлалари билан инглиз тилида сўзлаша кетди. Улар ўзлари шошиб қолишиди. Шундай қилиб талабамиз кириш имтиҳонидаги беш баҳосини оқлади.

— Домлаларимиз ўз болаларига ҳомийлик қиласидилар, аммо бу ҳомийлик ёшлигидан тарбия бериб, яхши ўқитишдан иборат. Қуруқ ҳомийлик эса сиздек амалдорлар болаларига қилинади, — дедим чираб туровлай Хреновскийга.

У билан келганлар ҳам мулзам бўлиб қолишиди

Хомий бўл, ҳомийлик бўлсин устозлик,
Бу йўлда ҳимматинг қилмасин озлик
Аслида ҳомийлик созлиқдир, созлик
Бу йўлда қилсанг оз ҳанча жонбозлик.

1977

ЯХШИЛИК ҚОТИЛЛАРИ

Одамларга чин кўнгилдан яхшилик қиласиз. Аммо баъзи шароитлар туфайли яхшилик натижаси бошқача чиқиб қолиши

ҳам мумкин. Буни тушунмаган кишилар эса қилич кўтаридаилар ва одамларда «ҳеч кимга яхшилик қила кўрма», деган фикрни уйготадилар. «Яхшиликнинг таги тешик», деган гап шундан чиққан бўлса керак.

Бундайларни мен яхшилик қотиллари деб атадим. Шундай одамлар туфайли дунёда яхшиликнинг уруғи қуриб кетмоқда десам хато бўлмас.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди: 1942 йил кўкрагимдан ва ўнг ёлкамдан ўқ еб, оғир аҳволда фронтдан қайтганимда мени Мирзачўл район ҳарбий комиссариатига ишга жўнатишган эди.

Кунларнинг бирида бир отни миниб, иккинчисини етаклаб йўлга тушдим. Ўттиз чақиримли масофага пиёда отланган бир киши йўлда мендан етакдаги отимни миниб кетишни сўради. Мен рози бўлдим, бора-borgунча гаплашиб кетдик. Манзилга етгач, ҳамсафарим отдан тушдида жиловини менга узатиб, раҳмат ўрнига:

— Мана олинг, отингиз йўртоқ әкан, ўпкамни туширди,— деди.

Яхшилик бўлмайди ҳеч вақт безоб,
Майли азобига беравергил тоб.
Баъзида азоби ноҳақ бўлса ҳам,
Яхшилиқдир инсон дилида офтоб.

1977

МУХТАСАРЛИК МАҲОРАТИ

1977 йил баҳори. Абдулла Қаҳҳор боғларида ул муҳтарам зотни эслаш кечаси бўлди. Айвонда ўлтирибмиз. Мен ҳам ул кишининг мана шу айвонларида бўлган суҳбатларини эсладим ва йигилганларга сўзлаб бердим.

Бир куни Примқул Қодиров, Озод Шарафуддинов билан Абдулла акани кўргали келдик. Кибриёхон опа чиройлик дастурхон тузадилар. Шунда гаплашиб ўлтириб, Абдулла aka араққа ишора қилиб:

— Бу баттолнинг бир томчиси қирқ оғиз гап-да,— дедилар ва изоҳ бериб давом этдилар.— кеча шаҳарга тушмоқчи эдим, уйда усталар бор эди, уларни сийлаб овқатда ароқ берибман, юз грамдан ичишгач шундай гапга тушиб кетишдики, ташлаб кетолмадим, кеч қолиб шаҳарга ҳам тушолмадим.

Абдулла акада бундай лўнда, мазмундор, қисқа жумлалар кўп бўлар эди. Масалан, рус тили ҳақида: «Рус тили бизнинг учун она сутидай озиқ унда ўсиш учун зарур бўлган ҳамма модда бор». Ёки: «Шеър — маъсум гўдак, риёни билмайди».

Бундай муҳтасарлик манбаини аввало ҳаётни чуқур ўрганиш, нозик кузатувчанлик, зийраклик ва зукколикдан излаш керак.

Мен бу ерда Абдулла Қаҳҳорнинг Ҳиндистон сафаридан

кейин дорилфунун талабалари билан бўлган учрашувини эслайман. Абдулла ака Ҳиндистон сафари таассуротларини сўзлар экан: «Энди Ҳиндистон мустамлакачилар асоратидан қутилиб, янги йўлдан ривожланмоқда. Кишиларни озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой билан таъминлашдан кўра, ҳам уларга «сен ҳам одамсан, сен ҳам уйларда яшашинг керак!» деган фикрни сингдириш қийин», деган әдилар.

Ҳиндистон сафаридан қайтгач, бу ҳақда гапирган ва ёзганларнинг кўпини эшидим, ўқидим, аммо ҳеч кимда бундай нозик руҳий ҳолат кузатувини учратмадим.

Абдулла Қаҳҳор новатор бўлиши билан бирга ўта анъанавий адаб, унинг янги-янги топилмалари, услугубий йўллари, биз учун фавқулодда кўринган бадиҳагўйлиги катта билим асосига қурилган. У рус адабиётини чуқур ўрганганд, Farb адабиёти дурдоналарини ўрганиб, ўзига керакли озуқани олган бўлса, Шарқ адабиёти унинг суюк-суюгига сингиган, она сути билан кирган эди. У Умар Хайём рубойиларининг барчасини оригиналда ёд билган (F. Фулом ва Ойбек ҳам худди шундай), Саъдий Шерозий, Ҳофизларни чуқур ўрганганд тадқиқотчи эди.

Мухтасарлик санъати ҳақида гапирилганда Шарқ адабиёти анъаналарини эслаш шартмиди деган савол туғилиши мумкин. Шарт ва зарур. Farb тадқиқотчилари орасида ва баъзилар наздида Шарқ поэзияси зерикарли, қайтариқлардан иборат, деган фикр бор. Бу фикр тамоман ноўрин. Шарқда турли-туман шоир бўлган, шунинг учун паст савиядаги шеърлар ҳам кўп, албатта. Аммо ҳаққоний даҳо әгалари асарларига мурожаат әтсак, улар дунёни забт этганлар.

Фирдавсий, Низомий, Умар Хайём, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби улкан санъаткорларнинг катта-катта достонларида ҳам деярли барча байтлар теран маънога эга, ҳикмат дурдоналарига тўла. Шарқда ҳар бир байтни «дур» деганлар ва унинг сайқалига алоҳида аҳамият берганлар, натижада юз минг мисрали достонлар қатори, тўрт мисрали рубоий ёки иккигина мисрдан иборат фардлар ва ҳатто бир мисрадан иборат асарлар яратилган.

Китобхоналарда ҳар сўзга ўта зуккоклик, ҳушёрлик туйғула-ри тарбияланган. Ўқувчи ва тингловчилар завқи-шавқи ва маданияти юксакларга чорланган. Масалан, Саъдий «Гулистон»ида:

Чаёндан сўрадилар:

- Нечун қишишда кўринмайсан?
- Ёзда қайси кўрган ҳурматларимга яна қишида кўринай», — деган экан. Ёки «Бўстон»да:

«Бир дехқон оёғини ит қопиб олди. У уйига келиб дод-фарёд солди. Кичик бир қизчаси югуриб келиб:

— Отажон, сенинг ҳам тишинг бор-ку, сен ҳам тишлаб олсанг бўлмасмиди? — деди.

Унга дечқон:

— Оҳ, қизим, менинг оёғимнги узиб олганда ҳам мен унга тишимни текизиб ҳаром қилмайман! — деб жавоб берди.»

Бу қисқа тамсилларда нечоғлик теранлик мавжуд! Улар бутун-бутун рисолалар мазмуни, бир жаҳон маъно дури эмасми?!

Бундай тамсиллар Фирдавсий «Шоҳнома» сида ҳам, Навоий «Садди Искандарий» сида ҳам, Жомий «Ҳафт авранг»ида ҳам Румий «Маснавий» сида ҳам кўплаб топилади.

«Бир жуфт тулкини овчилар тутиб олиб кетишмоқда. Мода тулки ёрига қараб:

— Энди қайда учрашамиз — деган эди, у:

— Пўустиндўз дўконида,— деди».

(Румий)

Мумсик бой олдида ўлим нақд бўлди.

Заридан бир табиб қисими тўлди.

Тиллоси сарф бўлиб кетганичун бой,

Сиҳат топган чоқда қайтадан ўлди.

(Бедил)

Биз Бедил рубойларидан бундай кичик тамсилий ҳикоятларни ҳам тез-тез учратамиз. Шулардан бирида:

«Куз. Атроф ранго-ранг, ердан буғдои донини кўтариб:

— Олам гўзал, нечун сенинг кўзинг юмуқ? — дедим.

— Қўй, кўзимни очсан тегирмон қўринади,— деди у».

Шу икки мисралик диалогда қандай улкан фалсафий мазмун ётади.

Абдулла Қаҳҳор асарларида ҳам бундай жавоҳирлар кўп. Уларнинг ҳаммасини санаб чиқишини вазифа қилмай «Аяжонларим»дан бир тамсилий ҳикоятни эслай:

«Жаннатда бир таҳт яратилган эмиш, у яхши қайнонага аталган эмиш. Аммо у ҳануз бўш эмиш».

Абдулла Қаҳҳор бундай дурдона жумлаларни, кўпинча суҳбат чоғида филбадиҳа айтиб юборар эдилар. Ҳар гал ул кишининг суҳбатидаги бирор ҳикматли жумла, учлик, ўткир ифода эсда қолар эди. Бир куни суҳбат орасида: «Яхши гап етилган қазига ўхшайди, чайнаган сайин мазаси чиқаверади», — деганлари эсимда. Бу аввало Абдулла Қаҳҳор асарларига тааллуқли деб биламан.

Адабиётимизда йилдан-йилга бундай асарлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг яна ҳам кўпайишида Абдулла Қаҳҳор маҳорат мактабининг сабоқлари ўз хизматини ўтайди.

МАРД КИШИГА ОЛАМ КЕНГ

Бундан ўн беш-йигирма йиллар муқаддам мен бир йигинга кириб қолдим. Ўтирганлар орасида икки қиморбоз йигит ҳам бор экан, гап қиморбозлар ҳақида кетди. Шунда уларни ҳеч нарсани аямайдиган мард кишилар деб таърифлашди, бир бутун кийимбошини бой бериб, аёз кечада яп-яланғоч кетгани, бири уйини қиморга қўйгани, бири ҳатто хотинини тикворганлиги ҳақида лофт аралаш гапиришар экан, буни мардлик ва ҳатто қаҳрамонлик тимсоли қилишди. Суҳбат қизиб кўтарилигунча мен ётсираб, жим ўтирар эдим. Суҳбат совий бошлагач, дабдурустдан:

— Агар севикли хотинини бировга тикиб юбориш мардлик бўлса, у чокда номардлик деб нимага айтамиз? Ўз жуфти ҳалолини ёмон кўздан сақлаб қололмасликнинг отини нима деймиз? — дедим.

Орага жимлик чўқди. Мен ҳам қиморбоз мардлиги ҳақида ўйлаб ўтирар эдим, бировларнинг чўнтағига кўз тикиш, бир гардкам ила ўзгалар молини ўзиники қилиб олиш орзуси кетидан кетишнинг нимасини мардлик деб бўларкан? Бир зумда ҳаётим кўз ўнгимдан ўтди, ўн йил ўрта мактаб, икки йил ҳарбий мактаб, беш йил университет, уч йил аспирантура — жами йигирма йил ўқибман, ҳали унинг охири кўринмайди.

— Мардлик меҳнатда,— деди бир кексароқ колхозчи, менинг фикрларимни ўқиб тургандек.— Ўз нонини меҳнат билан топиб ейишда, бировнинг миннатини чекмай, биров молига, баҳтига, бировнинг омадига кўз тикмай, ҳасад қилмай ўз меҳнати лаззатини тотимоқда эмасми, а, мулла? — деб менга қаради.

— Ҳа,— дедим мен,— фақат меҳнат аҳлигина мард бўлади. Баъзилар давлат ва ҳалқ мулки ҳисобига мардлик қиласидилар. Бебилиски давлат келиб турса, сахийлик кўрсатадилар, катта тўйлар қиласидилар, юриш-туришда ҳам «пулнинг бетига қарамайдилар», ундейларни ҳам «ҳа, бу жуда мард-да», дегувчилар топилади. Лекин келим тўхтаб қолса-чи, «мардлигини» ўшанда кўрасиз! «Мардона» сарфу харажатлари ҳалқдан тийинлаб ёки граммлаб уриб қолиш йўли билан йигилган бўлса-чи? Меҳнат аҳлида на бойликка эътимод қўйиш бор ва на бирор эгри мақсадни кўзлаб сарфлаш бор...

Бу суҳбатнинг бўлиб ўтганига анча йил бўлди.

Қаерда ва қачон мардлик ҳақида ўйласам, ўша қишлоқ ҳовлисидаги сўри ва жўралар даврасидаги суҳбат эсимга тушади.

Мардликнинг кўринишлари кўн, унинг ҳаракат майдони жуда кенг. Унинг жавлони ранго-ранг. Мен 1942 йил фронтдан оғир яраланиб қайтгач, Мирзачўл ҳарбий комиссалрлигида хизмат қилганман. Шунда ихтиёрий равишда Ватан ҳимоясига отланиб келган даста-даста йигитларни кўрганман. Эндиликда Абдураҳмон Жомийнинг:

Кўплар молин бериб, мардлик қиласи,
Мардлар жонин бериб, мардлик қиласи,—

деган сўзларини ўқир эканман, ўша йигитлар қиёфаси кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳа, улар Ватан учун, эл-юрт озодлиги учун жонларини тиккан әдилар. Уларнинг кўплари қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Мардликнинг кўринишлари жуда кўп, унинг таърифу тавсифи жуда кенг, аммо уни бир сўз билан ифода этмоқ лозим бўлса, мен уни фидокорлик деб таърифлар әдим. Уруш йиллари душманга қарши отилиб борган йигит-қизларнинг ҳаммаси ҳам қаҳрамон бўлолмадилар, аммо уларнинг барчаси мардлик-фидойилик кўрсатдилар.

Мардлик сўзи кўп тилларда эр, эркак сўзидан ясалган, форсийда «мардлик», туркий тилларда «эрлик», рус тилида «мужество», инглиз тилида «менҳад» (мен — эркак) ва ҳ. к. Бунинг тарихий әтимологик сабаблари бўлса керак. Аммо бу деган сўз мардлик фарқат эркакларгагина хос фазилат деган гап эмас. Агар мардлик фидокорлик бўлса, демак, у аёлларда кўпроқ эмасмикан?

Аввало оиласа, эрга ва айниқса, она бўлгач, фарзандга фидойилик, меҳрибонликни кимдан ўрганамиз? Оналардан, аёллардан эмасми? Оила тинчлиги, фаровонлиги деб, ўқиш, катта амалдор ё олима бўлиш каби орзуларидан кечиб, ўзларини оиласа бағисловчилар, оила аъзолари учун эса оромини қурбон қилювчилаар аёлларимиз эмасми? Ватанимиз бошига хавфу хатар тушганда мард ўғлонлар ўзларини аямай жонларини қурбон қилдилар. Аммо улар биргина жон бердилар, оналар-чи, икки, уч, хатто тўрт фарзандларидан жудо бўлган оналарчи? Улар икки, уч, хатто тўрт жонни қурбон этган фидойилар эмасми? Мен буларни мардлар мардонаси, одамийлик дурдонаси деб биламан. Демак мардлик эркак ё аёлликка эмас, одамийликка боғлиқ экан.

«Шернинг эркак ё урғочи болалари баробар», деган эди Шота Руставелли.

Модомики, мардлик фидойилик бўлса, у худбинликнинг акси. Ўзига бино қўйишлик, танпарварлик мардликка кирмайди. Мард киши ҳожатбарор, бошқалар юкини енгил қилювчи, ўзгаларга балогардон, саховатли ва муруватли бўлади. Фақат ўзгаларга меҳрибонлигидангина одамнинг одамийлик даражаси маълум бўлади:

Ақал бир мушукка бўлсанг меҳрибон,
Демак, саломатдир сендаги имон.

(Хисрав Деҳлавий)

Одамзоднинг улуғ фарзандлари — доно боболаримиз асрлар бўйи инсонлик шарафини ерга урмасликни, инсонни инсон қилган ҳам, уни ҳайвонлар тўдасидан ажратган ҳам жамият эканлигини, бошқалар ғанини егандагина у ҳақиқий одам бўлишлигини, бўлмаса ҳайвоний ҳисларга берилиб кетишлигини кўп мисолларда ва ажойиб мисраларда қуйлаб келганлар, «Ҳақиқий киши кўз қорачиғига ўхшайди, у ҳаммани кўради-ю, ўзини кўрмайди, яъни ўзига бино қўймайди», деганлар. Бағри кенглиқ, фидокорлик ва жонбозлик карам ва муруват мардликнинг синонимлари деса бўлади. Мард киши ҳақида Абу Али ибн Сино:

Мард кишига ўн хил иш доим ҳаром,
Олтисидан мард киши холис мудом:
Хасислугу, ҳасад ҳам ёлгончилик,
Заифлик, дарду йўқликка бўлиш ром,—

дейди. Ҳа мард киши бошқаларга ҳасад ҳам қилмайди, ўз бошига қийинчилик тушганда унга ром ҳам бўлмайди, ўз дардини гапиравериб бошқалар ҳузурини бузиб, безор ҳам қилмайди. Аммо ўзи ҳожатбарор, бошқалар кўнглини овлайдиган бўлади. Хаём айтганидек:

Муҳтоjлик кўйида кўнгилни овла,
Юракка яқину маъқулни овла.
Бир дилча турмас юз лойхона каъба,
Каъбада нима бор, бир дилни овла

Одам кўнглини олиш, дилини овлаш дунёда энг улуғ иш ҳисобланади. Бунинг учун эса ўз нафсидан кечиш, ўзини қўятуриб, бошқаларни ўйлаш лозим. Алишер Навоий ўз нафсларини, яъни нафс итини енга олган киши ўрмон шерини енгандан кўра мардроқ, деб ёзади:

Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдан эмас,
Нафс итин қиласанг забун, оламда йўқ сендеқ шужо.

Ҳа, нафс балоси, қаноатсизлик кишини не балоларга солмайди, у одамда мардоналик хисларини хароб этади, ўзини хорликка ундейди. Умар Хайём рубоийларидан бирида:

Бир нон топиб агар есанг икки кун,
Синиқ кўзанг бўлса сув ичмак учун,
Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нега,
Ўзингдек хизматин қилмоқлик нечун?!

деган эди. Улуғ Фирдавсий эса:

Кимки, ўз нафсига бўлибди бандা,
Ҳеч кимсадан олқиши олмас жаҳонда,—

дейди.

Мардлик олиҳиммат, олижанобликда намоён бўлади. Баъзи одамлар кекчи бўлади, бирордан бир хато ўтса, уни асло кечира олмайдилар. Бу олижаноблик эмас, албатта. Бу айниқса гап кўтара билишда маълум бўлади. Бағри кенг раҳбар танқидни ҳам мардона кўтариб, ҳақ-ноҳақни ажратиб, ўзига хулоса чиқариб, қўл остидаги турли савиядаги одамлардан ишда унумли фойдалана олади.

Номард раҳбар эса бирор масалада келиша олмай қолгач, раъйини қайтарган ва айниқса камчилигини юзига айтган кишини умрбод ёмон кўриб қолади, ҳатто қувғинга учратиб пайини қирқиш билан овора бўлади. Бу мардликка кирмайди, албатта.

Мард киши дунёнинг икир-чикирига, мол-мулкига, кўнгил қўймаганидек, кишиларда учрайдиган камчиликларга ҳам торлик қилмайди, кенгроқ қарайди, унинг қалби қуёшдек саҳоватли, фели дунё каби кенг бўлади, оқиллик ва донолик ҳам шунда. Шунда унинг ўзига ҳам дунё юруғ одамлар саҳоватли ва меҳр-шафқатли кўринади.

Мардлик бошқаларнинг иззат-нафсига тегмасдан, дилига озор бермасдан, ҳеч кимга алам етказмасдан, ҳеч кимга қўрқув солмасдан, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмасдан, катта-кичининг иззат-ҳурматини жойига қўйиб иложи борича бошқалар кўнглини олиб яшамоқда эканини билиш, хис қилиш учун киши ҳақиқий маданият эгаси бўлиши, ёшлигиданоқ оиласда бир-бирига изат-ҳурматда, инсон қадрини биладиган қилиб тарбияланishi лозим.

Модомики, шундай әкан, демак, кишининг ҳар бир қадами мардлик ё номардлик деб баҳоланиши мумкин. Унинг катта-кичик ишларида, қилимишларида қалб ҳиссиётининг поклиги ва нопоклиги намоён бўлаверади.

Шунинг учун «Мардликка майдон керак, уни намоён этмакка имкон керак...» деган гап ноўрин. Мардликка ҳамма вақт майдон топилади.

Мард кишига олам кенг.

Мардлик шартларининг яна бири — бирорга қилинган яхшиликни кўнгилга тушиб, уни қарз ҳисоб этиб юрмаслик. «Яхшиликни қиласвер, ҳисоб-китоб не даркор», дейди Умар Хайём. Яхшилик қилиб, кишилар кўнглини овлаб ҳожатини чиқарган киши ундан бирор нарса илинжида бўлса, бу ҳам мардликка кирмайди. Яхшилик ҳожатбарорлик батамом беғараз бўлиши керак.

Кимгаки, әрлик асари ёрдир,
Бир демас, ар қигана юз бордир.—

деган эдилар улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари.

Барча донишманд наздида ўз нафсини сингган мард,
Мард бирорга бермас озор, босганда ҳам дилин гард.
Ўзи алам чека туриб, ўзга гамин аритар,
Ўзи гард-гард бўла туриб, ўзгага юқтирумас гард.

1977

ҲИКМАТ ЧИРОГИ

Мухтарам отамиз мулло Шомаҳмуд Шоаҳмад ўғиллари 37 ёшда дунёдан кўз юмгаллар. Мен аллақачон бу ёшдан ўтиб кетдим. Аммо ул киши умрларининг охирги дамларида онамизга айтиб қолдирган бир исча қалима сўзлари ҳануз менинг учун ҳикмат чироги. Отамиз васиятларида деган эканлар:

— Аёл киши тўрт ёш бола билан қолаётисан, ҳа деб пинжингга олаверма, одамшаванда қилиб ўстир. Билим кетидан қаёқса бўлса, шу ёққа боришин, қўйиб бер, эндиликда замонлар келадики, ҳамма нарсани илм ҳал қиласди, илмли киши ҳеч хор бўлмайди, сенинг ҳам меҳнатларинг зое кетмайди. Мен Московга бориб ўқимоқчи бўлдим, лекин насиб этмади, энди булар ўқисин, мен кўрмаганларни сен кўрасан.

Мен ҳарбий мактабни битириб, саккиз йил ҳарбий хизматни ўтадим, жанг майдонида қоқ қўкрагимдан ўқ еб келсам-да, университетда ўқиб илм олдим. Укам Ленинградда алоқа институтини битириб келиб Тошкент телевидениеси асосини қурганлардан бўлди.

Гул тўкилса бўйи қолса не ажаб,
Ғунчаларда қўйи қолса не ажаб.
От босмаган жойни той босса не хуш,
Фарзандларда ўйи қолса не ажаб.

Дийдорларига тўёлмай қолган отамиз васиятлари бизга йўлчи юлдуз бўлди. Ўз фарзандларимни тарбиялашимда ҳам ул кишининг ёрқин сўзлари машъалдек нур сочиб туради:

Ёшим ўтмиш отам ёшидан,
Аммо бошим ўтмас бошидан.
Чунки ариқ қанча оқмасин,
Утолмайди у ўз бошидан.

* * *

Ҳар ҳанча бўлса ҳам билиминг баланд,
Оталар ҳикматин унутма ҳарчанд.

1978

ҚОДИРИЙГА ТУХМАТ

1980 йил кузагида дорилғунунимизда Ўзбекистон мактабларида адабиётни ўқитиш ҳақида илмий-амалий конференция йиғилган эди. Анжуманда Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш масаласи ҳам кўтарилиди. Шунда таниқли адабиётшуносларимиздан бири:

— Абдулла Қодирий ижодини мактаб программаларига киритиш керак эмас, у — миллатчи,— деб қолди.— Мана «Ўтган кунлар» романини олиб кўрайлик. Унда Қодирий усталик билан китобхон муҳаббатини Отабек томон тортади-да, сўнгра уни русларга қарши жангда ҳалок этади. Шундай қилиб китобхонда севимли қаҳрамон Отабекни ўлдирган русларга қарши нафрат уйғонади...

Бу гап ҳеч кимга маъқул тушмади. Чунки бу Қодирийга тухмат эди. •

Шуниси қизиқ эдики мажлис раиси юқоридаги тухматга жавоб бермоқчи бўлган университет олимларига сўз бермади. Аммо тухмат жавобсиз қолгани ҳам йўқ. Унга Озарбайжондан келган меҳмон Паноҳ муаллим жавоб бериб деди:

— Абдулла Қодирийни ўзбекларгина эмас, Озарбайжнлар ҳам севиб ўқийдилар. Бизнинг улуғ романнависларимиз Ўрдубодий ва бошқалар Қодирийни ўзларига устод биладилар...

Аммо бу можаро шу билангина тугамади. Бир-икки кундан сўнг дорилғунун партия қўмитаси котиби билан мени Марказ-кўмга чақириб қолишиди. Бордик.

— Нечун сизнинг профессорларингиз Қодирийни ёқлашади? — деди биз билан суҳбат қилаётган масъул ходим.

Ажабо, Қодирий юртида илм ва маърифатни бошқарувчиларга Қодирийнинг кимлиги-ю, нима унинг унинг ёнини олишаётганини тушунтиришга тўғри келиб ўтирилса-я!

Менинг гапларимдан бир оз ҳушёр тортган муовин:

— Коллектив орасида сиёсий тарбияни кучайтириш керак! — суҳбатдан ясалган мужмал якун шу бўлди.

— Хўш, — дедик-да, чиқиб кетдик.

Кўчага чиққач дорилғунун парткоми котиби менга:

— Буларга тушунтириб бўлмайди, хўп дейиш керак,— деди.

Мен унга Ибн Синонинг қуийидаги рубоийсини ўқиб бердим:

Узни доно билган бу уч-тўрт нодон,

Эшак табиатин қилур намоён.

Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,

Бўлмаса кофир деб қилишар эълон.

1978

МАКТАБ БОЛАСИ

Неварам Беҳруз мактабга борди. Барчамиз хурсандчилик ва оиласий тантана билан уни биринчи синфга кузатдик...

Бир куни ҳовлига қараб ўлтирасам, эшикдан жажжигини бола кириб келаётир. Устидаги кийими, машаққатли боқиши катталар-никидек. Кичик сандиқчадек бир насани елкасига илиб олган. Унинг ичи тўла китоб-дафттар бўлса керак, бола бечора ёшлигимизда кўп кўрганимиз ҳомболлардек қадди эгилиб инқиллаб айвонга кириб келди. Папкасини тўп этиб ерга ташлади-да қаддини ростлаб эркин нафас олди.

Мен унинг ҳолига қараб дедим:

Болажон, мактабга борибсан охир,
Елкангда ҳаётнинг хуржини оғир.
Шилиниб кетса ҳам майли гарданинг,
Аммо виджонинг ҳеч бўлмасин яғир.

1979

НОВШАДИЛ

Бир каттагина таълим-тарбия ўчоги бошлигининг ўғли расво чиқиб беворилик билан қамалди. Қуёшга ноз этиб, юлдузга фармон бериб юрган тили бурро, ўзи доно отасининг бўйни ҳам, шижаоти кам, сўзлари хит, юзи шувит бўлиб қолди.

Ҳа кўнгил ғурури ҳам новшадири ҳам фарзанд экан.

Яхши фарзанд киприк билан қош,
Яхши фарзанд қалбингда қуёш.
Нобоб чиқса, ё кўздаги чўп,
Еки қалбга чўккан оғир тош.

1979

ҲИКМАТ БАҲОСИ

Бир дўстим отпуска олдидан мендан бежо ҳафа бўлиб, воқеанинг тагига етмай қалтафаҳмлик билан ноҳақ сўзлар айтиб, дилимни сиёҳ қилиб юборди.

Мен Қора денгиз бўйида дам олиб юрар эканман, унинг дағал сўзлари ёдимдан чиқмас, сайду томоша ҳам татимас, ҳар куни бир икки бор унинг ноҳақлиги кўнглімдан ўтар ва дилимни ўртаб кетар эди.

Қайтиб келганимча ҳақиқатни тушуниб олган дўстим, мени кутиб олгани чиқибди. Кечирим сўради.

Мен унга Саъдий «Бўйстон»идан бир ҳикоят келтириб дедим:

— Луқмони Ҳаким қора танли экан. Бир киши уни ўзининг қочиб кетган қули гумон қилиб, тутиб олиби ва иморат

қурдириш учун лойга солибди. Иморат битганида қочоқ кул топилибди ва ҳиқиқат аён бўлибди. Шунда у киши Луқмондан кечирим сўраган экан.

Луқмон унга:

— Аввалам бор, мен кечирдим деганим билан бир йиллик әзилганимни бир онда эсдан чиқара олмайман. Иккинчидан, бу бир йил мен учун бекор кетгани йўқ, менинг ҳам қулим бор эди, унга энг оғир ишларни буюрар эдим. Энди ундаи қилмайман,— деган экан.

Бир ҳикмат ўрганиш учун Луқмон бир йил лойда ишлаган экан. Мен бир ой әзилсам-әзилибман, аммо дўстлар ва ҳамкорларга отпуска олдидан алоҳида меҳрибон, ҳаққоний бўлиш кераклигини тушундим.

Киши кўнгли нозик, мисоли билур,
Унга ҳақиқатdir нақ билурга нур.
Нурдан ҳар қирраси фош этар зиё,
Ноҳақлик тошидан чил-чиқ ҳатто дур.

1979

АФСУС

— Мен ҳаммага ишонаверар эканман,— деди афсус билан ишонган дўстидан алданган бир киши.

— Афсусланманг, зеро Сиз олтмиш йилдан ортиқ умрингизни одамларга ишонч билан ёруғликда ўтказдингиз... Ҳаётида шундан бенасиб бўлганлар афсуслансан,— дедим ва бир киши ҳақида сўзлаб бердим. У ўзини катта олимлар ҳисобига кўшади, катта амалларда юради. Аммо юраги зиндан, дили қоронғу ўрмон. У ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам ишонмайди. Унинг умри шубҳалар ичра ўтади, уйқусида ҳам ҳаловат йўқ, ёмон тушлар кўриб алаҳсираб чиқади...

Мен унинг жаҳолатда ўтган умрига ачинаман!

Одамда гар бўлмаса ишонч,
Қайдан келсин дилига қувонч.
Ишончсизлик тинчликка бало,
Маҳв бўлур эзгу муддао.

1980

ТЎҒРИ СЎЗЛИК

Менинг бир дўстим бор. У мана эллик йилдирки бир жойда ишлайди, аммо бошлиқларга унча ёқмайди. Ул ҳам уларга риёкорона кулиб боқмайди. Унинг иш даврида олти-етти бошлиқ ўзгариб улгурди. Шуниси қизиқарлики, ишдан бўшаб кетган,

айниқса амали пасайған бошлиқларни дүстимга ҳурмати ошади. Уни мақташади. Сабаби унинг түғри сўзлиги, доимо бир хил мулоқоти ва дүстликка садоқати экан. Буни бошлиқлар амалдан тушганларидан кейингина тушунар эканлар. Барча лаганбардорлар юз ўгириб кетсаларда, менинг дүстим муносабати ўзгармас экан.

Тўғри сўз ёқмасмиш тушишганга ҳам,
Аммо ҳеч қилмагил сен бўйнингни ҳам.
Интилил доимо осмон авжига,
Унутмагилки, сен Одамсан, Одам.

1980

ШАРШАРА

Бир донишманд киши ҳузурида тез-тез бўлиб турар, у билан суҳбатлар қуарар эдик.

Бир куни унинг түғри сўzlари суҳбатдошларимиздан бирининг иззат-нафсига сал тегиб ўтди шекилли, қайтишда у менга сал зорлангандек бўлди:

— Ҳеч кимни аямайдилар-да.

Мен унга жавобан:

— Бул кишинг суҳбатлари тоғ жилгасидек сафобахш, аммо ундан сачраган муздек томчиларига ҳам чидамоқ лозим, — дедим.

Тоглар жилгасидир доно суҳбати,
Баъзан юқоридан тушган шаршара.
Киши идрокига тетиклик берар,
Сафобахш фикрлар-яшнар қарқара.

1980

ТОРТИНЧОҚЛИК

Ёшим отмишга етиб, ўйлаб қарасам ҳали ҳам тортинчоқ эканман.

Бу одат мени ёшлигимдан тарк этмади. Болалигимда ҳам қўшнилардан бирор нарса сўрашга юборишса, кўчадан қайтиб келар эдимда:

— Уларда йўқ экан,— дердим. Қўшни уйига нарса сўраб киришга тортинардим.

Магазинларда бирор нарса берилса ҳам ҳамма ур-ийқит қилиб олиб кетар, мен каби навбат билан келганиларга етмай тугаб қолар эди. Шу-шу ҳозир ҳам навбат кўп бўлса, ё бирор кишидан илтимос қилиш керак бўлса, шусиз ҳам яшаш мумкин-ку дейманда ўша нарсадан воз кечиб кетаман.

Энди бутун ўтган умримни таҳлил қилсан, тортинчоқлик ҳам чегараси билан бўлиши керак экан. Ўз ҳақини талаб қилиб олиш

ҳам ҳаёт ҳаруратларидан бири әкан. Энди ўз феълим ўзимга нашъя қилади:

Агар ҳаддан ортиқ тортинчоқ бўлсанг,
Ажабмас бошқага ўйинчоқ бўлсанг.
Барчани ўзингдек билмагил, зинҳор,
Ҳушёр бўл, қанчалик кўнгил оқ бўлсанг.

1980

АМАЛДОР

Кўпчилик амалдорларни кузатдим. Кўпи ойликка яраша яшамайди. Қайдан олади? Жавоби бир тўртликка жо бўлди:

Амалдор ойликка қараб яшамас,
Ҳеч ўз ҳамёнидан олиб ошамас.
Бири бирин алдаб кечирап ҳаёт,
Виждон азоби йўқ, куни ўтса бас.

1981

ТЁРСЛИК

Бугун бир шифокор дўстим уйига дардимни исҳор этмак учун бориб қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим. Дўстимницида яна бир киши ўлтирган әкан. Олдида тўкин дастурхон. Мен ҳам унинг ёнида меҳмон бўлдим. Гап асносидан унинг ҳам беморлигини, табиб давосига кўп зорлигини билдим. Мавриди билан врач унга дару-дармон берди, яна дўуппи-ю чопон кийдирди. Эшикка кузатиб қўяр әканмиз мен ҳайрат бармоғини тишладим ва докторга сўз ташладим:

- Таомилга кўра бемор шифокорга қуллуқ қилгувчи эди.
- У Сизга тўн кийгизиш ўрнига... бу қандоқ бўлди?
- Қўяберасиз, мен шифокор эмас, ул шифокор, ҳамма чора унинг қўлида. У киши — партия катталаридан,— деди тагдор қилиб ва ўз қилмишидан ўзини ноқулай сезиб ғижиниб қўйди.

Баъзиларни кўрдим, текис йўлда дўнг,
Ўзларин тутишар улугвору чўнг.
Одамлар дўнглиқдан авайлаб ўтиб
Қалдан қаргаб қўяр ўтканидан сўнг.

1981

ҲАЙВОНИЙ ФАЛСАФА

Навоий кўчаси бўйлаб машинада кетаётирмиз. Бу мен ўйнаб ўсган кўча. Унинг қадим аҳволи ва ҳозирги жамолини таққослаб ҳузур қилиб кетаётирман... кўтаринки кайфиятимни орқа ўриндикда ўтирган икки таниқли олимларимизнинг суҳбати бўзди.

- Мен энди фақат ўзимни ўйлайман,— деди улардан бири.
- Ҳа, буни энди тушундингизми?! — деди иккинчиси.
- Биздан кейин, ҳоҳ ҳайкал қўйишишин, ҳоҳ сўкиб юришишин...
- Улар сўзига ҳангу-манг бўлиб, кўнглим синди.
- Бу ҳайвоний фалсафаку! — демоқчи бўлдим, яна ўзимни тийдим. Ҳайвонларга ҳайвонсан дейишдан на фойда...

Илм фидойилари деб халқидан қанча иззат-ҳурмат кўрган кишилардан шундай гап чиққанига ҳайрон әдим.

Ҳа, шундай ҳам бўлар әканда:

Қора қарға чиқадиқу оппоқ тухумдан,
Соф май жўшиб қайнайди лой-сопол хумда.
Зиддиятга, қабоҳатга тўла бу дунё
Ажратабил, мард одамни мунофиқ шундан.

1982

МАНСАБ ВА ОДАМ

— Нима учун ҳамма сизнинг ҳузурингизга киради?,— деб қолди бир куни ректоримиз. Мен ул кишига мавлоно Жомий ҳазратларининг «Баҳористон» китобларидан шундай ҳикоятни келтиридим:

...Искандар бир билимдон кишини шарафли ва баланд амалидан бекор қилиб, паст бир ишга тайинлабди. Бир куни у Искандар ҳузурига келганда:

— Қалай янги амалинг ёқдими? — деб сўрабди шоҳ ундан.

— Подшонинг умрлари узоқ бўлсин,— дебди ул киши.— одам амали билан шарафли эмас, амал инсон билан шарафга эга бўлади. Ҳар қандай лавозимда ҳам хуштабиатли, инсоф ва адолат лозим.

Бу гап Искандарга маъқул тушибди ва уни ўз ишига қайтарибди.

Баланд мансаб тегасида ҳам
Илм оширмоқ фикрин қил ҳар дам.
Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан муҳтарам.

1982

ИМОН ВА ҲАМЕН

Қилни қирқ ёрган улкан олим, қирқ йилдан бери катта амалларда юрган кишининг давлат мулкига қўз олайтирганини кўриб, ҳайрат бармоғини тишлиладим. Энди унга нисбатан садоқат ва муҳаббатим нима бўлади?

Баъзиларнинг имони —
Уз нафси, ўз ҳамёни.
Тия қилур ҳалқ нонин
Борича куч-имкони.

1982

УМАР ХАЙЁМ ВА АНАЛГИН

Умар Хайём рубоийлари ҳақида келган мактубларнинг бирида: «Биз эр-хотин врачлармиз, аммо бошимиз оғриса, аналгин ичиш ўрнига Хайём рубоийларини ўқий бошлаймиз ва ундан даво топамиз», деб ёзишибди. Қаттиқ ҷарчаб уйқи қочгандা, бирор оиласи ҳохушлик юз берганда Умар Хайём рубоийларига мурожаат этувчилар ҳам мактуб ёзганлар. Бундай мактабларни ўқир эканман, фақат қайғули дамлар эмас, шодлик кунлари ҳам мағрурланиб кетмаслик учун улуғ шоир рубоийларни такрор-такрор ўқиш лозим эмасмикан, деган хаёлга бордим:

Хайёмни ўқигил қалқса севинч ёш,
Ўқигил дилингга чўккандада зил тош.
Тош эмас-ку, охир елканѓаги бош,
Унда буюк чидам, туганмас бардош.

1982

ТАСОДИФОТ

Қандайдир англашилмовчилик билан тузуккина амалга чиқиб олган бир киши қўл остидагиларга ақлли маслаҳат беролмас, аммо ўз билганидан қолмас, мажлислар чақирса-да, кўпчилик фикрини олмас, унинг фикрига жиндак бўлса ҳам қўшилмаганларга мантиқсиз даккилар бера бошлар ва қора тупроққа қориб ташлар эди.

Бир куни уни тарбиялаган устози билан суҳбатлашиб қолдим. Ул киши шогирдлари ҳақида сўраган эдилар, мен:

— Ҳаракат зўр-у, лекин ҳеч нарса чиқмай туритти, ўз калтафаҳмлиги учун гап эшитиб келса, қўл остидагиларга шалтоқ ағдаради ҳалос,— деган эдим, домла:

— Нима қилсин бечора, ўзида шундан бошқа нарса йўқда,— дедилар.

Бир нокасга дедим: «Бўлма бунча беор,
Нажосатга булғаб этма одамни хор!»
Ул ҳақига кўчиб деди: «Сўкма зинҳор,
Нетай, менда шундан ўзга нима ҳам бор».

1982

ИККИ СЕВГИ

Икки бошлиқ бошимдан ўтди, иккиси қалбимда икки хил из қолдириб кетди.

Иккиси ҳам одамлар ҳақида фикр әшитишни ёқтиришар камоли диққат билан тинглашар әдилар.

Аммо разм солсам, улардан бири бу фикрлардан ишда фойдаланаар, яхшилик ижод этар, иккинчиси эса қийик топиб иғво ва фитна бунёд этиш билан машғул әди.

Севдим деб, бирор жон олса не ажаб,
Баҳор ҳуснин ҳазон олса не ажаб.
Қушни севгучилар бозорга бориб,
Бири ўқ, бири дон олса не ажаб.

1983

ЎГУТ

Университетта бир-икки «боши ниёзларни» ўтказиш билан овора бир ҳамкасбим менга:

— Шулар сизнинг фалон шогирдингизга имтиҳон топширадилар, бир оғиз айтиб қўйсангиз бас,— деб қолди.

— Мен айтотмайман,— дедим.

— Ҳамма шундай қилаётир-ку, сиз ҳам шулар қатори яшайберингда,— деди мендан беш-олти кўйлакни илгарироқ тўзитган ҳамкасбим, менга насиҳатомуз оҳангда.

Мен индамай уйга қайтдим. Аммо ҳарчанд уринмай, унинг гапи ҳаёлимдан кўтарилимас эди...

Яшасанг кўпчилик одамдай яша,
Ҳамма қандай яшар, оламдай яша.
Бундай ўгут менга маъқул тушмайди,
Шу феълим ўзимга қилади наша.

1983

БЕМИННАТ ДАСТЕР

Меҳнаткаш оёқлар бутун умр бошни кўтариб юрадилар. Ҳатто ичидаги ҳеч нима йўқ бўш калла бўлса ҳам оёқлар бечора финг демай кўтариб юраверадилар. Одамлар эса ўз бошларинигина эмас, қанчалаб бошқаларнинг бўш каллаларини ҳам кўтариб юрадилар. Шуниси ачинарли ҳол.

Бир умр тан юкин кўтарган оёқ,
Бир нафас бўлмайди заминдан йироқ.
Кўк томон ўрлаган бекорчи соchlар,
Тўкилар умрнинг ярмин кўрмай.

1983

САВДОЙИ

Савдойи сўзи савдога оид, аслида савдо ходими маъносини беради. Тилимизда шунга ўхшаш хитоий, матчоий, тагоий каби сўзлар кўп. Бу сўзларнинг иккинчи яширин маъноси бор. Кўпгина касб, манзил, миллат — хуллас асл маъносига фидойиликни ҳам билдиради.

Аммо қани әнди ҳамма савдо ходимлари ҳам шу маънода савдойи, ўз ишларига шайдойи ва фидойи бўлсалар, кошкийди улар орасида мол савдойиси, пул савдойиси, хуллас, одам расвойиси бўлмаса. Афсуски, бу бирикмалар әндиликда молжинниси деган маънони ҳам англатади.

Майли, шайдойи бўл, майли савдойи,
Виждонинг йўқотма, бўлма расвойи.
Одамни ҳайвондан ажратар номус,
Фақат номусингдан бўлма саззойи.

1984

ОРТИҚЧА ЮК

Бир бола машина ҳайдаб кетаётган отасининг елкасига осилиб борар ва ўзини машина ҳайдаётган ҳис қиласр эди.

Идораларда ҳам бундай «юк»лар жуда кўп.

Отанг елкасига ишончлерма,
Вақти-ла ундан ҳам кетажак мадор.
Уз араванг ўзинг тортишга тириш,
Мусаффо бўлажак сенда номус-ор.

1984

ХУСН ПАРТАВИ

У ўзини жуда гўзал ҳисоблар эди. Ўз хусним ёруғида кўрпа остида китоб ўқий оламан деб лофт уарди.

Шунинг учун ҳам у китоб нуридан, унинг файзидан бир умр бебаҳра ўтди.

Хуснинг гууриига кўпам берилма,
Яхвиси билимга боғла эътиқод.
Ташқи хусн кўзни қувонтирса ҳам,
Беодоблик қилур ҳаётинг барбод.

1984

ХУШОМАД

Хушомад ва совғаларга ўч бошлиқларни негадир фоҳиша хотинларга қиёс қиласман:

Кўрдим хушомад хуш ёққан амалдор —
Мисоли фоҳиша хотиндек беор.
У хуснидан, буси ажраб амалдан,
Қариганда ёлгиз қолур хору зор.

1984

ЯНА ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА

Ҳалол меҳнат ила олижаноб оилада ўсган болалар билан
харом-хариш давлатдан талтайиб ўсган болаларнинг ўртасидаги
фарқ жуда катта эканлигини кўп кузатганман. Улар катта
амалдорларга ноил, илмий унвонларга восил бўлишлари ҳам
мумкин, аммо табиатларида паскашлик ва тубанлик ҳар замон
ўзини намоён этиб туради.

Буюк Озарбайжон шоири Фузулий ҳақ гапни айтганлар:

Баланд учган билан зогу заган оламда боз ўлмас.

1984

ТАРЖИМА МАШАҚҖАТИ

Форсийда ёзилган бир байт таржимасини уч-тўрт йилдан
бери чиқазолмай юрар эдим.

Мадори кори олам дар жунун аст,
Жаҳон аз ин жунун дорилфунун аст.

деган байт ҳар қачон ёдимга тушса, уни таржима қилишга уриниб
кўраман. Аммо бир байтга ҳеч сиғдиролмайман.

Форс-тоҷик классиклари асарларини байтма-байт таржима
қилиш менинг асосий услубим. Аммо буни икки байтда таржима
қиладим:

Бу дунё ташвиши беинтиҳодир,
Фақат девоналиқ унга даводир.
Узга дармон излаб қийнама жонинг,
Жиннилик мактабин ўзи дунёдир.

Таржимада ортиқча сўзлар кўпайди. Кўнглим тўлмади.
Иzlаниш давом этади.

КАЙФИЯТ

Дунёни ўз қалбидек мусаффо билиб ҳар бир нарсадан
лаззатланиш ёшликка хос. Ўша билур қалб турмуш тошига
тегиб, чил-чил бўлганидан кейин киши ҳамма нарсага шубҳа
билин қарапкан. Ҳатто табиат манзарасига ҳам...

Зомин төглари орасида Қора булоқ деган гўзал булоқ бор. Табиат мўъжизаси, бу шаффоф чашма тепасида турар эканман кўнглимдан қуийдаги тўртлик ўтди:

Қора булоқ, тиниқ булоқ, кўк булоқ,
Қайнаб турган меҳринг элга тўқ, булоқ.
Аммо кумуш ялпизларинг ичидা
Тикан кўрдим кўнглинг қилма тўқ, булоқ.

1984

ОНА ТИЗЗАСИ

Бу кун тонгда нечундир паст муэрав билан уйғондим. Субҳидам деразадан қарасам, кечаги ёмғир қорга айланган. Ҳовлидаги дараҳт шоҳлари ҳўл қор юқидан пастга осилган. Айниқса арча бутаси оппоқ марварид маржондай шоҳларини ерга эгиб аллақандай мунг билан ер ўпаётгандай. Бутун умри биз етим болаларни боқиш, мактабга юбориб тарбиялаш ташвишида ўтган онаизоримни эсладим. Онажонимни жуда соғиниб кетдим ва ўз аҳволим ифодасига сўзлар изладим. Сўзлар ҳам беихтиёр қуйилиб келаверди:

БАДИҲА

Тиззангизга ташлаб ўзимни,
Узим ташлаб, юмб кўзимни,
Қучар эдим бутун оламни,
Дил билмасди кудурат, гамни...
Мўъжизали әрди тизингиз,
Қани энди топсам изингиз?!
Баҳор эди кўзимга олам,
Парисифат эди ҳар одам,
Қайнар эди юракда орзу,
Бахт-иқболдан чеҳрангиз кўзгу,
Қуёш эди нурли юзингиз,
Қани энди топсам изингиз?!
Ерқин эди менга келажак,
Бутун умрим нурга тўлажак,
Онажоним, оҳ! Онажоним,
Тиззангизда экан жаҳоним...
Қани энди топсам изингиз,
Қайта-қайта ўпсам изингиз!

1985

ҲОВЛИ ТЎЙИ

Гапга чечан асқиячи, хушфеъл бир қўшним ҳовли тўйи қилди, қўни-қўшни ва қариндош-уруғ йғилди. Мехмон ҳурмати — мезбон иззати, деган гапга амал қилиниб, мезбоннинг

бори дастурхонга тўкилди, дил чоки ширин сўзга сўкилди, барча тахсин этди, зиёфат ҳам охирига етди.

Меҳмонлар турамиз деган пайт бир киши мезбон қўнглига фаш соли:

— Жуда яхши ўлдирдик-ку, ароғи бўлмади-да, — деб қўйди.

Сўзга чечан мезбонимиз ҳам бир дақиқа лол қолди-да, сўнг ўзига келиб:

— Ўлкамиз ноз-неъмати қўйилган дастурхонни харом қилгим келмади,— деди.

Мезбонни лол қолдирган нарса луқма ташлаган одамнинг ўзи ичмаслиги эди. Унинг умр бўйи ичган арафини йиғиб бир стаканга солинса, ул ҳам тўлмаслигини мен ҳам билардим. Шу сабаб унинг даъвоси нечун керак бўлиб қолди деб, ўйга толдим ва қўлимга қалам олдим:

Ароқ оппоқ, иши қопқора бироқ,
Фитначи иғвогар ундан ёмонроқ,
Фақат иродаси метин одамлар,
Ҳар иккисидан ҳам юришар йироқ.

1985

ҚАРИЛИК ЙИЛДА ЭМАС, ДИЛДА

Ақл ёшда эмас, бошда дердилар. Қариллик ҳам шундай чоғи... Бир куни ишга шошилиб, соқол олмай йўлга тушибман. Трамвайга чиқишим билан икки-ч йигит-қиз ўринларидан туриб, жой таклиф этишди. Бундан бошқа кунлар жудаям бунчалик бўлмас эди. Мен бўшатилган жойга ўлтирас эканман нима бўлди-ю, юзимга қўл урдим ва соқол олиш эсимдан чиққанлигини пайқадим. Шунда кўп нарсаларни ўйлаб кетдим.

...Бир куни Гафур Ғулом уйларига боргандим. Ул кишининг тоблари йўқ экан, айвондаги каровотда ётар эдилар, каравот ёнига қўйилган стулда бежирим қайчиланган оппоқ соқолли бир мўйсафид ўлтирас эди. Гофур aka менга:

— Мана, отанг билан таниш,— дедилар. Мен қўл олишиб кўришдим, сўнг ул киши сўзда давом этдилар:

— Кўрдингми, бул одам қандай нуроний оқсоқол... Мени кўр... Аслида иккимиз бир ёшда, мактабдош ўртоқмиз.

— Сиз ҳам соқол қўйсангиз шундай бўласиз,— дедим мен сўз тополмай.

— Ҳа — ҳа! — дедилар чолга юзланиб, — ёшлигимиздаги ишлардан гапириб бер, булар у гапларни ҳеч қандай китблардан тополмайдилар.

Мўйсафид киши ийманиб жим ўлтирас эдилар. Мен ўз ишимни гапирдим-да хайрлашиб чиқиб кетдим.

Мана әнди менинг ўзим Гафур Ғулом аканинг ёшларига

етибман, балки ошиб ҳам кетибман. Мен ҳам соқол қўйсам нуроний кексалик кашф этарман. Чақмоқдек тез ўтиб кетган ёшлиқ ва аёвсиз босиб келаётган қариллик ҳақида ҳаёлга толдим ва трамвайдаёқ кўлимга қалам олдим:

Бошимда ёвларим әзади мани,
Оқ сочлар чиқмишлар – ҳаёт душмани.
Душман бошда бўлса, нақадар даҳшат,
Кўпая борсалар, чораси қани?!

Йўлда қоралаганларимни уйга келиб, оқча кўчирап әканман буюк Навоий бобомизинг:

Соқол оқи ўлимга пешравдир,
Тириклик сабзаси узра қиравдир,

деган байтлари эсимга тушди ва умидсизлик оловига Саъдий ҳикматлари ила сув сепдим. Ул устод: «Эллиқдан ошган эй кимса, энди юкингни боғлашга улгир...» деган эдилар. Менинг ҳам сочилиб ётган қораламаларим кўп. Эндиликда маъмурий ишларни ёшларга топшириб, ижодий режаларимни анжомига етказсам деган қарорга келдим.

Кимлигимиз агар ҳаёл қилсак биз,
Идрок осмонида бир учар юлдуз,
Зулматдан зулматга ўтамиш зумда,
Шу зумдан қолади хира... ёрқин из.

МЕВАЛИ ДАРАХТ

Жийда ёнгоқ қоқишар эди... Шохларига аёвсиз уришар, меваси ерга дув тўқилар эди. Қараб туриб ўйлардим Мевали дарахт бўлгани, одамларга нафи теккани учун шунча «калтак» ейди бечора...

Балки бунинг ҳам фойдаси бордир. Оғир бу зарблардан унинг пишган мевасигина эмас, сарғайған, касал барглари ҳам дув тўқилмоқда... Балки у шу дам турли иллатдан халос бўлмоқдадир...

Яна қалбимда ажаб бир сирқироқ билан ўйладим: Майли барглари мевалари, тўқилсин-у, шохлари зинҳор синмасин...

Мевали дарахтга тегар тош,
Майли барг тўқилсан, қил бардош.
Фақат шох синмаса бўлгани,
Ҳаттоқи ёрилса ҳамки бош.

1985

ТАНГЛИК

Бир кагтанинг олимнинг феъли танглигига ҳайрон қолдим. Унинг синка ва хасислиги хотин ва бола-чақасини ҳам жонидан тўйдирган, ишда ёса ҳамкасларини бездирган эди. У ҳеч кимга шинонмас эди. Бир куни шу ҳақда ўзига айтдим.

— Мен ўзимга ҳам ишонмайман,— деди у.

Мен ёса бу қабиҳлик-ку, бундай тубанлик, барчадан шудбҳаланин, баҳиллик ва мужмаллик билан ўтадиган умр — синдон, бўлса керак деб ўйладим.

Туюқ:

Кенг оламдан фойда йўқдир гар әтигинг бўлса танг,
Илимнингдан ҳам нима фойда агар фелинг бўлса танг.
Шундай кишиларни кўрдим гўё имли бир дунё,
Аммо қилган ишларидан бармоқ тишлаб қолдим танг.

1985

ҒАЙРЛИК ОҚИБАТИ

Дўстларимдан бирига қўп йиллар мобайнида нима китобим чиқса шуни тақдим этиб келдим. Лекин аста-секин менинг унга муносабатим ўзгара бошлади. Китобларим қўлига тушса, уларга гайрлик қўзи билан қарап, янги китоб берсам нафаси ичига тушиб кетар, хасадидан жони ҳалқумига етар эди. Бошқа ишларида ҳам унинг зиёли кишиларга ёт жаҳолати зўрроқ экани аён бўлиб қолди. Мен ҳам уни ортиқ қийнамоқ инсофдан әмаслигини тушундим, китоб совға қилишни тўхтатдим ва ҳамкаслаб дўстларимга дедим:

Ёзувчи ва олимлар, сизларгadir бу хитоб:

— Ичи қаро кишига такдим этманг ҳеч китоб.
Китоб ичра хат чўпдек файздан улар бебаҳра,
Ҳеч ёришмас диллари кирса ҳамки офтоб.

1986

ТОПҚИРЛИК

Устод Faфур Ғуломнинг ҳозиржавоблигига жуда мисоллар кўп. Айниқса икки воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

1966 йил апрелида Эркин Воҳидов билан иккимиз ул муҳтарам зот раҳбарлигида Душанбега, тоҷик ёзувчилари қурилтойига меҳмон бўлиб бордик.

Барча меҳмонларга Вазирлар кенгаши боғидан жой тайёрланган экан. Биз кириб борганимизда ҳовлида адабиётшунос олим Иосиф Брагинский бир неча ёзувчилар ва олимлар билан сұхбатлашиб туришган эди.

Саломлашиб кўришдик. Иосиф Самуилович ёнидагилардан бирини

— Бу киши адабиётшунос, Эйдельман,— деб таништирди.

ШундаFaфур ака унга қадими ошнолардек дўстона оҳангда:

— Эй... дили ман,— деб қўл узатдилар.

Барча кулиб юборди.

Эйдельман ҳам, жуда катта мамнуният билан шоир қўлини икки қўлига олиб кўришди. Шундан бери И. Брагинский мени қайда кўрса шу воқеани эслайдиган бўлди.

Эртасига Faфур ака сўзга чиқишилари лозим эди. Аввало «Қайси тилда гапирай?» деган савонни ўртага ташладилар.

— Хоҳдаган тилингизда, иккови ҳам ўз тилингиз,— дедик биз.

— Ҳўп,— дедилар-да менга қараб — бўлмаса сен менга бир яхши сўз топ, мана инсон фазода учиб юрибди, шундай сўз топки, у инсон қудратини намойиш этсин.

Мен исёнкор шоир Ҳофиздан байт қидира бошладим. «Сина моломол дард аст, эй дариго марҳаме»... Бу ғазал матлаининг биринчи мисрасини эсладиму у ёғини ҳеч тополмадим. Шу ғазалда олами ўзгартириш ҳақида исёнкорона байтлар борлигини билардим. Иосиф Брагинский ҳузурига бордим. Ул ҳам эслай олмади. Тожик шоири Муҳаммаджон Раҳимий ҳам эслолмай, эртасига Ҳофиз «Девон»ини олиб келишга ваъда бердилар.

Биз кечқурун И. Брагинский билан ўлтириб ғазал матлаъини ва бизга керакли бир байтини аввал мазмунини сўнг эса сўзларини тикладик ва қоғозга туширдик.

Сина моломол дард аст, эй дариго марҳаме

Дел зи танҳои бежон омад худоро ҳамдаме...

Одами дар олами хоки намеояд ба даст,

Олами дигар бибояд соҳт ва — з нав одаме.

Мен Faфур акага кўрсатдим. Ул кишига маъқул тушди. Лекин шу заҳотиёқ биринчи байтнинг биринчи мисраси билан кейнги байтнинг иккинчи мисрасин қўшиб ўқидилар:

Сина моломол дард, аст, эй дариго марҳаме,

Олами дигар бибояд соҳт ва-з нав одаме.

(Кўксимиз лиммо-лим, дарду малҳам топилмайди,

Олами ҳам одамни ҳам янгитдан яратмоқ керак)

деган янги бир ажойиб байт туғилди.

Шуни ёзиб бер,— дедилар. Мен қоғозга ёзиб бердим. Эртасига шундан бошлаб ажойиб нутқ сўзладилар. Байтни тожикча келтириб, ўзбекча гапира бошладилар.

Раислик қилаётган Мирзо Турсунзода:

— Ғафур ака,— залдан илтимос тушди,— деб сўзларини бўлди-да, қўлидаги бир парча қофозни ўқиди. Унда: «Ғафур Ғулом тоҷикча гапирсинглар» деган таклиф тушган экан. Ғоғур ака тоҷикчалаб:

— Мен тоҷикча гапиришим мумкин, аммо шундай дўстлик саройида тоҷик биродарларимиз анжуманида ўзбекнинг овози ҳам янграсин,— дедиларда сўзларини ўзбекча давом этдириб кетдилар. Залда қарсаклар янгради.

1986

ҚАРҒАЛАР

Ҳовлига қараб ўлтирад әдим. Ит билан қарғалар орасидаги бир иш диққатимни тортиди.

Икки қарға ит олдида ётган бир сүякни олмоқчи бўлиб бир неча бор ҳаводан ўзларини сүякка ташлаши, аммо ит ҳам бўш келмади, уларга сүякни бермади. Шунда қарғалар ўз тилида келишиб олишди шекилли, уларнинг бири итга орқадан ҳужум қилди. Ит унга ташланган әди, шу зумда иккинчи қарға ит олдидан сүякни ила қочди.

Қарға бўлма, ит ҳам бўлмагил,
Обрўйингни қўлдан бермагил.
Аммо атрофингда қарғалар —
бўлса, бепарво ҳам юргагил.

1986

ХАТЧЎП

Бир одамнинг адабиётга қизиқиши менда ул кишига қизиқиш уйғотди. Мен унинг Фурқат ғазалларидан ёд ўқиши, ҳозирги кун шеъриятимиз ҳақида саволлар тўқишийга қараб ҳурматим ошган әди. Унга китоб совға қиласр әдим, у ҳам жуда қувонар әди. Аммо шул киши билан бир ташкилотда ишлашга тўғри келиб қолди. Шунда мен унинг ҳаётдаги тубанликларини кўриб ҳайратда қолдим ва қилмишларига чуқурроқ назар солдим. Нé кўз билан кўрай, не хис билан сезайки, унинг шеършунослиги ҳам бошқа кўп қизиқишилари каби юзаки, хўжа кўрсингагина экан.

Шунда мен уни доимо китоб ичида ётса ҳам илму одоб файзидан бебаҳра хўтчўпга ўхшатдим:

Китоб йигаверма, йигмагил тўп-тўп,
Шеъру адабдан ҳам лофт урмагил кўп.
Тубан дилга юқмас шеърият файзи,
Китобда ётса ҳам мисоли хатчўп.

ва яна дедим:

Китоб берган одобни ҳатто отанг беролмас,
Дили сўқир китобдан одоб гулин теролмас.

1986

МИНБАРДАН ҚУВИЛИШ

Қайта қуриш даври мажлислари хўп қизғин ўтмоқда. Ана шундай мажлисларнинг бирида бошлиқларимиздан бири қаттиқ танқидга учради. Бунга чидомаган бошлиқ минбарга чиқиб танқидчига жавоб берар экан, унинг асл ички дунёси очилиб, оғиздан ҳатто ҳақорат сўзлар сочилиб маънавий қашшоқлиги шундоққина кўриниб қолди. Шунда ҳам мажлис аҳли унинг ёнини олди, яъни унинг ўзини ўзи шармсор этишидан асраб қолди:

Бу чора:

— Регламент... — деган ҳайқириқлар бўлди. Бошлиқ шу йўл билан минбардан қувилди. Ёнимда ўтирган ўртоғим менга:

— Бу қандоқ бўлди... Бундай ҳол университет тарихида биринчи марта содир бўлиши-ёв, деди. Яна: — Ўзлари ҳам жуда бачканалик қилдилар-да, — деб қўшиб қўйди.

Мен унга астагина ҳазрати Навоийдан бир байт эслатдим:

Агар эл этмаса ҳимоят сенга,
Ўзингдан керакдир шикоят сенга.

1986

ФИЛ ВА ЛАЙЧАЛАР («Гулбоғ» масалларидан)

Каттагина бир илмий текшириш институтининг бошлиқ муовиши Фил саркашроқ чиқиб қолди. Бу эса на фақат институт бошлиғи Тулковойга, балки ундан юқорироқда ўтирган Қашқир холага ҳам ёқнади.

Тулковой маслаҳати билан Филга қарши Лайчалар ишга солинди. Улар галалашиб Филга акиллашса-да унга яқин келишолмас эди. Фил оҳиста ва вазмин қадам ташлаб ўз йўлида борар, ўрмон аҳли унинг йўлига чиқиб, салом билан ўз эҳтиромини бажо келтирас эди. Базилари ишларида мушкиллик сезсалар Фил ҳузурига маслаҳатга келишар эди.

Буни кўрган Қашқир хола билан Тулковой яна ғийбат бозорини қизитишар, «ана лайчалар акиллашида бир гап бор»... дей шубҳали миш-милар тарқатишар эди.

Ёши анчага бориб ҳаёт тажрибаси ила бойиган донишманд Фил эса ҳар қанча ғийбат маломатга чидаб ўз севганд иши, китоблар ўқиш, масаллар тўқиши билан машғул бўлар, аламини ишдан олар, ишни биринчи дори-дармон ҳисоблар ва Крилов бободан тортиб Пушкин зуккогача, Рудакий отадан тортиб

Саъдий доногача эсига олиб улар билан маслаҳатлашар эди. Криловнинг гапи ҳаммага маълум, у Филнинг ўзидан олинган. Саъдий сўзи эса яна қизиқ ва жозибалироқ. У бир жойда:

Арzon тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди нархи тушмас зар,

деса яна бир жойда:

Нокаста кишини кўргач баҳтиёр,
Оқиллар қилурлар сукут ихтиёр —

дейди. Ҳаммадан ҳам Александр Сергеевич лўнда маслаҳат берадилар:

Хвалу и клевету
приемли равнодушно
и не оспаривай глупца.

Ҳа, бу «вов-вов» ва «ак-ак»лар ўтиб кетади деб ўйларди Фил ва хотиржам юраверар эди. Чунки жаҳонгашта шоир Саъдий оламга машҳур «Гулистан» асарларида: «Эй, биродар, сен пок бўлгилу хотиржам юрабергин, ҳеч нарсадан қўрқмагин, чунки фақат кир либоснигина кирчилар тошга уриб ювадилар», деган эдилар.

Охири шундай бўлди. Ҳақиқат жойида қарор топди. Тулкивой ҳам, Қашқир опа ҳам жазоларини тортдилар.

Аммо улар даврида амалга миниб олган бир икки лайчалар ҳали ҳам бор. Баъзилари ҳатто бўрига айланниб кетмоқдалар.

Бу эса, катта ишга халақит бермоқда. Энди индамай бўлмас:

Қайта қуриш олға сурилар,
Фикру ишлар қайта қурилар.
Баъзи жойда ишлар пачава,
Ишбошилик қиласа бўрилар.

1986

ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН

Идорамиз бошлиғи, ўзи яхшигина олим, аммо лаганбардор чақимчиларга ўч одам эди.

Айниқса бирор киши лаганбардорлик ила ул кишига ёқиб қолса бўлди, мажлис-йифинларда ҳам ўша одамнинг гапи гап. Бошқалар ҳақ сўзни айтсалар ҳам унинг оғзига уриб, ҳафа қилиб ташларди.

Бир киши кўнглини олмоқлик учун,
Узга дилин вайрон этмоқлик нечун.
Одамликдан ҳатто бўлса бир учкун
Ўз жаҳлинг итини айлагил забун.

1986

УЧ РАҲБАР

Бир муассасининг уч раҳбари шундай бир-бирлари билан тил топишиб олдиларки, улар олдида ҳар қандай ҳақиқат кучсиз, лаб боғлаб қолди.

Улар эса дабдабали мажлислар, катта-катта йигинлар ўтказиб, ўзларини эмчи кўрсатардилар, зимдан эса бор имкониятдан фойдаланиб, ташкилот қонини сўрар әдилар.

Мажлислари дабдаба,
Бўлса ишлар дабдала.
Узни табиб кўрсатар,
Зулук, сирка, қандала.

Мамлакатимизда қайта қуриш шамоли эса бошлади:

Зулук ўлди ёрилиб,
Ўз қонига қорилиб.
Қандала ҳам босилди,
Оёғидан осилди.
Сирка юрар бўлиб хор,
Бе ҳурмат, бе ун, бе ор.

1986

ҲАЁТ ТАДҚИҚИ

Баъзан бир нарсага бўламан ҳайрон,
Макр уялари юришар хандон.
Кичик бир гуноҳдан малул пок инсон,
Оппоқ нарсага доф тушириш осон.

деган рубойини бир бошлиғимга ўқиб берган эдим ул киши:

— Э, булар чиройлик сўзлар халос! — деди.

Бунинг одамлар психологияси, улар феъл-авторини кузатиш натижасидаги хуласа эканлигини сезиб турса ҳам, эътироф этгиси келмади, чунки ўзининг девори намкаш эди.

Тўрт йўлда чиройли сўз эмас, ўқи,
Рубойи бу инсон дилин тадқиқи.
Чиройли бўлса бу ҳаёт чиройи,
Агар дагал бўлса ҳақиқат ўқи.

1986

ҲАР КИМ ЭККАНИН ҮРАР

Бир идорадан уч йил орасида икки бошлиқ олдин-кетин пенсияга чиқишиди.

Бири идорага келгудек бўлиб қолса, эшик қоровулидан тортиб барча оёққа қалқийди, ҳамманинг юзида офтоб чақнайди, барча очиқ чеҳра билан кутиб олади, қайтиб чиқсанида шоғёрлар:

— Домла, машинангиз борми? Олиб бориб қўяйликми? —
деб туришади.

Иккинчисси пайдо бўлса, барча тескари қарайди, дуч келиб қолса ўлгани кунидан саломлашади. Ҳатто қайтиб чиқаётганида шоферлар ўзларини четга олганлари ҳақида гапиришди.

У бечора ҳам охири идорага иши тушса тўғри катта йўлдан кирмай орқа эшикдан келиб кетадиган бўлди.

Бу ҳолни кузатар эканман, ҳар иккисининг хулқ-авторини таҳдил қила бошладим.

Бири одамларга эътиқод қиласиган, хушфеъл ва хушхулқ, барчага баробар, шириңсўз, маданиятли одам бўлса, иккинчиси ҳеч кимга ишонмайдиган, дағал сўз, ҳаммани шубҳа остига оладиган, иши унмаса барчага заҳар сочадиган, жizzаки, қаллоб ва мунофиқ кимса эди.

Эл нақли — не эксанг шуни ўрасан,
Элга не кўргазсанг шуни кўрасан.
Оддий ҳалқ ичинда маълум доимо,
Нуроний чўққими, сассиқ ўрасан.

1987

ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

Бир идора бошлиги бетоб бўлиб касалхонага ётиб қолди. Лаганбардор ходимларидан бири ўзини қайга қўйишни билмай, довдираб юрди. У эндиликда ишга келиб кимга хизмат қилишини билмас, ўз вазифасини адо қилмас, бунга ўрганган ҳам эмас эди. Шундай ҳолда эзилиб кетди ва уч кун ўтар-ўтмас боши ёстиқقا етди:

Ёстиққа етганда бошлигин боши,
Киприқда шашқатор ялатоқ кўз ёши.
Охир ётди ул ҳам ўшал ёстиққа,
Кулди ходимларнинг кексаси — ёши.

СОВФА

Бир дўстим шундай ҳикоя қиласи эди:

— Мен кафедра мудири бўлиб турганимда шогирдларимдан бири китоб совфа қиласи... «Мана, домла, сизга Москва-дан олиб келдим» деди. Бир-икки йил ўтар-ўтмас мен кафедра ни бошқа шогирдимга топширдим. «Мен энди кексайиб қолдим, энди сизлар бошқаринглар», дедим.

Орадан бир неча кун ўтди. Бир куни дарсга борсам, китоб совфа қилган шогирдим, ўша китобини сўраб қолди...

- Ўзи ўқимай сизга тақдим қилган бўлса керак-да, — дедим мен.
- Билмадим, ҳайтовур шундай бўлди.
- Ўзи ўқиган бўлганида, — дедим мен мулоҳазамни давом

этдириб,— Уша китобидан одобни ўрганар, ҳаёлироқ бўларми-
ди?.. Бўлмаса китоб ташигани билан ақли тўлармиди?!

Китоб ортган билан устига әшак,
На илм қўшилур, на ақл жиндак.

1987

ҚАЙТА ҚУРИШ

Қадимгилар афсонавий маҳак тоши ҳақида ривоят қилади-
лар. Гуё у тошни кумуш ва олтиналарга суртиб, уларнинг тоза-
нотозалигини ажратиш мумкин эмиш.

Қайта куришни ҳам маҳак тоши деса бўлади. У аслни
ноасдан, касни нокасдан ажратиб бермоқда.

Баъзилар уни ўтиб кетар деб пайт пойламоқдалар, баъзилар
амалдорликдан тушиб, амал курсисидан ажralиб қолишдан
қўрқиб бошқаларни рўйкаш қилиш йўлини тутмоқдалар. Буни
руслар «козел отпущения» дер эканлар. Мен ундай амалдорлар-
ни сувга чўқаётган одамга ўхшатдим. Чўқаётган одам ўз атро-
фидагилардан бирини пастга босади-да, уни чўқтириш ҳисоби-
га ўзи сув бетига қалқиб чиқади. Аммо сузишни билмагач, бир
оз шапир-шупир қилиб яна чўкиб кетади. Афсус, кўп идора-
ларда шундай бўляпти...

Инқилобга бел боғлади давримиз кекса-ёши,
Қайта қуриш инқилоби ҳар виждоннинг йўлдоши.
Лекин дили ғашлар ҳам бор, маккорлару айёрлар,
Ундайларнинг давосидир ошкоралик қуёши.

1987

ШИРУ ШАКАР

Бир мунофиқнинг қилмишидан фифоним чиқиб ўлтирган
эдим. Шогирдларимдан бири келиб:

— Домла, ширу шакар нима? — деб сўраб қолди.
— Бу икки-уч тилда ёзилган шеър,— дедим-да, қофоз-
қалам олиб, аruz вазнида қўйидаги 'байтларни ёзib бердим:

Ул мунофиқ янги-янги хитрость ижод айлади,
Кечча ухлаб эрта турфа козни бунёд айлади.

Үйласам уйким қочар ҳам тўлғанурман до зари,
Клевета дилдан поко-ю сонни барбод айлади.

Дўстлара қилди ҳиёнат изменяя всем всегда,
Потеряв честь, ору номус, ўзлигин хор айлади.

Нет ҳаёсизда вафо-ю, нет фавосизда ҳаё,
Так писал гений Навоий, булчи, иқрор айлади.

О Шаислам, не горюй бундай ҳаёсизлар учун,
Халқ уларни оплевать айлаб шармсор айлади.

1987

ШАХСИЙ МАНФААТ

Идорамиз бошлигини сайладик. Қизғин муҳокамалар, қаттиқ мунозаралар бўлди. Ҳар кимки, ҳар нима деди, уларни ҳеч янглишмай иккни гуруҳга ажратиш мумкин эди. Бири ўз манфати йўлида жон фидо қилиб бўзлар, иккинчиси унчалик куйинмай, «бўлса бўлар, бўлмаса йўқ, душман орттириб нима қиласман» қабилида сўзлар, аммо иш фойдасини кўзлар эди. «Буларнинг ўринлари алмашса нетарди? деб ўйладим. Қайта қуриш ишларимиз ҳам жўнашиб кетарди, қийин курашимиз моромига етарди.

Жонини куйдирса ким халқ ишига,
Сен ҳам жон фидо қил шундай қишига.
Ундайлар ҳаётдан, халқ ундан рози,
Чидай олур ҳаёт ёзу қишига.

1987

ИТГА ТУҲМАТ

«Правда» газетасида (10 — сентябрь 1987) бир мақола қўйидаги сатрлар билан бошланар эди:

- Амаки, мана бу кучукчани олинг.
- Нима қиласман?
- Боқасиз, катта бўлганида сизни қопади...»

Бу гап мен учун итга нисбатан тухматдек туйилди. Аслида ундин одат итга ёт, бироқ одамларда учраб туради:

Мен кўп итлар боқдим, ундеймас, зинхор,
Бари садоқатли, бари вафодор.
Мунофиқлик асли одамларга хос,
Бунга мисол баъзи шогирдларим бор.

1987

УМРГА АЧИНИШ

Урушдан қайтиб келгач, дорилфунунга кириб ўқий бошладим. Мени дорилфунун комсомол қўмитасининг котиблигига сайлашди. Ўқиши битирганимдан кейин ишга олиб қолишиди. Мен 12 йил декан, 13 йил ректор мувовини бўлиб ишладим.

Эндиликда ҳаётимни сарҳисоб қилиб қарасам, 28 йил маъмурӣ хизматда бўлибман. Бунинг ярмидан кўп мажлисларда ўтгандек кўринди... ва умримнинг кўп қисми зое кетгандек туюлиб юрагим зирқириб, ичим ачиб кетди.

Мажлизбозликка мен қарши әмасман,
Мажлиста қарши ҳеч сўз ҳам демасман.
Умрим ҳисобига қўшилмаса бас,
Мен ҳеч иолимасман, ғам ҳам смасман.

1987

ОЛТМИШ ЭМАС, ИККИ ЎТТИЗ...

Мен Нозим Ҳикмат шеърлари билан урушдан кейинги йилларда танишган эдим. У вақтда ўзбекчага таржималари кам бўлса керак, уни кўпроқ рус тилида ўқигандим.

Буюк инсон ва нозик ҳаёл шоирнинг ўзини 1958 йил Тошкентда ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари Конференциясида учратишга мусассар бўлдим.

Конференцияда Нозим Ҳикматнинг ҳозир бўлиши иштирокчиларда алоҳида кайфият ва иштиёқ яратган эди. Барча бу матонатли курашчи, ўтли мисралар муаллифи ҳақида гапиравар, бир-бирига кўрсатишар, Нозим Ҳикматни кўрдингми, деб сўрашар, унга ҳайрат ва ҳавас билан боқишишар эди.

Унинг Ўзбекистонли дўстлари — Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир ва бошқалар билан қучоқ очиб кўришгани, улар билан самимий суҳбатлар қургани, Ғафур Ғулом уйида меҳмон бўлгани эсимда.

Баланд бўйли, қомати келишган, мовий кўзлари доимо кулиб турувчи очиқ табиат, умумий кўриниши ҳам, хулқи ҳам, фикрлари ҳам гўзал инсон ҳали-ҳали кўз ўнгимда порлоқ чеҳра билан тургандек.

Конференцияда яна бир эсда қоларли ажиб учрашув бўлиб ўтган эди.

Мен Ироқ революционер шоири Муҳаммад Солиҳ билан Нозим Ҳикмат учрашувини кўзда тутаман. Муҳаммад Солиҳ Баҳрул Улум ҳам ўзининг революцион фаолияти учун узоқ йиллар қамоқда ётган эди. Ҳар икки маҳбус қамоҳонадан бир-биirlari билан мактуб ёзишар эканлар. 1958 йил октябррида Ироқ революцияси натижасида қамоқдан озодликка чиққан Муҳаммад Солиҳ тўппа тўғри Тошкент Конференциясига йўл олган ва 1—2 кун кечикиб бўлсада бу Улуғ Йиғинга етиб келган эди.

У мажлис вақтида кириб келди ва президиумга таклиф этилди. Саҳнада икки жафокаш, аммо метин иродалари синмаган революционер шоирлар бир-биirlarini бағирларига босгандарида бутун зал оёқла турди, Навоий театри қарсаклардан гумбурлади. Уларга эса бу гулдирак ғалабанинг солютларидек туюлди.

Шу аснода адабиёт ва санъат нашриётимиз колективи Назим Ҳикмат билан учрашишни жуда-жуда орзу қилишарди.

Нашриёт директори Насрулло Охундий Нозим Ҳикматнинг розилигини олишга муваффақ бўлганлигини әшитиб барчамиз хурсанд бўлдик. Учрашув куни буюк шоирни нашриётга олиб келишди. Аммо унинг юраги ҳаста эканлиги ва тўртинчи қаватга чиқолмаслиги маълум бўлди. Шунда Мирзиёд Мирзоидов бошлиқ нашриёт йигитлари, биз қўлимизда кўтариб чиқамиз, деб туриб олдилар.

Нозим Ҳикмат иккиланиб ва носоғлигидан афсусланиб, ўзини кўтариб чиқишларига рози бўлмай бир ғалати ҳолатда турар эди. Биз ҳаммамиз бу иш табиий бир ҳол ва бизнинг йигитларга фақат мамнунлик бағишкаши, улар учун бу иш шараф ва шоирга самимий эҳтиром эканлиги ҳақида гапирганимиз сайин у қизарар, ўзини ўнғайсиз сезар эди. Уни жони ҳолига қўймай, бу ишга рози қилдик.

— Ҳеч қачон одамлар кучидан фойдаланмайман деб ўйлардим, — деди. Биз ҳаммамиз кулиб юбордик ва бу гап ҳазилга йўйилди.

Бу воқеа барчамизни анча яқинлаштириб ҳам қўйди.

Учрашувда нашриёт директори Насрулло Охундий, нашриёт бош редактори ёзувчи Ҳаким Назир, бўлим мудирлари Мамарасул Бобоев, Рустам Комилов, Озод Шарафутдинов, Шариф Толипов ва бошқалар қатнашгани эсимда. Мен ҳам у вақтда нашриётнинг Шарқ адабиёти бўлимига мудирлик қиласр эдим. Учрашув ниҳоятда эркин ва самимий ўтди.

Бу ажойиб инсон билан иккинчи учрашув менинг учун кутилмаганда Москвада юз берди.

1962 йил январида Москвага СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтига илмий иш билан борган эдим.

Институтга келиб Нозим Ҳикмат билан учрашув ҳақидағи эълонга кўзим тушди. 20 январь куни айтилган соатда институт залига келиб охиридан иккинчи қаторга ўлдиридим.

Учрашув шоирнинг олтмиш ёшига бағишланган экан.

Кўп йиллик қамоқлар, зиндан азоблари, кураш, исён йиллари Нозим соғлигини олиб кетган бўлса-да, у ўзини тетик тутар, қомати рост, кўзларида ғайрат ўти чақнар, юраги қаттиқ ҳаста бўлсада ранги тоза, фикри тиниқ, сўзлари ёниқ эди.

У вақтда менга олтмиш сони жуда кекса одамни англатар эди. Шунинг учун бўлса керак Нозимга нисбатан берилаётган олтмиш сўзи менга ўз ҳақиқий маъносини йўқотгандек ғайри табиий туюлди ва миямда олтмиш, олтмиш, олтмиш эмас, миш миш сўзлари айланана бошлади ва:

Нозим Ҳикмат, сизга олтмиш?

Олтмиш эмас бу гап миш, миш...

деган мисралар туғилди.

Мен ён дафтарчамни чиқариб ёза бошладим, бир кичик табрик шеъри пайдо бўлди.

Мен сўз олиб, чиқиб табриклайми, йўқми деб иккиланиб ўлтиридим. Ёнимда Институт илмий ходими, ҳозир филология фанлари доктори Георгий Гирс ўлтирас эди. У кишига маслаҳат солдим.

— Мен ҳам табриклайми? — дедим.

У эса, бу фикрга маҳкам ёпишиб олди ва «чиқ, чиқ» деб қўймади. Табриклар охирлаб қолган эди, сўз сўраб президиумга хат юбордим. Сўз беришармикан, йўқми деб ўлтирган эдим... Бир маҳал Тошкентдан деб мени чақириб қолиши. Мен русчалаб бир неча табрик сўзларини айтдим, ўзбек халқининг унга самимий муҳаббати, Ўзбекистонда унинг асаллари севилиб ўқилиши, Ўзбекистонлик дўстлари шоир юбилейини яхши кутиб олганлари ҳақида гапирдим. Шеърнинг маъносини русчалаб айтиб бердимда сўнг:

— Бу сўзлар шеърга солинса ўзбек тилида шундай эшитилади деб, Нозим Ҳикмат тушунсин учун шошилмай сўзларини хижжалаброқ ўқидим:

Нозим ака, Сизга олтмиш?
Олтмиш эмас, бу гап миш-миш.
Дилда гайрат, дилда олов,
Қаламингиз ҳали бедов.
Қайнар ижод, навқиронсиз
Олтмиш эмас, икки ўттиз.
Ижодингиз оламдек кенг
Саҳоватда қуёшга тенг.
Қариликдан қочинг деймиз,
Яна кўп нур сочинг деймиз.
Ўзбеклардан йўллаб салом,
Табрик сўзин дер Шоислом:
Қир йигигътилик муборакбод
Икки олтмиш яшаг, Устод!

Шоир диққат билан тинглаб, ўрнидан туриб мен томон кела бошлади. Мен ҳам у томон юрдим.

— Соғ ўл, ўғлон, соғ ўл! — деб мени бағрига босди.

Эртаси институтга келганимда учрашув ҳақида катта деворий газета илиғлиқ турар, унинг тепасида бошдан оёқ катта ҳарфлар ила сарлавҳа қилиб «Не шестьдесят, а два раза тридцать» деб ёзиб қўйилган эди.

Бундан мен Нозим Ҳикматнинг нечоғлиқ мамнун бўлганлигини онгладим.

ҚАРИЛИК ҚАСИДАСИ

Бугун Ғағур Ғулом номли санъат ва адабиёт нашриётига бордим. Тўртинчи қаватга чиқиб адабиётшунослик бўлимида кирганимда нафасим сиқилиб юрагим санча бошлади. Унда ишлайдиган Шаҳлохон салом бергач:

— Ҳа нима бўлди, домла? — деб сўради ва бир пиёла чой узатти.

— Зинадан чиқиши оғир тушди,— дедим бир оз нафасимни ростлаб,— илгари ёшлиқда бу зиналардан чопиб чиқиб, чопиб тушиб юрардик...

Жим қолдик. Мен бу иморатни 1957 йили Охундий, Ҳаким Назир, шукур Саъдулло, Мамарасул Бобоев ва башқалар билан ҳали битмаган ҳолда якшанба куни босиб олганимизни эслаб ўтиридим. У вақтда югириб чиқишигина эмас, курси, столларни ҳам кўтариб чиқорган эдик...

Қарилиқ шундай бир бедаво касаллик экан, у кўпая борар экану, ҳеч камаймас экан. Уйга қайтиб бу сатрларни ёзар эканман бир ҳикоят эсимга тушди. Кексайган бир киши табиб ёнига келиб:

- Қулоғим оғир бўлиб қолди,— дебди.
- Бу қарилиқдан,— дебди табиб.
- Белим зирқирайди, яхши әгилолмайман.
- Бу ҳам кексалиқдан.
- Кўзим хиралашиб қолди...
- Бу ҳам қарилиқ...

Бемор асабийлашиб, жаҳли чиқиб дебди:

— Э, сиз қандай табибсиз! Сизга дардимни айтиб, даво изласам, барини қариликка йўясиз...

Табиб оҳиста дебди:

- Тинчланинг... тинчланинг, азизим, бу ҳам қарилиқдан...

Мен ҳам кўп нарсага кўнгим келади-ю, аммо кўнгил ёш, энди қарилиқ қасидасини бошламоқ керак эканлигини тушуниб турибман. Шул сабаб унинг матлаи ва мақтаини ёзиб қўйдим:

Уёлдим ёр кўйидан қариб мункиллаб ўтганда,
Йигитлик куйини лабдан тўкиб мингиллаб ўтганда...
Қанотдан ҳам қаноат яхшидир ошиқقا, эй жонон,
Ачин Шоисломинг минг дардидан инқиллаб ўтганда.

1988

ДУГОНАЛАР (Ёшларга насиҳат)

Телевизорда «Дугоналар» журнали борар эди. Мен унда намойиш этилган сюжетни кўриб ва унинг таҳлилини тинглаб

ҳайратда қолдим. Сюжет – халқ суди маҳкамасида эр-хотин ажralиши муҳокамаси ҳақида әди. Миқтигина навқирон йигит ва ёш болалик нозик жувон. Эр ўз хотинини ишдан келиши билан унинг этигини тортиб оёғига сув қўймасликда, овқат ва чойнинг вақтида олиб келинмаслигида ва яна алла қандай майда-чуйда хизматларда айблар әди.

Судъянинг ҳам (у хотин киши әди) қайнотининг ҳам эшиттиришни олиб бораётган шоиратининг ҳам гапларида мана шу ишларга кенгроқ ўрин берилиб келин ўз уйидаги яхши тарбияланмагани, мазкур ишларга ўргатилмагани, хотин эрга яхши қараши кераклиги масалалари асосий ўринни әгаллади...

Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, қозилардан ҳеч бири куёвболага:

— Сиз умр йўлдоши, ҳаёт дўсти, севгули ёр танлаб олганмидингиз ёки оиласа хизматкор, ўзингизга чўри олганмидингиз? — деган савони ўртага ташлай олмадилар.

Бунга уларнинг ё журъатлари етмади, ёки маданиятлари.

Нима учун севимли қизимизни кафтишимизда кўтариб юришга тайёр турамиз, ваъдалар берамиз, газаллар ўқиймиз, достонлар тўқиймиз бизнинг доимий ҳаёт йўлдошимиз бўлишгач, уларни камситамиз, ўзимиздан тубан биламиз, чўрилик талаб қиласиз, хизматкорликка маҳкум этамиз. Улар шундай ҳам биздан кўра кўпроқ хизмат қиласилар, ҳаёт меҳнати ва машаққатини биздан кўра кўпроқ чекадилар, гўдакларимизни боқиш ва тарбиялаш заҳматининг ўндан тўққизини ўз зиммаларига оладилар-ку.

Телевизордаги кўрсатувларимиздагина әмас, оила, оилавий аҳлоқ ҳақидаги сухбат-мақола, китобларимизда ҳам кўпинча шундан нарига ўтолмаймиз.

Шундай күёвларга қараб:

— Сен ҳам унинг хизматини қиласанми, ўзингни ўзинг эплай оласанми, бу умр дўстинг, ҳамкоринг, болаларинг онасими ё чўрингми, сен унинг турмуш дўсти, болалари отасими ё хўжайинми?! — дейдиган одам топилмайди.

Албатта оиласа эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам ўз ўрни, ўз вазифалари, ўз мавқеи бор.

Бизнинг урф-одатимизда эркак киши оила бошлиғи ҳисобланади, хотин ҳам буни унутмаслиги, шунга қараб иш тутиши лозим, аммо бу эрга хотинини чўри ҳисоблашга ҳеч қандай асос бермайди.

Аслида ўзбеклардаги қадимий ва олижаноб анъанага кўра оғир ишларни эркаклар бажарганлар, уларни хотинлар зиммасига юклаш номардлик ҳисобланади. Ҳозир эса биз саноатда ҳам, зироатда ҳам кўпгина оғир ишларга хотинларимизни гирифтор қилиб, гулбадан қизларимиздан ҳам, нозиктаъ бўларимиздан ҳам соғлам болалардан ҳам ажralиб қолмоқдамиз.

МУХАСЕДА ОИЛАРДАГИ «БАРЧАЛАРИНГ» АДАМЛАРИНИНГ НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ. БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ.

БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ. БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ. БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ. БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ. БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ. БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ. БИРЧАК БИР АДАМДА НАЧИЛДИРИЛГАН СИЛАГИНГИЗ ҲУСУСИДА МАСЪУЛДИРСИЗ.

Мен уруш вақтими, жанг майдонидан яраланиб қайтиб ҳамма тақдимада көрғанларимни эсладим. Аввало у вақтда бундай ҳамма тақдимада Бемашни жанжаллар учрамас эди, аммо ишкада оларни бебилиски пулдорлар орасида чўри сақлаш мөмкинчиги кучайиб шундай асоссиз талоқлар кўпаймоқда. Баъзи сир нодон қайтонашар бу ўтга ёғ қўймоқдаларки, улар ҳам мөнгае ва заҳматда ўтган ўз ёшликларини эслаб турсалар фойдаладан ҳоли бўлмас эди.

Уруш қизиб турган пайт. Етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма галаба учун хизмат қиласди, ҳамма фронтга бирор йўл билан ёрдам бериш, жангчиларга мадад бериш учун интилади. Оила аъзоларига икки юз граммдан нон берилади ҳалос. Баъзи оиласарда нонни дастурхонга қўйиб, бурдалаб бир-бирига «олинг-олинг» қилиб ейишар, баъзиларида эса оиласинг ҳар бир аъзоси ўз нонини бўлиб олиб (гоҳо ҳатто талашиб) ейишар эдилар.

Ҳар икки ҳолда ҳам, барча ўз нонидан ортиқни емасди, бундан ўзини тиярди. Уруш вақтининг ёзилмаган одоби, одат шундай эди.

Аммо бу оиласарда маънавий ҳолат бутунлай бошқача, унда тарбияланиб урушдан кейин балоғатга етган болалар ҳам бутунлай бошқача бўлиб етишишди.

Бир оиласада меҳр оқибат сақланган бўлса, иккинчисида емирилган, ундайлардан меҳр учуб кетган, болаларда худбинлик, юлгичлик ҳислари тарбияланган эди.

Үй ишининг маълум бир қисмини хотинлар, бошҳа бир қисмини эркаклар қиласди. Аммо буни тақсимлаб, талаб қилиб, дўқ-пўниса билан эмас, «Сиз уни қилинг, мен буни, ёки ҳатто сиз дам олатуринг, бу ишни мен қилиб қўя қолай....» Қавлида Бажарса ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммасини меҳру оқибат иқл донолик бошқаради.

Ҳўжайин, хизматкорлик муносабатига келганда, буюк файласуф шоиримиз Мирзо Абдуқодир Ҳедил: «Бирини бирига тобеъ итиб яшаш, ҳатто итларда ҳам йўқ-ку, нечун инсонлар бунги иштиладилар», деб фигон чеккан эди. Бу уят иш оиласи! Унга шима дейин керак?

Ҳозирги замонда етилиб чиқаётган магазинчи ҳам, идора бошлиғи ҳам, меҳнаткаш оталарнинг болалари әдиларку! Бу бойбаччалар, «оқ суяклар» қайдан пайдо бўлмоқдалар ахир, деб ўйлаб қоласан киши.

Қадимдан меҳнаткаш оиласарда, ҳамма иш баробар бажарилган, ҳаёт ташвишлри баб-баробар тортилган, ҳалқимизда «Эру хотин — қўш ҳўқиз» деган мақолнинг чуқур фалсафаси ва тарихий, анъанавий илдизи бор.

Хотиннинг иззати,
Эрнинг ҳурмати.
Отадан болага
Қолсин ибрати.

1988

ЯХШИЛИК

Ажабо, мен пенсияга чиқаач, одамларнинг менга нисбатан муносабати икки хил бўлиб қолганини кашф қилдим. Баъзилар худди ҳеч бир ўзгариш бўлмагандек, илгаригидек устозлик ҳурматимни жойига қўйиб гаплашишади. Баъзилар эса ўzlарини устоз ҳисоб эта бошладилар. Бу ҳақда гап кетганда шогирдларимдан бири:

— Домла, ўзингиз ҳам ҳаммага бирдек ишонар эдингиз, яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдек яхшилик қиласар эдингиз-да,— деб қолди.

Бу гап сабаб бўлиб ёшлигимда бўлган бир воқеани эсладим.

Тошкентнинг энг катта чоррача майдони Ҳадра эди. Тўрт ёқса кетган тўрт катта кўчанинг бир томонида трамвай парки, бир томонида Ҳамза театри ва шаҳарнинг энг катта, ўз оти билан, биринчи аптекаси, бир томонда магазинлар, яна бир томонда чойхона ва ошхоналар. Ҳамиша гавжум жой.

Кунларнинг бирида бир девона одам майдоннинг ўртасига туриб олиб от-арава, у вақтда жуда кам учрайдиган автомобиль, файтон извошларни юргазмай қўйибди. У ўзича тартиб ўрнатмоқчи бўлиб:

— Нега ҳамма ҳар томон юради, ҳамма бир томон юрсин! — дермиш.

Бу телбанинг талабига одамлар ҳам ҳанг-манг бўлиб турганда бир киши аста бориб, девонанинг қулоғига дебди:

— Ахир ўзинг ўйлаб кўр, ҳамма бир томонга қараб юрса, ер бир томонга оғиб кетиб, ҳаммамиз жаҳаннамга тусиб кетамизку!

Шунда девона чуқур хаёлга чўмиб майдондан четга чиқиб кетган экан. Мен шогирдимга қараб:

— Яхшиликни ҳам фақат яхшиларга қилинса, ёмонлар кўпайиб, ҳаёт жаҳаннамга юз буради. Қўлдан келганча ёмонларни камайтириш керак.

Кел, жаҳонни топширмайлик ёмонга,
Бурайлик барчани яхши томонга.
Яхши, ёмон абад қолмагай зинҳор,
Яхниси: яхши иш бўлсин ёдигор.

1988

БОҒБОН

Барча эҳтисос, барча ҳунар ҳам яхши. Аммо ҳаммасидан ҳам умидлилиги, барчасидан одамийлиги, ҳаётдўстлиги боғбонлик бўлса керак.

Боғбонлик — умрзоқлик деб ишондим. Чунки ёши етмиш саксондан ошган боғбонларни кўп кўрдим. Улар ҳаётда минглаб кўчат экишган, пайванд қилиб, парваришлишган, мевасига умид боғлашган. Табиат ҳам уларни ноумид қилмаган. Мен таниган боғбонларнинг кўпи узоқ умр кўришган. Етмиш саксон ёшда эккан кўчатлари мевасидан ҳам totishgan.

Мен боғбонлар ичida ҳаётдан нолийдиганларини учратмадим. Тушкунлик кайфияти уларга бегона:

Тушкунлик хос эмас боғбон аҳлига,
Бундай қора ҳаёл бошқаларга хос.
Ҳар кимнинг тилаги ўзига йўлдош,
Бу сўзда ҳикмат кўп, унга қулоқ ос!

1988

ОДОБСИЗ

Беморхонада даволанаяпмиз. Кунда барвақт очиладиган матбуот дўкони олдида одам ҳамиша гавжум. Барча навбати билан ўзи хоҳлаган рўзнома ва жаридани олиб чиқади. Мени навбатим келганида собиқда каттароқ амалдорлардан бўлса керак, басавлат бир киши виқор билан келдида, ҳеч кимни писанд қилмай пештахта устидан «Известия» газетасини қўлига олди. Газетанинг охирги нусҳаси экан, менга қолмади.

— Навбат билан беринг-да,— дедим менга рўзномалар тахлаётган сотувчига.

У ҳалиги одам қўлидаги «Известия»ни ҳам олиб менинг рўзномаларимга қўшди. Виқорли киши бир хил бўлиб, кўз ўнгимда чўкиб қолди. Мен бунга чидомай сотувчига:

— «Известия»ни шул кишига бера қолинг, менга керак эмас,— дедимда бошқаларини олиб чиқдим.

Мени кутиб турган ҳамхона шеригим:

— Нега ундай қилдингиз? — деб қолди.

— Чунки бу рўзномага мендан кўра унда эҳтиёж кўпроқ кўринади, ўқиб, зора одоби ошса,— дедим.

Иккимиз қулишдик.

«Иzzойи мўмин жаром» деганлар эскилар, одамни изза қилиш яхшимас, деб қўшиб қўйдим:

Одамни изза қилмоқ яхшимас, аммо,
Одобсизлик бошга балодир, бало!
Ҳаётда кўп кўрдим одобсиз киши,
Ўзин ўзи изза қилур доимо.

1988

ОДАМНИ АМАЛ БУЗАР ЭКАН...

Афанди қози экан ундан:

— Афандим, нечта дўстингиз бор? — деб сўраганларида у:

— Қозилиқдан тушганимдан кейин айтаман,— деган экан.

Мен ҳам ёшим пенсия ёшига етиб, амалимни топширдим.

Шогирдларимнинг кўпчилиги самимий чиқди, аммо баъзиларининг тубан табиати ҳам юзага чиқди. Уларни мен икки грухга тақсим қилдим. Бир грух илмга бино қўйганлари — уларни ҳатто баланд-баланд илмий даражаларга ноил бўлганлари ҳам самимий муносбатларини жиндек ўзгартирганлари йўқ.

Иккинчи грухи — амал кетидан кетганлари ёки олим бўламан деб чала мулло бўлиб қолганлари орасида эса юзсизлари, маккор ва мунофиқлари ҳам кўриниб қолди.

Одамийлик — амал сув билан олов,
Иккисин бир жойда кўрганми биров.
Кўтарилган сайин совуқлик ошиб,
Одамлик гулига ёғдирар қиоров.

1988

МАКР ВА МУҲАББАТ

Элда танилган туппа-тузуқ бир ҳамкорим менинг китобларимга муҳаббат изҳор қилди ва дўстлик шевасини илгари сурди. Кўп йиллар мен унинг муҳлислик даъвосига бовар қилдим ва адабиётга бўлган ҳавасини чин деб билдим. Лекин унинг бошқаларга нисбатан дағаллиги ва мунофиқлигини кузатир эканман, ҳайрат бармоғини тишладим. Дарҳақиқат у доғули, айёр ва маккор бир маҳлуқ экан, у адаб ва адабиётдан узоқ, унинг ҳар бир сўзи соғдил кишиларга тузоқ экан.

Макр ила муҳаббат ўт билан сувдир,
Уни қўшиб юрган мунофиқ, қувдир.
Муҳаббат босолмас ҳеч вақт макрни
Унинг муҳаббатин юракдан қувдир.

ЕР ҲАМ ТАНЛАБ ОЛАДИ

Маҳалламиизда тўрт оғайни бор эди, учи оламдан ўтиши. Улардан заҳар ва қаллоб, кекчи ва мунофиғи, ҳасадчи ва баҳили яшаб юрибди.

Ёшлигимда бир кампир қўшнимиз бўлар эди. У ҳар замонда:

— Оҳ, ер баччавоз, у ҳам танлаб олади,— деб қўяр эди.

Мен ойимлардан бу гап маъносини сўраганимда, ул киши ҳам бир уф тортиб деган эдилар:

— Зулфи кеннойининг (кампирни шундай аташар эди) сұхсурдек лобар бир қизи бор эди, бўйи етган маҳал уни ўлим олиб кетган. Шундан бери кунлари шундай оҳу надоматда ўтмоқда.

Ёмонни ҳатто ер хоҳламас экан,
Бу гапдан қалбимга санчилди тикан.
Инсон, ўзинг агар қилмасанг чора,
Дунё бичаверар яхшига кафан.

1988

ПАРВОНА ИНСОН

1988 йилнинг 24 январи. Уралогия соҳасида жумҳуриятизмизнинг етакчи олими, медицина фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Одилхон Мухторов уйида 30—40 киши йиғилишган. Уларнинг ҳам учдан бири хонанда ва созандалар.

Бу ажойиб одамоҳун шифокор мусиқага ўч ва шеърият шайдоси бўлиб, бундан бир неча кун илгари музиканинг инсонларни даволаш хусусиятлари ва мақомлар ҳақида ойнаи жаҳонда суҳбат ҳам ўтказган эди.

Бу кун унинг табаррук олтмиш ёшга тўлган куни. Уни табриклишга чин дилдан интилган, жарроҳ шифокор қўлидан нажот топганлар сонига етиб бўлмас... Аммо улар бехабар. Камтарин олим катта юбилей тантаналари ўтказишга розилик бермади. Уйда асосан қариндош уруғлар ва энг яқин дўстлар йиғилишган.

Одилхон ва рафиқалари Муқаддамхонлар тенгдошлар. Улар студентлик йиллари севишиб, бир-бирларига ғазаллар битишиб турмуш қуришган. Уларнинг самимий ширин ҳаётларига ҳамманинг ҳаваси келади. Мана ҳозир ҳам улар тоза очилган бир жуфт гулдек яшнаб ўлтиришибди. Мен кўпчиликнинг кайфиятини ифодалаб:

— Одилхон, сизга олтмиш эмас, унинг ярмини бериш мумкин, Муқаддамхон иккалангиз ёшингизни қўшиб олтмиш йиллик қилмоқдасизлар,— дедим ва қуидаги мисраларни ўқидим:

Одил Мухтор, қандай миш-миш?
Гүё сизга олтмиш эмиш!
Пичогингиз ҳали кескир,
Файратингиз ундан ўткир,
Инсонларга соглиқ бериб,
Соглиқ — вақтичоглиқ бериб,
Олқиши олган паҳлавонсиз,
Ҳам кекса, ҳам навқиронсиз.
Куй шайдоси, қувноқ ёшсиз,
Олтмиш эмас, икки ўттиз.
Яхшиликка завол йўқдир,
Икки олтмиш яшанг, доктор.

Аммо минг афсуски шодлигимиз узоққа чўзилмади. Мазкур йилнинг баҳорида шум хабар келиб қолди. Бутун умрини одамлар ташвишига бағишилаган, әлга зарур шифокор Одил Мухтор ўғли иш куни охирида тўсатдан вафот өтган эди.

Юзлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга қурби етган моҳир қўллар эндиликда жонсиз чўзилиб ётарди. Ҳаёт ошиғи, шеъру муҳаббат шайдоси энди юмшоқ табассум ила лол ётарди.

Мен тепасида нолон турар әканман Абдураҳмон Жомий хазратларининг қуидаги қитъаларини кўнглимдан ўтказиб бу оғир жудоликка таскин излар эдим:

Едингдами ўшал сен туғилган кун,
Барча хандон әди, сен эса гирён.
Шундай яшагилки, кетар чоғингда,
Барча гирён қолсин, сен эса хандон.

Оlamda қиёмат қўпди, кўча куйга одам сифищмай кетди.
Неча қунгача унинг эшиги томон одамлар оқими тинмади.

Мен аламимни қаламдан олиб икки марсия ёздим. Улардан бири — қабри тепасида ёзилган мувашшаҳда унинг қиёфасини гавдалантироқчи бўлдим:

Осуда ётинг, эй жонона Инсон,
Доим одамларга парвона Инсон.
Инсонга фидойи мардона Инсон,
Лайлутул қадрдек афсона Инсон.
Хаста одамларга дармона Инсон,
Одобу илмда дурдона Инсон,
Нур истаб келамиз бунда, Одилхон,
Кўнгиллар вайронга, диллар нигорон.

1988

ТАҚРИЗ

Абдулла Орифнинг «Йиллар армони» китобини ўқиб, ҳайратдан бармоқ тишлаб, сўнги саҳифасига қуидаги тўртлик — тақризни ёзиб қўйган эдим:

Инижоним, сўзинг мунчалар дилтанг,
Шеърингдан қалбимга чўкти чўнг харсанг.
Навқирон ҳаётдан хориб, иолибсан,
Азизим, не бўлур тўқсонга кирсанг?!

Орадан 1—2 йил ўтди. Ошкоралик авжига минган сайин баъзиларнинг ҳақиқий башараси ҳам, бизнинг кўзимиз ҳам очила борди.

Шу кунлардан бирида Абдулланинг бир шеъри газетада чиқиб қолди:

Шундайлар бор, сенга лутф айлаб,
Дўстман дея қўлинг тутарлар.
Лекин ҳар зум қадаминг пойлаб,
Хато қилишингни кутарлар.

Ахтарурлар ҳамиша иллат,
Етти пуштинг гўрин титарлар,
Фақат унма, улгайма фақат,
Хато қилишингни кутарлар...

Бу мисраларни ўқиб мен Абдулланинг зийраклиги ва тийраклигига, зукколиги ва донолигига тан бердим ва тўртлик ўрнига бир байт тақриз ёзиб қўйдим:

Навқирон ҳаётда хориб толибсан,
Менинг дилимни ҳам оча олибсан.

1988

ОДАМ ИККИ ХИЛ

Кўп йиллик кузатувларим оқибатида одамларни икки гуруҳга ажратдим: бири билиму, ҳунар истеъододи, унинг нафсини қондиришга қодир, нафси ўлик. Ундаилар ўз ҳунари кетидан шайдо.

Иккинчи гуруҳ нафсини қондиролмай доим нафс ташвишида, ҳар бир иш шу эҳтиёж тақазоси билан қилинади.

Мен ана шулар ҳақида бир дўстимга сўзлаганимда, у:

— Нафси тўйса ҳам, кўзи тўймаслари ҳам борку,— деди.

— Мен ундаиларни одам ҳисобига қўшаётганим йўқ. Улар ҳайвондан ҳам тубан, чунки ҳайвон ҳам ўз нафсини қондиргач, йиртқичликдан тўхтайди:

Нафс балоси ўт балосидир,
Қўйиб берсанг ҳамма ёқ ёнар.
Баъзиларнинг нафси шундайки,
Фақат гўрга кирганда қонар.

1988

КЕЧИККАН ЭЗГУЛИК

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1988 йил бешинчи январь сонидаги «Ичкилик иллатлари» мақоласида «Кўп ичилик ичадиган ва ҳатто бу ярамас одатни ташлаган кишиларда кексаликка хос эси пастлик анча барвақт пайдо бўлади. Чамаси алкоголнинг бош мияда йигилиши натижасида ҳужайралар анча тезроқ емирилади, шунинг учун ҳам ақлий қобилият анча барвақт инқизозга учрайди», деган гапларни ўқиб бир воқеа эсимга келди.

Бир ҳамкасбимиз ичкиликка рўжу қилди. Эндигина фан оламига кириб, номзод бўлган, илмга қобилияти борлигини кўрсатаётган эди. Аммо жарга қулай бошлади...

Мен унга қаттиққўллик кўрсатиб, мажбурий даволанишга кўндиридим. Тузалиб, ичкиликни бутунлай ташлади, ишлари ҳам юришиб кетди... Бир куни у менга даъво қилиб деди:

- Мен сендан ҳафаман...
- Нега энди?
- Шу ишингни уч-тўрт йил илгарироқ қилсанг бўлмасмиди?!
- Эзгуликнинг кечи йўқ, оғайни,— дедимда, ҳазилга йўйиб кетдим.

Орадан бир неча йил ўтиб, унинг хулқ-авторини яқиндан кузатишга тўғри келди. Унинг мияси анча айниб қолганлиги, гапларида мантиқ озлиги, айниқса мажлислардаги сафсатабозлиги ҳамманинг ғашига текканлигини кўриб, эзгуликнинг ҳам ўз вақтида бўлгани яхши экан деган холосага келдим.

Ича, ич, оқибат ёмон бўлгуси,
Жигар қон, гул ёноқ сомон бўлгуси.
Заҳардан тўқилган гўза баргидек,
Мия ҳужайралар ҳазон бўлгуси.

1988

ДЕМАГОГ

Хазрати мавлавий Жалолидин Румий шундай бир кишини таърифини берадилар:

Қуш учар осмонда, ерда беназир
Сояси қушдек учарди қирма-қир.
Бир ақлсиз сояни қуш англабон,
Чопди эс-ҳушдан кечиб аланглабон.
Сояга хўп узди ўқ, ҳоли садоқ,
Ўқи бирла умри ҳам бўлди адoқ.
Умр ўқин ҳам сояга сарф этди ул,
Соядек бенаф жаҳондин кетди ул.

Менинг назаримда ҳаётнинг асл маъносини тушунмай, қуруқ сўз кайфи билан умрини зое кетказиб юргувчи демагогларни ҳам шу масал қаҳрамони қаторига қўшмоқ керак.

Минбарга ўт қўйиб юргандан кўра,
Стулга кет қўйиб ўйлаб кўр, жўра,
Сояга ишониб дунёдан ўтма,
Афсус надоматда ҳаётдан кетма.

1988

ДАЛДА

Ака-укалари бирин-кетин бандаликни бажо келтирган бир киши ўзидан хавотир олиб:

— Отамиз ҳам ёш кетганлар... — деб афсусланиб гапира бошлаган эди, мен унга «далда» бергандек бўлиб дедим:

Сен юзга кирасан, қўрқма биродар,
Чунки сенга харом-хариш баробар.
Уни ажратмоқча тамиз керак-да,
Бетамизлар узоқ яшар дейишар.

1989

МУЗЕЙ ВА ҲАЁ

Бир шогирдим бор эди, кўп миннатдорчилликлар изҳор этар, ҳатто ташаккурини ифодалашга тиришиб хатлар ташлаб кетар эди... Йиллар ўтиб, мен пенсияга чиққанимдан кейин унинг рафтори ўзгариб қолди, вафосизлик шевасини танлаб олди.

Бир куни қофозларим орасидан унинг бир мактубини топиб олдим. Хат шогирдим ишдан қувилаётган бир вақтда мен уни сақлаб қолганлигим ҳақида бўлиб унда: «Фақат сиз мени тушуна олдингиз ва тўғри йўлга солдингиз, то дунёда бормен, сиздан миннатдормен», мазмунидаги сўзлар ёзилган эди.

Мавриди келиб, суҳбат орасида инсон яхши-ёмон кунини унутмаслиги кераклигини, ҳаётнинг синовларига тик туриб бериши кераклигини, инсон ҳам, ҳаёт ҳам ҳамиша бирдек турмаслигини айтиб, ўша хатни мисол қилиб келтирдим.

Эндиликда ўзини катта олим ҳисоблаб гердайиб кетган шогирдим ўйлаб нетиб турмай:

— Ҳа, уни музейингизга қўйишар,— деди.

Назаримда бу сўзлар билан у бутун ор-номуси, ҳаё ва виждонини музейга топшириб юборгандек бўлди.

Илминг бўлса ҳам мисоли қомус,
Музейга топширилмасин ор-номус.

1989

ХОФИЗ ШАРОФАТИ

1965 йилнинг ноябри. Марказқўмда Саид Шермуҳамедов бошлиқ жумҳуриятда таржимачилик ишларини мувофиқлаштириш комиссияси мажлисида иштирок этар эдим. Менга мажлисдан сўнг Шараф Рашидов сизни кўрмоқчилар деган хабарни етказиши.

Мажлис тамом бўлиши биланоқ мен ул киши ҳузурига кирдим.

Мени қандайдир илиқ жилмайиш билан кутиб олдилар. Қўл сиқиб кўришгач, менга жой кўрсатдилар ва ўзлари ҳам ўтиридилар. Столлари устида менинг янгигина чиқсан «Хофиз Шерозий» китобим ётар эди.

— Бу китобни мен бир кечада ўқиб чиқдим,— дедилар китобга ишора қилиб.— Қизиқарли чиқиби.

Мен нима деяримни билмай қолдим.

— Қўп яхши ишлар қилаётисиз,— сўзда давом этдилар менинг ийманиб ўлтирганимни кўриб.— Бундан олдин ҳам Умар Ҳайём ҳақидаги китобингиз ва таржималарингизни ўқиган эдим.

Мен:

— Раҳмат, раҳмат,— деёлдим ҳалос. Ул киши телефонга қўй чўздилар ва қандайдир сонларни тера бошладилар. Телефондан овоз келди.

— Шомуҳамедовни танийсизми? — дедилар салом-алиқдан сўнг.— Бу киши яхши ишлар қилаётирлар, мана яқинда Хофиз Шерозий ҳақида китоблари чиқди. Ўқимишли, фойдали китоб. Бундай асарлар ҳақида мақолалар бериб турсанглар ёмон бўлmas эди.

— Раҳмат, Шараф ака, менга хизмат борми? — дедим мен.

— Сизга хизмат — шундай асарларни кўпроқ ёзиш, ҳалқимизга керак, ҳалқимиз буларга ташна, ҳозирги ёзувчилар ҳам Фирдавсий, Ҳофизларни чўқурроқ билишлари керак. Мен китобингиз билан табриклаш учун сизни кўрмоқчи бўлган эдим. Ишларингизга муваффақият.

Мен яна миннатдорчилик билдириб ўрнимдан турдим. Шу пайт бирдан миямга кўпдан ўйлаб юрганим бир фикр келди:

— Шароф ака, бир илтимос,— дедим.

— Ўтилинг, ўтилинг, марҳамат,— дедилар.

— Шарқ классиклари кутубхонасини нашр этсак. Унга араб, форс, ҳинд, хитой ва бошқа адабиёт намояндаларидан шундай шоирларни киритсакки, уни ўқиган китобхон шу адабиётлардан баҳраманд бўлса.

Ул кишининг кўзларида ажиб қулгу, юзларида самимий севинч нури пайдо бўлди:

— Бу сизнинг илтимос эмас, бу бизнинг илтимос,—

дедилар,— бу ишга киришинг, барча адабиётчи олимларни жалб қилинг, керак бўлса қарор ҳам чиқариб берамиз.

Мен жуда мамнун хайрлашиб чиқиб кетдим.

Орадан бир-икки ҳафта ўтар-ўтмас «Совет Ўзбекистони» рўзномасида Шарқшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Шарқ шеъриятининг машъаллари» деган каттагина мақоласи босилиб чиқди. Унда менинг Абдураҳмон Жомий, (1963), Саъдий Шерозий (1964), Ҳофиз Шерозий (1965) китобларим ҳақида сўз юритилар эди.

Жумҳуриятимиз раҳбарининг менинг ижодимга нисбатан бундай эътибор ва илтифоти, унинг олижаноблиги қалбимда сўнмас буюк эҳтиром ва буюк ижодий қудрат қўзғаган эди.

Ҳофиз шарофати туфайли топган бу эътибордан мен ниҳоят даражада руҳланиб яна севимли ишимга шўнғиб кетдим. Яна мақолалар, таржималар эълон қилдим, китобларим чиқди.

1970 йилнинг биринчи сентябрь куни эрта билан факультетда ўқишни бошлаб бергач, ректоратга йўл олдим. Дорилфунунга яқинлашар эканман не кўз билан кўрайки ичкаридан Шараф Рашидов билан бир неча марказқўм аъзолари ва дорилфунун раҳбарияти чиқиб келишар эди.

Мен таққа тўхтаб ўзимни четга олдим. Аммо шу пайт менга кўзлари тушган Шараф Рашидов:

— Ҳа, домла,— дедилар-да менга қараб юра бошладилар. Мен бориб салом бердим ва узатган қўлларини олдим. Машиналаригача мен билан гаплашиб, бордилар. Яна китобларим ҳақида гапириб:

— Мен сизнинг барча асарларингизни қизиқиб ўқиб бораман. Давом эттиринг, сизга муваффақият,— деб хайрлашдилар.

Инсонга буюк куч — меҳру таважжуҳ,

Кичик илтифотдан кўнгил тог бўлур.

Ижодкорга эса, ўн ва юз чандои,

Унинг ижод боги тўкин бог бўлур.

1989

ТАВАЖЖУҲ

Бир куни марказқўмдан Барот Бойқобилов телефон қилиб деди:

— Шоислом ака, сизга бир хат бор, сизни қайдан тонсам бўлади?

— Ўзим бораман.

— Йўқ, буни сизга ўзим олиб бориб топширишим керак, топшириқ шундай бўлган.

Эртасига идорада учрашдик.

— Мана буни сизга юбордилар, ўзлари съездга кетдилар,— деди Баротжон менга бир конверт узатиб.

Унда Шараф Рашидовнинг ўз қўллари билан ёзилган икки варақли хат бор эди: «Ҳурматли дўстим Шоислом Шомуҳамедовга,— дейилган эди унда,—

23 январь мен учун энг қувончли кун бўлди. Шу куни мен «Шоҳнома» — нинг мўътабар сатрларини ўзбек тилида ўқишига мұяссар бўлдим. Бундан 35 йил бурун жаҳон поэзиясининг чўққиси бўлган бу нодир асарни форс тилида ўқиган эдим. Сўнгра 1973 йилда уни рус тилида ўқидим ва битмас-туганмас баҳра олдим. Мана ўзбек тилида ўқишига ҳам мұяссар бўлдим.

Ун йиллар мобайнида сизнинг заҳматингиз тўғрисида эшитиб юрардим. Мана энди эшитган хабарларим тўғри бўлиб чиқди. Ҳалол меҳнатингиз учун минг бор ташаккур. Бундай шоҳ асарнинг таржимаси ҳар қандай ижод кишиси учун мураккаб имтиҳондир. Сиз бу мушкул имтиҳондан аъло ўтдингиз. Балли!

Мен сизга чин дилдан сиҳат-саломатлик, янгидан-янги ижодий зафар, баҳт-саодат, севинч-қувонч тилайман. Адабиёт шайдосининг битмас-туганмас ҳурмати ва ташаккурини қабул қылғайсиз.

Эҳтиром билан Ш. Рашидов

28.1.76. ш.Тошкент

Мен уни ўқиб ажиб ҳолатга тушдим ва бир оз ҳаёлга толдим. Марказқўмдаги баъзи ўзларини менга яқин тутувчи ўртоқларга ўзим китоб юборган эдим. Улардан ҳатто «олдим, раҳмат» деган гапни ҳам эшитмадим.

Шараф акага эса, ҳаддим сиғиб китоб ҳам юбормаган эдим. У кишидаги бундай нозик кўнгиллик, инсонга бўлган меҳрумуҳаббат манъбанини Шарқ классиклари ижоди билан чуқур танишликларидан қидирдим:

Ҳеч ким кўтарилиб бўлоимас раҳбар,
Агар у бўлмаса раиятпарвар.

(Ҳусрав Деҳлавий)

Мухтоҷлик кўйида кўнгилни овла,
Юракка яқину маъқулни овла.
Бир дилча турмас юз лойхона Каъба,
Каъбада нима бор? Бир дилни овла.

(Умар Хайём)

1989

ТЕҲРОН ЧИРОЙЛИМИ, ТОШКЕНТ?

1976 йилнинг баҳори. Мен Эрондан Фирдавсий мукофотини олиб қайтдим. Барча газеталар, телевизор ва радио бу ҳақда халқа хабар беришди.

Энди мен Шараф Рашидовга ахборот бермасам бўлмас деган қарорга келдим ва қўнғироқ қилдим. Эртасига мени қабул қиласидиган бўлдилар.

Мен Эрондан олиб келган китобларимдан Фирдавсий «Шоҳнома»сини олиб бордим. Хоналарига кириб саломлашгач китобни қўлларига бердим. Китоб асл матн, унинг инглиз тилига таржимаси билан мусовий қилиб босилган, ҳар икки саҳифа орасида рангли суратлар билан безатилган эди. Китобни катта қизиқиш билан варақлаб чиқдилар-да:

— Шундай китобларни бизда ҳам чиқариш керак,— дедилар.

— Яхши бўларди,— дедим мен ва Эронда академик А. Пиатровский билан менга Фирдавсий мукофотини топшириш маросимлари ҳақида, Эрон бўйлаб ўн беш кунлик саёҳатимиз ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Сўзларимни әътибор ва мамнуният билан тинглаб «яхши, яхши» деб ўтиридилар-да сұхбатимиз охирида биргина савол бердилар:

— Текрон чиройлими, Тошкентми?

— Тошкент, албатта ўз шаҳримиз,— дедим мен шошиброқ ва бир оз ўйлаб қўшимча қилдим,— Текрон ҳозирги машиналарга тўрлик қилиб қолган. Уларнинг ўzlари ҳам уни «Катта гараж» дейдилар, Исфиҳонни «Катта мачит», Шерозни «Гуллар ва булбуллар шаҳри» деб аташар экан.

Жилмайиб кулиб қўйдилар. Хайрлашдик.

Йўлда қайтатуриб ўйланиб келдим: «Доим фикри-зикри Тошкентни обод қилиш, дунёнинг энг катта шаҳарлари қаторига кўтариш бўлган одамга унинг ҳизматларини ёд этиб, илиқроқ гаплар айтсан бўлармиди?! На чора унақа кўнгил топишларга ўрганмаганман-да. Тўғри сўзлик одат...»

Шунда Навоий хазратларининг бир байтлари дилимда айланана бошлади:

Табиатда ҳар неки, одат ўлур,
Чу эскирди одат табиат ўлур.

1989

ИККИ ҲУСН

*Ҳусн оздир кўпдир.
Зоҳиридан ботини хўпдир.*

1957 йилнинг ёзи. Узбекистон бадиий адабиёт нашриёти тузилмоқда эди. Унинг таркибида Шарқ ҳалқлари адабиёти бўлимини ташкил қилиш ва бошқариш каминага топширилди.

Бўлимга бир неча муҳаррирлар қатори кичик муҳаррир вазифасига котиба қиз ҳам олиш керак эди.

Мен Шарқ факультетини эндиғина битирган бир қизни танладим ва директоримиз Насрулло Охундийга:

— Эртага котиба қиз вазифасига одам келади,— дедим.

Эртасига соат ўнларда қизни директор хонасига олиб кирдим. Унда бош муҳаррир Шариф Толиб, бўлим бошлиқлари

Шукур Саъдулло, Мамарасул Бобоев, Ҳаким Назир, Илёс Муслим ва бошқалар ўлтиришар әди.

Улар котибаликка мен олиб кирган қизни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолишиди...

— Мана бу қиз..,— деб сўз бошладим мен,— Охундий эса, менинг тавсиямни ҳам әшитгиси келмай, сўзимни кесиб:

— Хўп, ишлайдиган сиз,— деди,— танлаганингиз шу бўлса, бўпти.

Мен қизни чиқариб юбордим.

— Шундай гўзаллар гулшанидан топганингиз шу бўлди-ми? — сўзини давом эттириди Охундий,— На қошининг тайини бор, на кўзининг. Биз эса Шоислом бир ҳури лиқони олиб келади деб, томошага йигилишиб ўтирибмиз.

Ҳамма кулиб юборди.

— Буни ишга танлаган әдим...— дедим мен ҳижолатда қолгандек. Чиқиб унинг ҳуснига разм солдим. Дарҳақиқат, худо ҳусн улашганида бу бечора бир бурчакда қолиб кетгандек, қош ўрнига тортилган ингичка кўмир изидан бўлак ҳеч нарса кўзга ташланмас әди.

Иш билан икки-уч ҳафта ўтар-ўтмас котиба қизимиз ўзининг хуш муомиласи, зийраклиги, чаққонлиги, саранжом-саришталиги билан бутун нашриёт ходимлари ва унга келувчи ёзувчилар дилини овлаб қўйди. Бора-бора директор ҳам энг нозик ишларга уни бот-бот чорлайдиган бўлди.

Мафтун этиб, жон олмаса «шаҳло» кўзларинг,
Идрокли бўл, мурдага жон берсин сўзларинг.

1990

ҚУРЬОН ТАРЖИМАСИ ТАРИХИДАН БИР ШИНГИЛ

Ҳозирги кунда диний маросимлар, диний китобларга оқилона муносибат кундан-кунга қанот ёйиб, куч-қудрат касб этмоқда. Пайғамбаримизнинг муборак «Хадис»лари ўзбек тилида чоп этилиб, кишилар жавонидангина әмас, улар дили-жонидан жой олмоқда. Қуръони карим таржима этилмоқда.

Мен булар ҳақида мамнуният билан ўйлар әканман, Қуръон таржимаси билан боғлиқ бир воқеа эсимга тушади.

1961 йил баҳорида Мисрнинг Қоҳира ва Искандария дорилфунунларининг ректорлари мөҳмон бўлиб келишиди. Ректоримиз — академик Обид Содиқов уларни мен деканлик қилаётган Шарқ факультетида қабул қилдилар.

Меҳмонларимизни диний масалалардан бошқа ҳеч нарса қизиқтирамади.

Обид Содиқов ректорларни менга топшириб ўзлари қайтиб кетдилар. Мен улар хохишини сўраганимда:

— Бизларни мачитга олиб боринг,— дейишиди.

Тошкентни сайр этишни ҳам исташмади. Жума куни эди. Мехмонхонага бориб, таҳорат олгач Ҳасти имом мачитига йўл одик. Мачитга келганимизда ҳали намозга бир соатдан мўлроқ вақт бор эди. Мачит ичида беш-олти кексалар ўлтиришар эди. Бизни кутиб олиб ичкарига таклиф этиши. Үнда дастурхон ёзиғлик экан. Чой ичиб гаплашиб ўлдирдик. Намоз пайти ҳам етиб келди. Бизни чорлашди. Биз чиққандা мачит биносигина эмас ҳовлиси ҳам одамларга лиқ тўлган эди. Мехмонларни имом орқасига, биринчи қаторга олиб кетиши. Мен ва арабшунос доцент Ҳакимов Иброҳимжон диний назорат кутубхонасида кутиб турдик. Катта хонанинг ўртасига Тошкентда янгигина чоп этилган қуръон китоблари уйиб тахлаб қўйилган эди.

Мен кутубхона ходимларига:

— Бу қуръондан меҳмонларга бериш керак,— дедим, чунки улар ҳаммага қуръон тақдим этган эдилар.

Менга бунинг учун Ўзбекистон Министрлар Совети диний масалалар бўлими бошлиғи Ширинбоевнинг рухсати кераклигини айтиши. Мен ул кишига телефон қилиб воқеани тушунтирдим. Рухсат бердилар. Шунда мен факультет кутубхонасига ҳам бир нусха сўрадим.

— Хўп, бир хат ёзиб юборинг — дедилар.

Мисрли ректорлар номоздан келиб:

— Ўзбекистонда мусулмончилик биз ўйлаганча йўқолиб кетмаган экан,— деб кўзларига ёш олиши. Биз уларга қуръоннинг Тошкент босмасини тортиқ қилдик. Улар бениҳоят мамнун бўлиб кетдилар.

Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас менга марказқўмдан телефон қилиб қолиши. Ўша вақтларда фан ва ўқув юртлари бўлими инструктори С. Қорабоев телефон қилар эди:

— Сизни бўлим бошлигининг муовини Осипова чақирдилар. Факультет партия бюроси секретари билан соат тўртларда етиб келар экансизлар.

— Нима масала билан? — дедим мен.

— Билолмадим, бир нарса сўраган экансиз...

Мен дарҳол гапнинг нимада эканлигини пайқадим. Янгигина босмадан чиқсан «Ҳақиқат излаб» деган рисоламни олдимда, партия бюроси секретари А. Соколовни чақирдим.

— Бизни марказқўмга чақиришибди, сен унда жим қулоқ солиб тургин,— дедим унга. Чунки унинг ўйламай гапириб қўйиб, эртасига кечирим сўраб юриш одати бор эди.

Марказқўмда Осипова хонасига кириб салом бердик.

— На что вам коран?!— деди у саломимизга алик ҳам олмасдан.

— Бизга керак. Биз шарқшунослармиз,— дедим мен,—

Унинг русча таржимаси ҳам чиқсан, ўқиб кўрсангиз бундай демаган бўлур эдингиз.

- Мен ўқиганман.
- Ўқимаган кўринасиз, арабшуносларимиз унинг тилини ҳам, мазмунини ҳам билишлари шарт. Мана нима учун бизга керак, — дедимда ёнимдаги китобчани унинг столи устига қўйдим.
- Бунда қуръондан кўчирмалар кўп,— дедим гапимни давом этдириб,— Сизлар қуръонни ҳаммадан яшириб, мұқадаслаштириб юрибсизлар, уни ўзбек тилига таржима қилиб кўп нусхада чиқариш керак. Барча соводхон одам ўқисин ва ақли етганча ёндашсин.

Шу вақт бўлим бошлиғи Фани Султонов кириб қолдилар.

- Ҳа, нима гап? — дедилар Фани ака, биз билан сўраша туриб.
- Вот они каран просят,— деди Осипова кескин овоз билан.
- Если просят дайте,— дедилар ниҳоят босиқлик билан оҳиста. Они же специалисты. Сўнг менга ўғирилиб дедилар:
- Менда уйда икки нусха, биттасини сизга олиб келиб бераман.

— Раҳмат, менинг ўзимда бор,— дедим мен,— Факультетга сўраган эдим. Китобчага кўзлари тушиб стол устидан олиб кўрдилар-да, Осиповага кўрсатиб:

- Мана кўрндингизми, буларга керак,— дедилар ва менга юзланиб,— Бу қачон чиқди?
- Энди чиқаётир.
- Менга бир нусха юборинг.
- Хўп бўлади.

Ул киши чиқиб кетдилар.

Осипова ўзбекчани ҳам сувдек ичар эди. Фани Султонов чиқиб кетганларидан кейин унинг гапи бутунлай ўзгариб қолди:

— Сизнинг қуръон таржимаси ҳақидаги таклифингиз жуда қизиқ,— деди у менга оҳиста,— Марказқўм секретарига кириб айтишингиз лозим.

— Мен ул кишига ақл ўргатиш учун киролмайман, сиз кириб, бунда бўлган гапларни айтинг, чақирсалар келаман,— дедимда чиқиб кетдим. Ул вақтда бундай ишни қилишга ҳеч кимда журъат етишмас эди. Шу — шу бу масала жим қолиб кетди.

Эзгулик ишга ҳам керакдир журъат,
Ҳар савобга лозим журъат ва суръат.
Журъатсиз амалдор бошга балодир,
Журъатсизлигидан топгани лаънат.

1990

ТЎЗИШ ВА ТУЗИШ

Қайта қуриш бошланди. Турғунлик даври иморати бузилиб адолат асосида тузилиши лозим. Аммо ҳозир тўзиш даври, тузиш даври келгунича кўпгина амалпаст, маккор сафсата-бозлар қалқиб чиқмоқдалар. Улар кам гап, иш билан банд кишиларга ёпишиб, уларни рўяч қилиб, ўзларини ишchan

кўрсатиб амалларга интилмоқдалар, ёки ўз амал курсиларини кўриқламоқдалар.

Замонанинг тўзгани
Отдан эшакнинг ўзгани.
Икки — уч сафсатабоз
Қулогимиз чўзгани.

1991

ХАЙЁМДАН ИККИ ОФИЗ СЎЗ

— Домла, сизга «Олтин юлдуз» бериш керак,— деб қолди бир шогирдим келиб.

— Нега энди, мендан кўра фидойироқлар ҳам бор,— дедим мен унга савол назари билан боқиб.

— Сиз ичкилиkbозлик ботқоғидан чиқориб, одам қилган кимса, мана энди «Халқлар дўстлиги» орденига мушарраф бўлибди...

— Мен ҳам халқлар дўстлиги учун қилган эдим бу савоб ишни:

Яхшилик қиласнер, ҳисоб не даркор,
Яхшиликдан бўлур инсонлик ошкор.
Умрингда қайси кун яхшилик қилсанг,
Шул кун кўнгил равшан, дил топур қарор.

Бу тўртлиқдан суҳбатдошим кўнгли таскин топмай, менга ҳайратомуз қараб деди:

— Мен ул киши ҳақида эмас, унга берганлар ҳақида...

Мен унинг сўзини бўлиб, Хайём рубоийларидан бирини ўқидим:

Яшамоқ мушкилдир, тириқ бу олам,
Хайёмдан икки сўз тингла, эй одам:
Заҳар бўлса ҳам ич, доно қўлидан,
Нокастадан олма асал бўлса ҳам.

1991

ЕТМИШ БЕШ КИТОБ

Бу кун ёзган, тузган, таржима қилган асарларимни ҳисоблаб чиқдим. Илмий ва илмий — оммабоп китоблар..., таржима китоблар..., бадиий китоблар... жаъми 75 китоб бўлибди. 70 ёшимга 75 китоб. Уларнинг умумий тиражи икки миллиондан ошиб кетибди.

Ватан ҳимоясидан қайтгач, ўқиши — ўрганиш ва саҳар туриб қилган меҳнатим маҳсулотига қараб ҳаётимдан рози бўлдим.

Менга халқим меҳри бўлди офтоб,
Етмишда ёзибман етмишбеш китоб.

Халқ олдида бурчим оқладай олдимми?
Вот масала қайда, юрак — бағрим об.

1991.

ҲАЁТИМДАН ЛАВҲАЛАР

Умр кўзнинг бир лаҳзаси ё киприкнинг
ларзаси,
Дунёда йўл юргувчининг энтикади нафаси.

(Шўта Руставели)

Мана энтика — энтика, югира — ела умр ҳам ўтиб кетибди.
Минг ташаккур Ёзувчи, журналист дўстлар, қариндош уруғлар,
шогирдлар ва мухлислар бу оддий воқеани тўй тантаналарига
айлантириб юбориши.

— Умр дегани азиз нарса ўтиб кетаётиру мен шодланайми,
тўй қилайми? — дедим.

— Ҳамма ҳам етмишга етавермайди, бунинг шукронасига
ҳар қанча хурсандчилик қилсанггиз арзийди, эл дуосини олган
одамсиз ҳали 80, 90, 100 ларни кўрасиз,— дейиши.

— Иншоолло,— дедимда рози бўлдим.

Бу сана муносибати билан «Шарқ шеърияти»га бағишлилан-
ган каттагина ва яхшигина кеча ҳам бўлди. Кечада менга
ҳам сўз бериши.

Ҳаяжонда нима ҳам дея олардим. Мен ўз рубойиларимга
мурожаат этдим ва турмушим лавҳаларини ифода этганларини
танлаб ўқиб бердим:

Ҳайрат билан оламга боқиб,
Тугилгандим йиглаб, тутоқиб.
Кечир, Ватан, баҳт сенда экан
Изгимадим истаб улоқиб.

Навоий, номингдан дилшод бўлсам бас,
Едингдан дилшоду обод бўлсам бас.
Ҳунарингга мұхлис муридинг бўлиб,
Меҳнат, мұхаббатда Фарҳод бўлсам бас.

Ақлга қарасанг, ичиб бўлмайди,
Ақл билан иссанг, кўнгил тўлмайди.
Исанг тўйиб ичгил, севсанг ўлиб сев,
Фақат шунда ҳаёт завқи сўлмайди.

Бефойда ўтаркан бир дам қирқилсин,
Ҳар орзу, ҳар нафас — ул ҳам қирқилсин.
Агар қўйилмаса ҳалқ хизматига,
Қадаммас ундейин қадам қирқилсин.

Тонг саҳарда икки ўзбек нақ Берлинда юрибмиз,
Кўчаларда анқайибмас, голиб бўлиб турибмиз.
Бир кичкина косиб ўғли — «олий ирқ» холаскори,
Деган буюк бир ном билан чўнг тарихга кирибмиз.

Бирдан қанот қасб этса юрак,
Бутун олам гул ёзса бирдак.
Қуёш фақат сенга сочса нур,
Илк муҳаббат келгани демак.

Дедим юлдузларни олиб берайми,
Е қуёшга номинг олиб борайми?
Дединг: Қуёш бўлсин сенинг кўксингда,
Сўнг менга бари бир Юлдузми, ойми.

Куйинма юзларинг ажинин кўриб,
Қараймен уларга мен тўйиб — тўйиб.
Бирида ўғлимнинг шўх ўйноқлаши,
Биридан қизгинам қарап соч ўриб.

Бахтиёр десалар арзир отимни,
Келтирайин бунга қўш исботимни:
Кўкракдан ўқ едим, ўлмайин қолдим,
Муҳаббатда топдим чин Ҳаётимни.

Ерга эгил агар осмон бўлсанг ҳам,
Соҳилдан чиқмагил уммон бўлсанг ҳам.
Инсонлик шарафин урмагил ерга,
Инсон бўл, амалда чандон бўлсанг ҳам.

Дўст қидириб янгишган замон,
Азобланди, қийналди виждон.
Аммо шундан мамнундир дилим:
Виждон бўлди чин дўстим ҳар он.

Одам борки мисоли булбул,
Қўнтар жойи яшнаб турган гул,
Одам борки, бир хира пашша,
Яра узра қўнади нуқул.

Амал мисли фоҳиша-танноз,
Қуввлғиндан қочар қилиб ноз.
Қувламасанг ёпишар ўзи,
Аммо унда вафо жуда оз.

Шогирдлар ҳам мисли болалар,
Бор — йўғингни сендан олалар.
Баъзилари кўкка кўтарса,
Баъзилари лойга қоралар.

Тупирмоқ лозим бўлди бир мунофиқ юзига,
Дилда шул ният билан тик қарадим кўзига.
Аммо бу улуг ишнинг уддасидан чиқмадим,
Ор, номус, юз йўқ әди, айтолмадим ўзига.

Бошимда ёвларим әзади мани,
Сочга оқ ўрлади — ёшлик душмани.
Душман бошда бўлса нақадар даҳшат,
Кўпая борсалар чораси қани?!?

Арзир — арзимасга чекиб оҳу воҳ,
Бир қуни кўз юмиб кетамиз, ногоҳ.
Тукимизгча турмас бир темир — терсак,
Биздан сўнг минг йиллар қолади э воҳ!
Кимлигимиз агар ҳаёл қиласак биз,
Идрок осмонида бир учар юлдуз.
Зулматдан зулматга ўтамиз зумда,
Шу зумдан қолади хира.., ёрқин из.
Эй инсон етишсанг жон чиқар чоққа,
Ўйлама, киурурсан қора тупроққа.
Минг — минглаб сендеклар ётишар унда,
Ўшалар сени ҳам олар қучоққа.

Ҳаёт шундай хатто қуёши
Авжга миниб, сўнг ерга ботар.
Ҳеч томмасин кўзларинг ёши,
Бунда не — не қуёшлар ётар.

Халқим меҳри менга бўлди о офтоб,
Етмишимида ёздим етмишбеш китоб.
Адо этолдимми инсоний бурчим?
Вот масала қайд! Юрак — бағрим об!
Қалам олур аламни,
Балки бутун оламни.
Қаламда кўп мұъжиза,
Қўлдан қўймам қалами!

1991

БОЙЛИК ЭМАС, НОМУС БЎЛСИН

Ҳозирги кунда никоҳдан олдин иффату номусини йўқотиб қўяётган «қиз»лар кўпайиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги пулга тузоқ қўйиб бойлик кетидан югириб, бола тарбиясини унуглан оиласалардаги тантиқчалардан чиқмоқда.

Бой бўлдим, деб ҳаддингиздан ошиб оқманг,
Ақлсизлик қулогига сирға тақманг.

Қиз болада иффат бўлсин, номус бўлсин,
Қиз болада ҳаё бўлсин, чўчқа боқманг.

1992

АКАДЕМИК ОБИД ОКАМИЗ

(«Ишонч» рўзномаси илтимоси билан ёзилган.
Қисқартириб олинди.)

Мен дорилфунунда ўттиз йилча раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган бўлсам, шу давр мобайнида беш — олти ректор билан ишлашга тўғри келди. Уларнинг ҳаммалари ҳам уришдан кейинги оғир йилларда дорилфунун қаддини ростлаш, уни кенгайтириш, моддий ва маънавий қиёфасини расоликка, камолотга етказиш учун қўлларидан келганча курашдилар. Ректорларнинг иш услублари ҳар хил, маънавиятлари турли даражада эди. Улар орасида ташкилотчилик кўчасидан ўтмаган, ҳалқ таъбири билан айтганда «икки бузоқса пичан айироммайдиган», бутун ишни муовинлари елкасига ортиб ўзи ялло қилиб юрадиганлари ва аксинча ҳеч кимга ишонмай, барча ишни ўзим қиласман деб, лекин удасидан чиқолмай, тажанг бўлиб хизматчиларнига заҳар сочиб юрувчилари ҳам бор эди. Бундайлар ҳақида ҳалқимиз: «Мулла Ҳасаннинг тиними йўқ, қилган ишининг унуми йўқ» дейди.

Мен сўз юритмоқчи бўлган ректор бу икки тоифага кирмас, ижисидаги ижобий фазилатларни ситеz қилолган, яъний ўзида муҳассасамлантиrolган одам эди. Давлат арбоби эди. Аввало бу киши жуда хушфеъл одам эдилар. Унинг доимий табассуми ҳаммага манзур бўларди. Кўча — кўйда дуч келиб қолсангиз ҳам ишхонада учрашсангиз ҳам ҳамиша илиқ табассум билан ҳамни қарши оларди. Қўл остидагилардан биронтаси бирон ўзин иш қилиб қўйган — тақдирда ҳам тажанг бўлмас, ҳамни билан енгар эди. Кўпларга шу кулгининг ўзи етарли ғўзлар. Энг қаттиқ танбеҳдан ҳам ўтиб кетар эди. Кўлги тўғри келтигайтиш қийин бўлган гапни ҳам хазил, асқия йўли билан ҳамни олиш имконини берарди. Масалалар муҳокамасида жиддик ғаюракдан сўзлар, аммо шу орада кимдир бир бемаъни ғаюракни ғўзлардек жаҳлдан ловуллаб ёниб кетмас, нодон устидан ҳамни кулиб юборар эди. Хатто гапирган одам ҳам ўз хатоси-ни ғарбул тушуниб изза бўларди. Чунки бу кулги мерганинг ўзидек ишонга тегар ва ўткир зеҳн, сергак фаҳму фаросат ғижги воқеанинг туб моҳиятини очиб ташлар эди.

Ҳаммиша яшиаб кулиб турувчи, завқу шавқли бу қувноқ ишни, энг қадимий ва энг сеҳргар фан — кимё илмининг дарзикелдаги йирик арбобларидан бири Обид Содиқов эдилар.

Ўз кишининг илмий ва ташкилотчилик қобилияtlари

халқынан маълум, юзлаб, минглаб шогирдлари қалбидан офтобдек ёрҳин чеҳралари доимо нур сочиб туради. Бу олижаноб одамнинг эл – юртимиз олдидағи хизматлари тан олинган, мартабалари юксак, унвонлари улуғ эди.

Мен ул киши билан бир вақтлар бирга ишлаш, оиласвий борди – келди қилиш ва умуман шундай олий жаноб одам, буюк олимга замондош бўлиш шарафига мұясср бўлганимдан хурсандман. Чунки ул кишининг жозиба кучи аввало чин инсоний фазилатларида эди. Обид ока мунофиқликни билмайдиган, виждони соғ, покиза одам эди. Ул кишининг қувноқ чеҳра билан шодон юришларини кўрган кишилар уни бепарво, беташвиш бир одам деб ўйлашлари ҳам мумкин эди. Ҳар бир муваффақият, ҳар бир ихтиро оғир меҳнат, тинимсиз изланышлар эвазига қўлга киритилсада, Обид ока ҳар қандай вазиятда ҳам одамларни очиқ чеҳра билан қарши олар эдилар. Бу қувноқлик ҳаётни хайёмана қабул қилиш, хайёмана фалсафий мушоҳада натижаси эди.

Обид ока бир муаммони хал қилиш устида иш олиб бораётган бўлсалар, кеча – кундуз баробар шу масала устида бош қотириб, ниҳасига етказмагунча тинчимайдирган илм заҳматкаши эди.

Бир куни менга:

– Шоислом, Умар Хайёмни хўп бизларга тортиқ қилдингизда, – дедилар. – Мен хайратланиб сўзларига қулоқ солиб турган эдим, яна:

– Мен энди уйқу дорисидан ҳам воз кечдим, – дедилар хаҳолаб кулиб, – кечқурун хориб толиб бош оғриғи билан ишдан келаман, айниқса узундан-узоқ, бемаъни мажлисларда бўлган кунларим... бир оз тамаддидан кейин ўзимни ўринга таппа ташлайман. Бошимда сиз тақдим этган китоб – Умар Ҳайём рубойилари туради. Қундузхон опангиз келиб, беш – олти рубойини ўқиб берса бўлди бош оғриғи ҳам қолади, ўзим ҳам тинчланиб уйқуга кетаман, – дедилар-да, Ҳайёмдан икки-уч рубойи ўқидилар.

Мен ажойиб янгамиз Қундузхон опани эсламай ўтолмайман. Обид аканинг шундай улуғ олим бўлиб етишишида яхши оиласада ўсиб тарбия кўрган, кўнгли очиқ, ширин суҳан, меҳри – дарё, азиз ва мўътабар бўлган раҳматли онахоннинг тутган ўрни жуда муҳим эди. Қундузхон Юсупова дорилфуннининг биология куллиётидаги кўп йиллар муаллимлиқ қилгандар. Улар биргаликда яхши фарзандларни тарбиялаб вояга етказдилар. Қизлари Комила Содиқова ҳам муаллима, биология фанлари номзоди. Үғиллари Алишер Содиқов кимёгар, фан доктори. Дадасининг номига қўйилган кимё-биорганика институтида ишлайди. Улуғбек Содиқов ҳам фан номзоди. Ҳуқуқ – фалсафа институтида ишлайди.

Обид ака ўн икки бармоқли ичак яраси касалига учраб

қолдилар, у киши касалхоналарда ётиб тузалиб чиқди. Ким табиб — бошидан ўтган табиб деганидек, бу касалнинг энг билагон табибларидан бўлиб ҳам олдилар. Бу касаллик каминанинг бошидан ҳам ўтган эди. Обид ака шундан кейин зийраклик ва меҳрибонлик билан менинг ҳам холимдан хабар олиб турадиган бўлдилар. Қачон кўришсак, аввало «қорин қалай?» деб сўраб қўяр эдилар.

Бир куни мажлисда узоқ ўлтириб қолдик, чўнтакларидан кичиккина бир қофоз халтacha чиқариб, ичидан бир нарса олиб менга узатдилар ва:

— Мана буни енг, харна дармон бўлади,— дедилар ва қўшиб қўйдилар,— меъда касаллигини қўзитувчи нарса — бу ўз вақтида овқат емасликдир.

Обид аканинг менга узатгандари уйда қуритилган қўлбола қурт эди. Менга у киши ичак ярасини бодом ёғи билан даволаш йўлини ҳам айтган эдилар.

Бир гал Обид ака ректор мен декан бўлган пайтлар Москвадан бирга сафардан қайтар эдик. Учувчи ва командирлар Обид акани таниб, елиб-югуриб қўярда-қўймай биринчи қаторга ўтказишиди. Бизнинг паттамиз учинчи қаторда эди, жой эгалари чиқишганда уларни ҳам ширинсуханлик билан учинчи қаторга ўтказишиди. Обид ака билан одатлари бўйича ҳазил— асия қилиб, кулишиб ўлтирас эдик. Самолёт ҳавога кўтарилиши билан жойи алмашганлардан бири бизга эшиттириб:

— Менинг жойимни нега уларга беришиди, мен ҳам одам... — дея вайсай бошлади. Шунда Обид акани биринчи бора ҳафа ҳолда кўрдим. Ҳазил ҳам, қувноқлик ҳам барҳам топди. Юзларидаги нур ҳам сўниб қолгандек бўлди.

— Нечун шунинг ўрнига ўлти́рдик, ўз жойимиз бор эдику,— дедилар. У киши калондимоғлик хисса бўлмагани каби бошқаларни мэнсимаслик фикридан ҳам жуда узоқ эдилар. Вайсақилиқ қилаётган хотинда эса ўзидан улуғроқ ёшдаги кишиларга ҳурмат ҳисса йўқ эди. Шўндан сўнг гапимиз ҳам қовушмади, кела келганимизча сукутда ўзларини анча беҳаловт сезиб келдилар.

1976 йил март ойи. Мен Эронга бориб Фирдавсий мукофотини олиб қайтиб келаётган эдим. Москвадан поездда қайтадиган бўлдик. Вагонга чиққанимизда не шодликки, ёнимиздаги хонага партия қурултойидан келаётган Обид ока яқин укалари Собитхон билан бирга жойлашишган экан. Мен бир оз шомоллоган эдим. Мусо Жалил таъбири билан айтганда: «Бурун тубсиз қудуқ, каби сув тўкар» эди.

— Собитхон,— дедилар Обид ока бу аҳволни кўриб,— Лауреатни Тошкентга бундай олиб бориб бўлмайди, уни дарҳол тузатиш керак.

— Албатта,— деди чаққон ва жонкуяр йигит Собитхон. Хонасига кириб бир халтадан исириқ чиқориб проводниклар

хонасига борди-да хокандозда тутатиб олиб келди. Мени хонамга қамаб исириқ солди, купени қуюқ тутунга тўлдирди. Исириқ уруғини иссиқ сувда дамлаб, томоқ чаядиган дори ҳам қилиб берди. Тумов икки кунда оппон-соппон кўтарилиб кетти. Тошкент вокзалига бу касални кўрмагандек бўлиб тушдим. Сафаримиз эса хайёмхонлик, латифагўйлик, пирра ва шаҳмат ўйини, ҳазил — мутойиба билан жуда мароқли ўтди.

Қачон шундай вазият туғилиб қолса Обид ока чўнтақдан карта чиқориб, беғубор ўзбек ўйини пиррани бошлаб юборар эдилар, гийбат гапларга жой қолмасди.

Обид ока СССР фанлар академиясининг муҳбир аъзоси этиб сайланганларида мен Чехославакияда Карлови вари шифохоналарида бирида даволанар эдим. У кишининг қувонгандарни «яшант, яшант» дейдиган одатлари бор эди. Мен бу хушхабарни әшитиб сопини ўзларидан чиқориб: «Яшант! Фахримиз, Фахру ифтихоримиз, шону шуҳратимиз бўлиб яшайверинг, Обид ока!» деган табрикнома юбордим. Аммо ўлим ҳеч кимни аямас экан... Афсус.

Ҳаёлимда бу воқеалар худди кечагина бўлиб ўтганга ўхшайди... Обид ока эрта тонгдан яна ўз ишхонасига, навбатдаги эзгу ишлари томон шошилаётгандек туйилаверади...

Ҳа, Обид Содиқов ўзбек халқининг камтарин, камсуқум, фидоий фарзандларидан эдилар. У киши ўзи каби хушфеъл, ширинсухан, одамохун кишилар қалбида мангур ҳайкал қўйиб колдилар. Ул кишининг кўп ишлари ёшларга ибрат бўлиб қолди.

Ақл ўрган, сен, нокасу касга қараб,
Доно кекса ёки ёш чапдастга қараб.
Аммо кўпрак кексаларга қўнгил боғла,
Сув оқади юқоридан пастга қараб.

1992

ТАШАККУР

«Гулбоғ» ҳикоялари ҳақида ўйласам ҳазрат Навойининг:

Жаҳон илми ки, букун менга ёд әрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод әрур.—

байтлари эсимга тушади.

Ҳа, бу ибратли ҳикоялар ва ҳикматли байтларнинг туғулишида ҳам жоҳиллар ва нодонларнинг хизматлари катта. Бунинг учун мен уларга ташаккур айтишим лозим бўлади.

Мана кечагина шундай воқеа юз берди:

Одамлар орасида тузуккина обрўга әга, мен ҳам чин дилдан ҳурмат қиласидирган ошноларимиздан бири бирданига ғуур ва ман-манликка берилиб ўзининг кимлигини унугиб, ҳеч кимни месимай қолибди. Ҳатто ўз фарзандларига нисбатан ҳам бемаъ-

ниликлари авжга мениб, уларнинг фифони фалакка чиқибди.
Дўстлардан бири келиб:

— Улар сизни ҳурмат қиласар эдилар, бир-икки оғиз гапириб
қўйсангиз бўлмасмикин,— деб қолди.

Ўзим ҳам баъзи нарсаларни сезиб, мушоҳада қилиб юрган
эдим. Унинг оёқ олиши ўзгариб қолганига сабаб — ҳозирги
замон қусури туфайли, замона зайлар билан харом бойлик орт-
тириб кўпчиб кетганлигида эди. Ҳозир унга гап кор қилмайди.
Унга гапириш дурри саминни қаро балчиқقا сочиш деган гап.
«Ўликка йиғлаган эсиз қўзим...» дейди халқимиз.

Кўнглимдан шундай фикрлар ўтди-ю дўстимга дедим:

Меҳнат аҳлини дили пок, унда кибру ҳаво йўқ,

Харом пулдан қутириш касалига даво йўқ.

1992

ПОСБОН

(Сўнг сўз ўрнида)

Йиғилган ҳикояларни ушбу китобчага тўплаб нашр қилиш
ниятида ўқиб чиқсан, «Гулбоғ» яратаман деганим тиканзор
чиқиб қолганга ўхшайди. Келган мактабларнинг гувоҳлиги ҳам
шундан далолат беради: баъзилар қалбига қадалибди.

Тиканакни ҳам гул ўз ҳимояси учун ўстирмайдими... Демак,
тикан гул фарзанди ва унинг посбони.

Гул узмоқ, экансен, дилинг бўлсин пок,
Гул-ку шу одамлар учун қалби чок.
Худнамолик билан әзма гул қалбин,
Худбинга тиканак санчилса не бок.

ИМЗО

Мана «Гулбоғ»дан учинчи гулдаста ҳам сараланди.
Бу боғ насими яхшилар димогига гуллар атрини етказа олса,
каминани ҳам тилякка етказган бўлар эди.

Китобни сўнги бор кўздан кечириб муҳтарама муҳарри-
римга тутдим.

— Домла, тагига имзо чекинг,— дедилар.

Шул дақиқа китобда таҳдил әтилган ҳаётим бутун иссиқ-со-
вуғи билан кўз ўнгимдан ўта бошлади — дунёнинг не шодлигу
ношодлигини,adolату, қабоҳатини, муҳаббату ҳамоқатини, хо-
тамлигу нокомлигини, кўрмадим, не-не касу нокас, поку нопок
одамларга дуч келмадим... хуллас қаламни олдим-да имзо чекдим:

Бошга сафо ё савдо тушгани ҳангом,
Не иш бўлса чидади «лом» демайин «лом».
Ҳақ-ноҳақдан олиб ибрату илҳом,
Қаноатда қоғоздек бўлди Шоислом.

МУНДАРИЖА

Хаёт сабоги (дебочча ўрнида)	3	Амалдор	47
Денгиз ва тошлар	4	Терслик	47
Бигиз ва сўзан	4	Ҳайлоний фалсафа	47
Шонир	4	Мансаб ва одам	48
Тила обрўси – эл обрўси	5	Имон ва ҳамён	48
Амал ва билим	5	Умар Ҳайём ва аналгин	49
Лола сайдида	5	Тасодиғот	49
Бекорчи олим – барчага золим	6	Икки сенги	50
Она дуоси – эл муддоаси	6	Үлгит	50
Чўлоқ шеприят	6	Беминнат дастёр	50
Кўрнанас шогира	7	Сандойи	51
Узоқ ҳаёт сири	8	Ортиқча юқ	51
Шонир ўргриси	8	Хусн партави	51
Муқова гўзаллиги	8	Хушонад	51
Шетр ҳарорати	9	Яна ҳалолик ҳақида	52
Бир шеър тарихи	9	Таржима машаққати	52
Мехмон	11	Кайфият	52
Тўй	11	Она тиззаси	53
Узум йигинида	11	Ҳояли тўйи	53
Рассом бўёни бошқа	12	Қариллик йилда эмас, дилда	54
Мулла билганин ўқир	12	Мевали дарахт	55
Хартум ва фил	12	Танглиқ	56
Қизганиш сири	13	Ғайрлик оқибати	56
Гап ҳажми	13	Топқирилик	56
Жойнингни билуб ўтирип	13	Қаргалар	58
Ҳар ҳунарнинг ўз сири бор	14	Хатчўп	58
Калтабиниҳ	15	Минбардан қувилиш	59
Амалдорнинг яқкаланиши	15	Фил ва лайчалар	59
Шаржбон башара	15	Олим бўлиш осон	60
Бош ва гидатрак	16	Уч раҳбар	61
Олтинга тент байт	16	Ҳаёт тадқиқи	61
Китоб файзи	17	Ҳар ким экканни ўрар	61
Тўйинни ўнг кийди	17	Чораси топиади	62
Пайванд	18	Сонга	62
Қоюн шарбати – элинг иззати	19	Қайта қурниш	63
Исландарга насиҳат	20	Ширу шакар	63
Таъсуб	21	Шахсий манфаат	64
Лоҳати номлар	21	Итга туҳнат	64
Устоғ отадан улуг	22	Унрга ачиниш	64
Туқки думидан маълум	22	Олтмиш эмас, иккى ўттиз	65
Гулчамбар ва хокистар	23	Қариллик қасидаси	68
Мухаббат қудрати	23	Дугоналар	69
Қон билан кирган	24	Яхшилик	71
Матбузачи	25	Богбон	72
Одамови	25	Одоббиз	72
Одам боласи бўл	26	Оданин амал бузар экан	73
Безак	26	Макр ва мұхаббат	73
Жомий ҳикмати	27	Ер ҳам танлаб олади	74
Шаккоклик	27	Парвона инсон	74
Ўқиши ва ўқишиш	28	Тақриз	75
Ҳофиз зисратгоҳида	28	Одам иккى хид	76
Кетнон сири	30	Кечниккай әзгулик	77
Кузатиш	30	Демагог	77
Макола түгилishi	31	Далда	78
Қари билганини пари билмас	31	Музеб ва ҳаёс	78
Гу тўқиниса, бўйи қосса не ажаб	32	Ҳофиз шарофати	79
Ҳомийлик	33	Танажжуз	80
Яхшилик қотиллари	34	Техрон чиройлими, Тошкент?	81
Муҳтасарлик маҳорати	35	Икки хусн	82
Мард кишига олам кенг	38	Курбон таржимаси тарихидан	83
Ҳикмат чироги	42	Тўйиш ва тулиш	85
Қодирийга тужнат	43	Ҳайсимдан иккى оғиз сўз.	86
Мактаб боласига	44	Етмини беш китоб	86
Новшадир	44	Ҳаётимдан лавҳалар	87
Ҳикмат баҳоси	44	Бойлик эмас, номус бўласин	89
Афус	45	Академик Обид окамиз	89
Тўғри сўзлик	45	Ташаккур	93
Шаршара	46	Посбон	94
Тортинчоқлик	46	Икзо	

Бадиий-адабий нашр

Шоислом Шомуҳамедов

ГУЛБОҒ НАСИМИ

Ношир: Алишер Шомуҳамедов

Муҳаррир: *Раҳима Шомансурова*

Расмлар муҳаррири: *Хайруллоқ Құдратуллоқ ўғлы*

Тартибловчи муҳаррир: *З. Я. Маруцак*

Мунаққиши: *Усмон Шоислом ўғлы*

ИБ № 125

Босмахонага 7.09.92 й. да берилди. Босишига 18.12.92 й да рухсат этилди. Бичими
60×84¹/16. 1 — Офсет қоғоз. Юқори босма усул. 7325 — буюртма. Баҳоси
шартнома асосида. Нусхаси 10000.

«Ўзбек маскани» ишлаб — чиқариш тижорат бирлашмаси.

«Ёзувчи» нашриёти 700 129 Тошкент Навоий кўчаси 30 — уй.

Ижара пурратидаги Тошкент босма корхонаси. Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30 уй